

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК: 82.01
КБК: 81.2-7
Т – 91

Турсунбаева (Маматсалиев) Зухра

Рўзиматовна

**ЎЗБЕК ТИЛИДАН ҲИНДИЙ ТИЛИГА ЎГИРИЛГАН БАДИИЙ
АСАРЛАРДА ТАРИХИЙ-АРХАИК ЛЕКСИКАНИНГ БЕРИЛИШ
УСУЛЛАРИ**

5А 120201 – Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик
(шарқ тиллари бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун

ёзилган диссертатсия

филология фанлари номзоди, доцент **Очилов Э.**

Тошкент – 2017

Ҳимояга рухсат берилди:

Магистратура бўлим бошлиғи

Муталова Г.С.

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Республикаимиз мустақилликка эришганидан кейин бутун дунё халқлари билан ҳар томонлама, эркин ва бевосита алоқаларнинг ўрганилиши давр талабига айланди. Хорижий давлатлар билан маданий муносабатлар ривожланиб бораётган бир вақтда таржима масалаларини илмий асосда тадқиқ қилиш, таржималар қиймати, савиясини таъминловчи омилларни белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Кейинги пайтларда таржима иши кенг ривожланиб бораётганлиги, амалиётда эса аксинча, бадиий таржима масалалари кам ўрганилаётганлиги, ўзбек адабиётидан хорижий тилларга, чет эл адабиётдан ўзбек тилига таржималар чоп этилиб турган айни дамда ушбу тадқиқот иши мавзуси долзарбдир. Ўзбек халқи тарихига оид ёзма манбалар кўпгина хорижий тилларга таржима қилинган. Бироқ ушбу таржималарда камчиликлар, маънони нотўғри талқин қилиш каби нуқсонлар учраб туради. Бу эса муаммонинг ечимини топишга янгича ёндашишни тақозо қилади. Ўз маънавий меросимизни ўзимиз ўрганиб, идрок этиб қолмай, балки ўзга миллат ва элатларнинг тарихимиз, адабиётимизга қандай муносабатда бўлгани ва бу муносабатлар ҳозирда қандай тус олганини билишимиз, ўрганишимизга тўғри келади. Тарихий асарлар, ёзма ёдгорликлар таржималарнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг аслиятга нечоғлик мувофиқлиги, савияси ҳамда жаҳон адабиёти тараққиётига қўшган маънавий ҳиссасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадни амалга оширишда Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романининг ҳиндий тилига қилинган таржимасини қиёсий ўрганиш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан мазкур асарда акс этган тарихий давр руҳи ҳамда архаик лексикани чет тилига ўгириш бадиий таржимада қандай ҳал этилганлигини илмий-назарий жиҳатдан ёритиб бериш каби масалалар долзарб муаммолардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “.... ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндашув етишмаяпти”¹.

Ҳар бир бадиий ёдгорлик муайян бир даврда содир бўлган воқеа – ҳодисаларни тасвирлайди. Табиийки, бундай асар давр эҳтиёжига мувофиқ тарзда ҳисобсиз тарихий ва архаик лисоний воситаларга бой бўладики, улар китобхон кўз олдида давр руҳи, нафасини жонлантириш билан бирга асарнинг бадиий-эстетик таъсирчанлигини ҳам оширади. Бунда аслият руҳини тўла-тўқис қайта яратиш масъулияти таржимондан зарурий лисоний воситаларни тўғри танлаш йўли билан аслият вужудга келган давр хусусиятини қайта яратишни талаб этади. Ана шу жиҳатдан Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”² ва Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”³ романларининг Судхир Кумар Матхур томонидан ҳиндий тилига қилинган таржимаси талқинида миллий ва тарихий сўзларнинг таржимасини таҳлил этиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти бўлиб Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” ва Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романлари ва унинг Судхир Кумар Матхур томонидан ҳиндий тилига қилинган таржимаси хизмат қилади. Тадқиқот предмети ўзбек тилидан ҳиндий тилига таржимада миллий-тарихий колоритнинг берилишини ўрганиш, миллий либослар, лавозим, ўлчов бирликлари, ҳарбий терминлар ва таом номларининг ҳиндий тилида қандай акс этганини қиёсий таҳлил қилиш.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” ва Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романларининг ҳиндий тилидаги таржимасида тарихий

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 81.

² Ёқубов О. Улуғбек хазинаси. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.

³ Қодиров П. Юлдузли тунлар. – Тошкент: Шарқ, 2009.

колоритнинг акс этиши ва миллий хос сўзларнинг ифодаланишини ўрганишдир. Бу мақсадни амалга ошириш қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади

– Миллий либослар таржимасида услубий меъёр даражасини тадқиқ этиш.

– Таом номларининг таржимада акс этиш йўл ва усулларини текшириш.

– Ҳарбий терминлар, ўлчов birlikларининг таржимада берилишини таҳлил қилиш.

– Лавозимга оид сўзларнинг таржимада берилишини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Судхир Кумар томонидан ҳиндий тилига ўгирилган Одил Ёқубовнинг қаламига мансуб “Улуғбек хазинаси” ва Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романларининг биринчи марта тадқиқот объекти қилиб олинганлигида кўринади. Мазкур асарлар таржимаси мисолида ўзбек тилидан ҳиндий тилига таржимада миллий либослар таржимасида услубий меъёр даражасини тадқиқ этиш, таом номларининг таржимада акс этиш йўли ва усулларини текшириш, лавозимга оид сўзларнинг таржимада берилишини кўриб чиқиш кабиларнинг ўрганилганлигини ҳам тадқиқотнинг илмий янгиликлари сирасига киритиш мумкин.

Тадқиқот ишининг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот ишининг асосий масаласи ўзбек тилидан ҳиндий тилига ўгирилган бадиий таржималарда тарихий ва миллий колоритнинг ифодаланишини ўрганишдир. Шу билан бирга бадиий таржималардамиллий либослар таржимасида услубий меъёр даражасини тадқиқ этиш, таом номларининг таржимада акс этиш йўл ва усулларини текшириш, лавозимга оид сўзларни таржимада берилишини кўриб чиқишдир.

Тадқиқот иши мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Таржимашуносликда тарихий давр руҳини акс эттириш муаммосига

бағишланган тадқиқотларда тарихий-архаик лексика “архаизмлар” деб юритилмоқда ва уни ўзга тилларга ўгириш йўллари турлича таҳлил қилинмоқда. XX асрнинг ИИ-ярмидан бошлаб Ғ.Т.Саломов⁴, Н.К.Комилов⁵, А.В.Федеров⁶, В.Н.Комиссаров⁷, С.Флорин⁸, каби таржимашунослар томонидан ушбу муаммога жиддий эътибор қаратилди. Мумтоз асарлар таҳлили Н.Отажонов⁹, Ф.Салимова¹⁰ ҳамда замондош адибларнинг тарихий жанрдаги романларининг ўзга тилларга таржимаси масалаларига бағишланган тадқиқотларда, Л.Й.Хусаинова¹¹, Х.К.Хамраев¹², Ш.Исоқова¹³, Н.М. Ўрмонова¹⁴, шунингдек Н.Ходжаева¹⁵, М.Хасанованинг¹⁶ магистрлик ишларида, М.М Жавбўриевнинг “Бадий таржимада миллий характер ва тарихий давр колоритини қайта яратиш”¹⁷ (Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” тарихий романи мисолида) ҳамда Ш.Иброҳимованинг “Одил Ёқубов ромонларидаги миллийликнинг туркча таржималарда акс этиши”¹⁸ номли номзодлик диссертацияларида у ёки бу муаммони ёритиш баробарида тарихий реалияларни акс эттириш усулларига муносабат билдирилган. Л.Хусаинова “Миллий ўзига хослик ва

⁴ Саломов С. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966.

⁵ Комилов Н. Бу қадимий санъат. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.

⁶ Влахов С, Флорин С. Непереводимое в переводе. – М.: Международные отношения, 1980.

⁷ Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М.: ЭТС, 2002.

⁸ Влахов С, Флорин С. Непереводимое в переводе. – М.: Международные отношения, 1980

⁹ Отажонов Н. Бобурнома жаҳон адабий жараёнида: қиёсий типологик таҳлил: филол. фан. номз. дисс.– Тошкент: ЎзР. ФА, 1994.

¹⁰ Салимова Ф. Лексикографические и текстологические характеристики “Восточнотюркского словаря” Паве де Куртейля и перевод Бабураме Дисс. ... канд. филол. наук.–Тошкент, 1997.

¹¹ Хусаинова Л.Ю. Национальное своеобразие и перевод (на материале перевода узбекских исторических романов на русский язык). Дисс. ...канд. филол. наук. –Тошкент, 1987.

¹² Хамраев Х.К. Воссоздание национального колорита произведений узбекской прозы во французских переводах. Автореф. Дисс. ...канд. филол. наук. –Тошкент, 1988.

¹³ Исоқова Ш. Бадий таржимада миллийлик ва тарихийликни акс эттирилиши. (Ойбекнинг “Навоий” романининг французча таржимаси мисолида): филол. фан. номз.дисс... –Тошкент: ЎзМУ, 2004.

¹⁴ Ўрмонова Н. Таржимада тарихий-архаик лексикани акс эттириш принциплари ва таржима аниқлиги. (Ўзбек классик адабиётидан француз тилига қилинган таржималар таҳлили асосида) филол. фан. номз дисс... – Тошкент: ЎзМУ, 2008.

¹⁵ Ходжаева Н. Премчанднинг Севги инъоми романи таржимасида миллий колоритнинг берилиши. Магистрлик диссертацияси. – Тошкент: ТошДШИ, 2009.

¹⁶ Хасанова М. Яшпалнинг раққоса романида тарихий архаик лексиканинг берилиши. Магистрлик диссертацияси. – Тошкент: ТошДШИ, 2007.

¹⁷ Жавбўриев М.М. Бадий таржимада миллий характер ва тарихий давр колоритини қайта яратиш. филол. фан. номз. дисс... Автореф. – Тошкент, 1991.

¹⁸ Иброҳимова Ш. О.Ёқубов ромонларидаги миллийликнинг туркча таржималарда акс этиши. филол. фан. номз. дисс... – Тошкент: ТошДШИ, 2010.

таржима. Ўзбек тарихий романларининг русча таржималари асосида” мавзуидаги илмий тадқиқотида илк бор Ойбекнинг “Навоий”, О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” тарихий романлари таржималарини таҳлил қилди. Ҳ.Дадабоев, Н. Носиров, Н.Хусановларнинг “Ески ўзбек тили лексикаси муаоммолари”¹⁹ номли монографиясининг биринчи боби айна эски ўзбек тили лексикасининг кам ўрганилган қатламларининг тадқиқотига бағишланган бўлиб, унда қадимги туркий, эски туркий ва эски ўзбек ёзма ёдгорликлари сўз бойлигининг семантик-функционал, тарихий-etimологик, структуравий-грамматик таҳлили асосида ҳарбий лексика ўрганилган.

Тадқиқот ишида қўлланилган методиканинг тавсифи. А. Федоров, Б. Тоҳирбоев, А. Чуковский, Ғ. Саломов, Ж. Шарипов, Н. Комилов, А. Умаров, Қ. Мусаев, С. Олимов, З. Исомиддинов каби рус, ўзбек ва бошқа қардош халқлар таржимашуносларининг бадиий таржима, таржимон маҳорати, таржимада муаллиф услуби, миллий ва тарихий колоритнинг қайта яратиш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлари ишнинг методологик асосини ташкил этади. Тадқиқот мавзусини ёритишда асосан тавсифлаш, қиёслаш, таснифлаш ва статистик методларидан фойдаланилди.

Тадқиқот ишининг назарий ва амалий аҳамияти. О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” ва Пиримқул Қодировнинг “Юкдузли тунлар” романлари таржимаси мисолида ўзбек адабиётидан ҳиндий тилига таржимада тарихий ва миллий колоритнинг қайта яратилиши бир неча йўналишлар бўйича ўрганилди. Ушбу тадқиқот иши келгусида ўзбек тилидан ҳиндий тилига таржима муаммолари бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар учун ёрдамчи манбалардан бири бўлади, деб ўйлаймиз. Ушбу тадқиқот ишининг асосий натижаларидан олий ўқув юртларида қиёсий

¹⁹ Дадабоев Ҳ., Носыров Н., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. – Ташкент: Фан, 1980.

адабиётшунослик, бадиий таржима назарияси ва амалиёти, таржима тарихи ва танқиди фанлари бўйича машғулотлар олиб бориш, махсус курслар ўқиш, турли услубий тавсияномалар, дарсликлар ва қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи: Ушбу диссертатсия кириш, 3 боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Умумий ҳажми **94** бет.

И БОБ. БАДИЙ ТАРЖИМАДА МИЛЛИЙЛИКНИ АКС ЭТТИРИШ МУАММОЛАРИ

1. Ўзбек адабиётининг ҳиндий тилига таржималари тарихига бир назар

Фарзандларимизни мустақил фикрлари, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий позитсияга эга, чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш биз учун долзарб аҳамиятга эга бўлган масала ҳисобланади²⁰.

Ҳозирги даврдаги туб ислохотлар ҳар бир кишидан билим, салоҳият, самарали меҳнат, юқори малака, юксак тафаккур, ижодкорлик, жамият

²⁰Mirziyoyev Sh. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz.–Toshkent.: O‘zbekiston, 2017. – B. 157-158.

олдида масъулиятни ҳис этишни талаб қилади. Бу муҳим вазифаларни амалга ошириш, маънавий бой, баркамол шахсни шакллантириш таълим тизимида маънавий-маърифий ишларни изчил олиб боришни тақозо этади.

Маълумки, маънавият — ўзликни англашдан бошланади. Республиканинг биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан олиб борилган давлат сиёсатида энг муҳим масала сифатида маънавиятга катта аҳамият бериб келинмоқда. Давлат раҳбаримизнинг аксарият асарларида мазкур масалага урғу берилиб, унинг асосини ташкил этадиган адабиётимиз маънавиятимизни юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этиши кўп бора таъкидланади. Ана шу юксак эътибор натижаси сифатида республикаимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида нашрдан чиққан “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” рисоласи фикримизнинг яққол далилидир. Рисолада “Адабиёт масаласи бу маънавият масаласидир”²¹, деб таъкидланадики, бу хулоса нақадар тўғри ва ҳаққоний эътироф этилганлигини чуқур англаймиз. Ўзбекистон учун дунё халқлари билан ҳамнафас бўлиш, улар билан турли соҳаларда дўстона алоқаларни йўлга қўйиш устувор вазифалардан биридир. Жаҳон тўплаган маънавий, маданий қадриятлардан баҳраманд бўлиш, дунё халқлари санъати, адабиёти ютуқларидан фойдаланиш илм-фанни, маданиятни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Адабиёт турли миллатларни бир-бирига боғлаб турувчи маданиятнинг асосий омилларидан бири бу адабиётдир. В.Г.Белинский: “Бир халқнинг адабий асарларини бошқа халқнинг тилига таржима қилиш уларнинг ўзаро яқинлашишларига, бир-бирларига ғоялар алмашилишига асос бўлади, ана шунда янги бадиий асар келиб чиқади ва ақлий силжиш юз беради”²², — деб айтган эди. Маълумки, азал-азалдан олиму адибларнинг асарларини турли

²¹ Каримов И.А. Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор. — Тошкент: Ўзбекистон, 2009. — Б. 23.

²² Саломов Ғ. Рус тилидан мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. — Тошкент: Фанлар академияси нашриёти, 1961. — Б. 11.

тиллерга таржима қилиш орқали халқлар ўртасидаги ришталар бир-бирига боғланиб келган. “Маълумки, бадиий адабиёт ҳар бир халқнинг маънавий дунёси, ҳаёти, урф-одатлари, анъаналари билан, унинг маданиятидаги жамики яхши, илғор нарсалар билан танишиш имкониятини беради”²³. Бинобарин, инсоният маънавий ҳаётида адабиётнинг аҳамияти беқиёсдир. Бунда нафақат ватан адабиёти, балки ўзга миллатлар адабиёти ҳам назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин ўтган 25 йил ичида таржимашунослик хусусан, бадиий, таржима соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Жаҳон адабиёти ўнлаб тилларда барпо этилади. Бу, ўз навбатида, турли миллий адабиётлар ўзаро алоқа қиладиган майдон бўлиб, уларнинг узлуксиз алоқасида, бир-бирларини бойитишида асосий восита бадиий таржимадир. Таржимашунос Ғ.Саломов “Бадиий асарлар таржимаси хусусияти шундаки, у чинакам нафис нарсдан баҳраманд этишдан ташқари, хусусан, эстетик туйғуни ўстиришга, дид пайдо қилишга ва нафис нарса тўғрисида ҳаққоний тушунча тарқалишига хизмат қилади”²⁴, – деб ёзган эди. Н.Комилов эса: “Таржима асари бу бошқа халқ яратган нарсдан айнан кўчирилган нусха эмаслиги, балки таржима бошқа тилдаги бадиий гўзалликни ўз халқи учун ижодий ўзгартириш, янги тилнинг қуввати ва қудратини намойиш этиб, асарни шу тилнинг санъат ҳодисасига айлантириш”²⁵, – дея қайд қилади. Ҳозир мамлакатимизда бадиий таржима адабиёти юз мингларча нусхани ташкил этади. Бу, таржима денгизини ўқувчилар томонга қараб йўналтириш, уларнинг бадиий қиммати, зуваласи, аниқлиги меъёрини тайин этган ҳолда, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб чиқишга тўғ ёри келади. Мана шу ўринда адабий жараённи тартибга солиб турувчи муҳим восита -

²³ Саломов С. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 122.

²⁴ Саломов С. Адабий анъана ва бадиий таржима. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 11.

²⁵ Комилов Н. Бу қадимий санъат. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 5.

таржима назарияси ва танқиди иш беради. Беҳад улкан таржимавий фаолият кенгайиб, кучайиб, орқаси мустаҳкамланиб, аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Эндиликда бу чинакам давлат аҳамиятига молик фаолият бўлиб, мамлакатимизда таржимага эътибор ҳам шунга лойиқдир. Чунончи, ўзбек адибларидан Пиримқул Қодиров ва Одил Ёқубовларнинг машҳур асарлари ҳинд китобхонларига ҳам тақдим этилган. Ўзбекистонни, ўзбек миллий меросини жаҳонга танитиш, кундан-кун ривожланиб, дунёда тобора мавқеи ортиб бораётган юртимизни, халқимиз ҳаёти ва бадий тафаккурини адабиёт воситасида, хусусан, шеърӣ ва турли таржима йўллари билан кенг ёйиш, тарғиб қилиш кечиктириб бўлмас вазифалардандир. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг қуйидаги сўзларини эсга олиш зарур: *“Кейингӣйилларда миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналарини чет тилларига таржима қилиш ва шу асосда халқимизнинг ҳаёт тарзи ва инсоний фазилатларини кенг намойиш этиш борасида ҳам катта имкониятлар пайдо бўлмоқда. Илгари ўзбек адабиётининг намуналарини бошқа тилларга таржима қилиш асосан учинчи тил яъни рус тили орқали амалга оширилар эди. Бу борада қилинган катта ишларни муносиб баҳолаган ҳолда, эндиликда адабиётимизнинг энг етук асарларини бевосита она тилимиздан араб ва шарқ тилларига таржима қилишга қаратилган ишларни кучайтиришимиз зарур. Узоқ йиллар давомида ўзбек адабиётини тўғридан-тўғри она тилимиздан таржима қилиб келган чет эллик таржимонлар билан бирга, мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим олаётган истеъдодли ўғил-қизларимизни мана шу машаққатли, айна пайтда олижаноб ишга жалб этиш, бу масаланинг ечими билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилий-амалий вазифаларни ҳал қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлур эди”*²⁶.

²⁶ Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch. – Toshkent: O'zbekiston, 2008. – B.139-140.

Ҳиндистон адабиёти жуда қадимий ва бой ўтмишга эгадир. Ҳар бир ҳинд ёзувчиси – бир дунё. Ҳиндистон кўп миллатли ва элатли мамлакат бўлиб, бу заминда бир-бирига ўхшамаган тил ва шевалар мавжуд. Шунинг учун ҳинд ёзувчи ва шоирлари асарлари таржимаси жуда катта меҳнат ва машаққатни талаб этади.

Ҳиндистон адабиётидан илк бор 1925 йилда Рабиндранат Тагорнинг “Суба” ҳикояси ўзбек тилига таржима қилиниб, “Маориф ва ўқитувчи” журналида чоп этилган. Ҳиндистон адибларининг асарлари, асосан, 1950-60 йиллар оралиғида ўзбек тилига кўп таржима қилинган.

XX асрнинг 20-йилларидан сўнг ҳинд адабиётидан таржима қилиш анча жадаллашди. Бироқ асарлар рус тилига таржима қилинар эди. Ўша даврларда асосан ёзувчи ва шоирлар таржимонлик соҳасида кўпгина ҳинд адабиёти намуналарини рус ва бошқа тиллар воситасида ўзбек тилига таржима қилганлар. Чўлпон, Ғ. Ғулом, М. Шайхзода, Зулфия, Э. Воҳидов шулар жумласидандир. Ушбу анъана XX асрнинг иккинчи ярмида бироз сустлашди, бироқ тўхтамади. Ш. Шомухаммедов форс тилидан Мирзо Ғолиб ғазалларини, С.Ғаниева форс ва озарбайжон тилларидан “Калила ва Димна” пандномасини, рус тили воситасида Одил Раҳимий Рабиндранатх Тҳокурнинг “Қобуллик” ҳикоясини, Т. Жалолов, С. Худойберганов билан ҳаммуаллифликда “Таскин топган рашк” асарини, Эркин Воҳидов “Сенсан, онажон”, Шайхзода “Муҳаббатим билониҳоя” шеърларини, Зулфия Амрита Притамнинг “Ойдин тун”, “Бҳангра” шеърларини, Иброҳим Ғофуров ҳиндларнинг панднома асари “Панчатантра ёҳуд беш муқаддас китоб” панднома асарини таржима қилишган.

XX асрнинг 60-йилларида ўзбек адабиёти намуналарини чет тилларига таржима қилиш анъанаси бошланган деб тахмин қилиши мумкин. Хусусан, ўзбек адабиётининг ҳиндий ва урду тилларига таржимасини кузатар эканмиз, ҳиндшунос таржимон Раҳмонберди Муҳаммаджоновнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Илк

бор ўзбек тилидан Шароф Рашидовнинг “Кашмир қўшиғи” (“Нагма-е-Кашмир”) достони урду тилига таржима қилинган. Шунингдек, А.Беляевнинг “Одам амфибия”, Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” асарлари, ўзбек ва қозоқ халқ эртаклари ҳам Р.Муҳаммаджонов томонидан урду тилига таржима қилинган. Зулфия қаламига мансуб “Хотира синиқлари” шеърӣ тўпламини эса ўзбекчадан Н. Муҳамедов урду тилига таржима қилган. Шулар қатори ҳиндшунос олим А. Иброҳимов 1975–1991 йиллар давомида “Прогресс” нашриётида фаолият олиб борган даврида Э. Воҳидовнинг “Олтин девор” асарини урду тилига таржима қилган²⁷.

Ҳиндшунос таржимонлар ичида сермахсул фаолият олиб бораётган, бадий асарлар мутаржими Амир Файзулло 1972 йилда “Ўзбекистон шоирлари” (“Шуара-е-Ўзбекистан”) тўпламини урду тилига, 1975 йилда А. Мухторнинг “Чинор” романини ҳиндий тилига, 1995 йилда Мустақил Ўзбекистон шоирлари шеърӣ тўпламини, 2014 йилда тўпламида Увайсий, Нодира, Муаззам, Маҳзуна каби шоираларнинг бир қанча шеър ва ғазаллари “Ўзбек адабиёти наъмуналари ҳиндий тилида” тўпламида таржима қилинган.

“Ўзбек адабиёти намуналарини ҳиндий тилига ўгиришда ўзбек ҳиндшунос таржимонлари билан бир қаторда тил соҳибларининг салмоқли таржималарини ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Асқад Мухторнинг “Опа сингиллар” романи 1979 йилда Рай Ганеш Чандра томонидан инглиз тилидан билвосита ҳиндий тилига, 1983 йилда Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, 1988 йилда Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романлари Судхир Кумар Матхур томонидан ҳиндий тилига таржима қилинган. Бундан ташқари ўзбек ёзувчиларининг ҳикояларини ўз ичига олган “Бахт қуши” (Сукҳи ка панчи) тўплами 1984 йилда нашр этилган. Бу ҳикоялар Судхир Кумар Матхур ва Нурия Исмаиловалар томонидан

²⁷ Ходжаева Н. Ўзбек адабиёти намуналари ҳинд тилида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент., 2015, № 5. – Б.60-65

ҳиндий тилига таржима қилинган. Мазкур тўпламда Ғафур Ғуломнинг “Ўғригина болам” (“Пяра чор”), Саид Аҳмаднинг “Сумбул” (“Сумбул”), Одил Ёқубовнинг “Бахт куши” (“Сукх ка панчи”), Асқад Мухторнинг Рафиқа (“Биви”), Ўткир Ҳошимовнинг “Муҳаббат” (“Пяр”), Пиримқул Қодировнинг “Умид” (“Аша”), Саида Зуннунованинг “Оға” (“Бара бҳаи”), Мирмуҳсиннинг “Драмма” (“Нат”), Мақсуд Қориевнинг “Пикник” (“Пикник”), Ҳамид Ғуломнинг “Аскарнинг онаси” (“Сипаҳи ки Маа”), Шухратнинг “Қариш” (“Пхаткар”), Раҳмат Файзийнинг “Қайнона” (Сас), Назир Сафаровнинг “Бахт” (Сачча сукх) Иброҳим Раҳимнинг “Шарт” (“Шарт”), Ўлмас Умарбековнинг “Бобаёнғок” (“Бурҳа акҳрот”), Латиф Маҳмудовнинг “Чинор” (“Чинар”), Сарвар Азимовнинг “Менинг дўстим” (“Мера дост”), Жонрид Абдуллахоновнинг “Кабутар” (“Гория”), Фарҳад Мусаҷоновнинг “Тўйга марҳамат” (“Шади ме зароор аие”), Ўктам Усмоновнинг “Ариял Муҳаммад” (Ариял Муҳаммад) каби ҳикоялари таржимаси ўрин олган. Ушбу тўплам урду тилига ҳам таржима қилинган”²⁸.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг “Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида” асари 1999 йилдa таржима қилиниб, “उज़्बेकि स्तान इक्कीस्वीं सदी के नवोदय” (Ўзбекистан иккисвин сади ке наводай) Ҳиндистоннинг пойтахти Янги Деҳлида нашр этилган. Ушбу асарни Абҳа Рай ҳиндий тилига таржима қилган.

Шунингдек, “Тошкент Давлат Шарқшунослик Институтида ИТД-1-144 “Ўзбек адабиёти намуналари шарқ тилларига таржима қилишнинг назарий ва амалий масалалари” илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида “Ўзбек адабиёти намуналари ҳиндий тилида” номли тўплам тайёрланди ва у 2014 йилда нашр этилди. Ушбу тўплам икки бўлимдан ташкил топган

²⁸ Ходжаева Н. Ўзбек адабиёти намуналари ҳинд тилида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. № 5. – Б.60-65

бўлиб, биринчи бўлимида шеърӣ, иккинчи бўлимида эса насрий таржималар жамлаган. Увайсий, Нодира, Муаззам, Маҳзуна қаламига мансуб шеър ва ғазалларни Амир Файзулла ҳиндий тилига таржима қилган. Насрий таржималар бўлимида эса ТошДШИ, Таржима назарияси ва амалёти кафедраси ўқитувчилари ва талабалари томонидан Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар” тўпламидан парча ва “Дунёнинг ишлари” қиссасидан “Ойдин кечалар”, “Илтижо”, “Қарз”, “Икки афсона”, “Гидам пайпоқ”, “Енг оғир гуноҳ”, “Бола йиғиси”, “Суръат”, “Туш”, “Китоб”, “Маҳалланинг Шайҳи”, “Қаноат” каби новеллалар таржима қилинган”²⁹.

Ҳар бир таржиманинг ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари мавжуд. Шундай бўлса-да ҳар бир бадий таржима асардан эстетик завқ ва маълумот олиш мумкин.

2. Миллий хос сўзларни таржимада бериш йўллари

Таржима жараёнида туғиладиган энг муҳим қийинчиликлардан бири бу оригинал асарнинг миллий руҳини бошқа муҳитга кўчиришдир.

Маълум халққа нарса-предмет, тушунча ва ҳодисаларни ифодаладиган сўзлар муаллифга тасвирланаётган персонажларнинг моддӣ-маънавий ҳаётини ҳаққонӣ, миллий шаклда баён қилиш имкониятини беради. Бошқача қилиб айтганда, бу сўзлар бадий асарнинг тарихий ва миллий хусусиятини белгиладиган асосий воситалардан ҳисобланади. Бундай сўзларни таржимада айнан ўзидек талқин қилиш асл нусха миллий хусусиятини ўзга тилда қайта тиклашдек мураккаб муаммонинг энг масъулиятли ва мушкул масалаларидан ҳисобланади. Чунки бундай ҳолларда таржимон олдида ўз халқи учун нотаниш,

²⁹ Ходжаева Н. Ўзбек адабиёти намуналари ҳинд тилида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. № 5. – Б.60-65.

бинобарин, номлари ҳам тилида мавжуд бўлмаган нарса, тушунча ва ходисаларни китобхонга тўла-тўқис етказиб бериш вазифаси туради.

Реалияларга миллий таомлар, кийим-кечаклар, миллий чолғу асбоблари, рўзғор анжомлари, номлар, тахаллуслар, лақаблар, шаҳар, қишлоқ хусусиятлари, меъморчилик, географик номлар, даража, унвон, табақа ва ҳ.к. бўлинишларни ифодаловчи сўзлар, муассаса, ташкилот, диний маросимлар ва бошқа этнографик белгиларни билдирувчи сўз ва иборалар киради.

Тарихийлик ва миллийликнинг акс этишида энг аввал ҳамманинг кўз олдида бирон-бир миллатга хос либос ёки бирон даврга тегишли кийим-кечак ва тақинчоқлар гавдаланади. Бундай сўзларни таржима қилаётганда таржимонни кўпроқ ўзга халқ кишисига таржима тили соҳиби либосини кийгизиб қўйиш хавфи кутади. Миллийлик жуда нозик тушунча. Бу борада арзимас бир хато баъзида бутун бир миллат ҳақида нотўғъри тасаввур туғдириб қўйиши мумкин.

Биз Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” ва Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романларининг ҳиндий тилига қилинган таржимлари мисолида ўзбек халқининг миллий ўзига хосликлари тўла акс этган сўз ва тушунчаларнинг таржимада берилишини кўриб ўтамиз. Аввало, таом номларининг таржимасига эътиборни қаратамиз.

Бақалоқ баковулнинг кетидан жазиллаб турган **кабоб** билан аллақандай хушбўй ҳид таратган таомлар тўла баркашларни кўтариб ёрдамчилари кириб келишиди.³⁰

बावरची चांदी का थाल थामे था, जिसमें बारीक काम की छेटी-छोटी सुरहियां और बिल्कुल प्याज़ के छिलकों-सी पतली प्यालियां रखी थी। इसके बाद वैसे ही चांदी के थाल

³⁰ Ёқубов О. Улуғбек хазинаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б.13. (Кейинги иқтибосларда “Улуғбек хазинаси” романи қуйидаги қисқартма билан келтирилади[U,X.])

लिये बावरची के सहायक आये। हर थाल में भाप छोड़ते गरम-गरम **सीक-कबाब रखे थे**, जिसकी सौंधी गंध से नाक गुदगुदी हो रही थी।³¹ [उलूग बेक की धरोहर ,प १८]

Бу пайтда нонвойлар **нон** ёпишга, ҳолвафурушлар **ҳолва**, сомсапазлар **сомса**, кабообпазлар **кабооб** пиширишга киришар, ҳаво **иссиқ нон ва сомса**, **пиёз** ва **кабообнинг** тутун аралаш аччиқ ва хушбўй ҳидига тўларди [У.Х.:36].

नानबाई आटा गूंधना शुरू कर देते थे, हलवाई **हलवा** बनाने की तैयारी में लग जाते थे, सीक-कबाबवाले अंगीठियाँ सुलगाना शुरू कर देते थे, और कुछ ही देर में **नीनों व सीक-कबाबों**, समरकन्द के **स्वादिष्ट समोसा** व तले हुए प्याज़, मसालों व मिठाइयों की सौंधी मनमोहक गंध की लपटें राहगीर पर टूट-सी पड़ती थीं, उसके मन में इन्द्रधनुषी सपने जगाने लगती थीं। [उलूग बेक की धरोहर ,प ५०]

Хонага мадраса талабасига ўхшаган ёш маҳрам кириб, ўртага дастурхон ёзди, кумуш баркашларда **иссиқ нон**, **сомса**, **пиёз** пўстидай нозик чинни ликопчаларда **асал**, **бодом**, **майиз** олиб келиб қўйди [У.Х.:38].

नान गरम और ताज़ा थीं, समोसा मुंह में घुल रहे थे, चीनी मिट्टी के सुन्दर प्यालों में रखे **शहद, बादाम और किशमिश** को देखकर मिठाईयों के हर जानकार और शौकीन का दिल खुश हो जाता, पर बातचीत किसी भी तरह एक दुसरे की तबीयत पूछने से आगे नहीं बढ़ पा रही थी। [उलूग बेक की धरोहर ,प ५२]

Хонада гиламу бир-иккита кўрпача. Ўртадаги хонтахтада совиб қолган **кабооб ва мева-чева**. Бежирим чинни кўзачада-бода [У.Х.: 946].

दीवारों से निकलनेवाली ठण्ड को कालीन कुछ कम कर देते थे। कैंदी को, हालाँकि उन्हें इस नाम से नहीं बुलाया जाता था, एक जोड़ी कम्बल की दे गयी थी। खानों की कोई

³¹ सुधीर कुमार माथुर, उलूग बेक की धरोहर, रादुगा प्रकाशन, ताशकन्द १९८३ प १८ (Кейинги иқтибосларда ушбу асар қуйидагича келтирилади. Улूг беқ қі дһроһер,п १८).

कमी न थी: उधर चौकी पर ठण्डे पड़े **सीक-कबाब, रोटी, फल** और चीनी-मिष्टी के बारीक प्याले में शराब रखे थे। [उलूग बेक की धरोहर ,प १०८]

Зираворлар солиниб, Али Қушчи суйган қора мурч сепилган **иссиқ паловнинг** хушбўй ҳиди тор хужрани тўлдириб юборди [У.Х.:188].

कमरे में थोड़ी काली मिर्च व अन्य मसाले बुरके **पुलाव** की सौंधी गंध व्याप्त हो रही थी। [उलूग बेक की धरोहर ,प २१६]

Ҳиротнинг машҳур баковуллари барра қўзилардан **кабоб** қилишар, доривор ўтлар солинган хушбўй **шўрвалар** пиширишар эди [У.Х.:299].

हिरात के मशहूर बावरची **मेमने के गोश्त के सीक-कबाब** और सुखद सुगंधित व स्वास्थ्यवर्द्धक मसाले पड़े **सौंधा शोरबा** बनाने में अपना हुनर दिखाते थे। [उलूग बेक की धरोहर ,प ३३५]

Юқорида келтирилган жумлалардаги “кабоб”, “сомса”, “шўрва”, “палов” каби таом номлари таржимада кабоб-**सीक-कबाब**(сикх-кабаб), шўрва-**शोरबा**(шўрба),сомса-**समोसा**(самўса), палов-**पुलाव**(пулав) тарзида ифодаланилган. Ушбу сўзлар ҳиндий тилига форс тилидан ўзлашган бўлиб, эгзотизмга айланиб кетган. Экзотизм-бу тилдаги шундай лексемалар-ки, улар бирон бир миллатга, мамлакатга ёки ҳудудга гина тегишли бўлиб уларнинг турмуш ёки ижтимоий ҳаётида ишлатиладиган сўзларга айтилади. “Миллий тушунчаларни ифода этадиган хос сўзларнинг айримлари аслиятга мансуб бўлган тилдан ташқари, яна қатор халқларда ҳам учраши, шунингдек, таржима қилинган тилнинг ҳам таркибий қисми ҳисобланиши мумкин. Бундай сўзлар ҳудуд, турмуш-шароит

жиҳатларидан бир бирларига яқин, доимий муносабат ва мулоқотда бўлиб турадиган халқларда кўпроқ учрайди”³².

Баковулнинг кўлидаги оғир баркашда қип-қизил пишган иккита **патир, бир товоқ ош** ва бир чойнак чой бор эди [У.Х.: 95].

खानसामां चांदी की भारी तश्तरी में शोरबे का प्याला, केतली और दो गुलाबी नान लेकर आया था। [उलूग बेक की धरोहर ,प १११]

Хонанинг тўридаги хонтахтада кумуш баркашларга солинган **кабоб ва патирлар**, нозик мунаққаш пиёлаларга қуйилган бода қандай бўлса, шундай турарди [У.Х.: 21].

इस समय कोने में छोटी-सी मेज़ पर तश्तरियां, थाल और नाना प्रकार के व्यंजन: **सीक-कबाब, मसाले नान** , शराब-सब ज्यों का त्यों रखे हुए थे। [उलूग बेक की धरोहर ,प २८]

Қуйидаги икки жумлада “патир” сўзи икки хил тарзда таржима қилинган. Мутаржим биринчи жумлада патир сўзини **गुलाबीनान**, яъни “кичкина”, “пушти” “енгил нон”, иккинчи жумлада эса **मसालेनान**, яъни “зираворли нон” тарзида таржима қилган. Фикримизча, **गुलाबीनान** ва **मसालेनान** ҳам “патир” сўзини ифодалаёлмайди. Чунки “Патир кўпинча ёғ аралаштирилган оширилмаган хамирдан чекиклаб тайёрланадиган юпқароқ нон”³³. “Патир” ҳам миллий егулик тури ҳисобланиб асосан Ўрта Осиё аҳолиси вакиллари орасида истеъмол қилинади ва бу нон тури бошқа халқларда учрамайди. Шунинг учун “патир” сўзини транслитератсия қилиб, матн остида **उज़बेकोँकादेशीनान** тарзида изоҳ бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

³² Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. — Тошкент: Фан, 2005. — Б. 91.

³³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 3 жилд. — Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. — Б.253.

Биринчи жумладаги “ош” сўзи таржимада शोरबा, яъни “шўрва” тарзида берилган. Ош сўзига ўзбек тилининг изоҳли луғатида “ёвғон, шўрва, хўрда, иссиқ овқат, таом”³⁴ деб изоҳ берилган. Шунинг учун शोरबा “ош” сўзини изоҳлай олган, деб ҳисоблаймиз.

Аравакаш йигит икки коса тўла қатиқли ош ичгандан кейин отларига қараш учун ҳовлига чиқиб кетди.³⁵

नौजवान गाड़ीवान दही पड़े मस्तावा पर टूट पड़ा और उसकी पूरी दो रक्काबियां चट कर गया। उसके बाद वह अहाते घेड़े को संभालने चला गया।³⁶ [бабур, п. ۱۹]

Бу жумладаги “қатиқли ош” сўзи दही पड़े मस्तावा -қатиқ солинган мастава тарзида ифодаланилган. Қизиғи шундаки, аслиятда “мастава” сўзи қўлланилмаган. Ҳиндий тилида ҳам मस्तावा(мастава)сўзи мавжуд эмас. Юқоридаги жумлаларда “ош” сўзининг शोरबा тарзида таржима қилинганига гувоҳ бўлдик. Шунинг учун бу ерда ҳам “қатиқли ош” сўзини दहीपड़ेशोरबा тарзида ифодалаш мумкин эди. Чунки ушбу жумлада मस्तावा сўзи ҳинд китобхони учун тушунарсиз бўлиб қолган. मस्तावा(мастава) сўзини ҳинд китобхони учун चावलकाशोरबा(гуручли шўрва) тарзида ифодалаш мумкин. Аммо аслиятда “мастава” сўзининг ўзи мавжуд эмас. Мутаржим ушбу сўзни нима асосда танлагани бизга номаълум.

Унинг ё олло дўст, ё оллосига дарвозани очган қоровул чол, сопол косада қатиқлик гўжа билан битта зоғора тўқач олиб чиқди[У.Х.: 119].

³⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4 жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б.17.

³⁵ Қодиров П.Юлдузли тунлар Тошкент: Шарқ, 2009. – Б.11. (Кейинги иқтибосларда “Юлдузли Тунлар” романи куйидаги қисқартма билан келтирилади [У,Т.])

³⁶ सुधीर कुमार माथुर, बाबूर, रादुगा प्रकाशन, मास्को १९८८. प १५(Кейинги иқтибосларда ушбу асар куйидагича келтирилади. बाबूर, п. ۱۹).

दरबान ने उसे घर से दही डाला शोरबा और मक्का की छोटी-सी रोटी लाकर दी।

[उलूग बेक की धरोहर ,प १४०]

Ушбу жумлада “қатикли гўжа”-**दही डाला शोरबा** яъни “қатик солинган шўрва” тарзида таржима қилинган. “ Гўжа – оғир (кели)да туйиб оқдон (оқ жўхоридан) тайёрланган суюқ овқат”. “Гўжа”нинг оқ дон ёки оқ жўхоридан тайёрланишини ҳисобга олсак, қатикли гўжа бирикмасини **दही डाला मकई की शोरबा** тарзида ифодалаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Таҳлил жараёнида егулик номлари қуюқ овқат: кабоб, ош, суюқ овқат: шўрва, қатикли ош, қатикли гўжа, ва нон турлари патир, тўқач каби турларга бўлиб ўрганилди.

Таржимон олдида турган муаммолардан яна бири кийим-кечак номларидир. Таржимон аслият тилида сўзловчи халқнинг ўзига хос либос ва пояфзал турларини яхши билиши ва уларнинг номларини ўгиришда эҳтиёт бўлиши лозим.

Бош кийим номлари:

Али Қушчи **қора духоба тақясининг** устидан **мударра дасторини**ўради, эгнига енгсиз кимхоб нимчасини, унинг устидан оқ чакмонини кийди-да, тик зиналардан юқорига чиқа бошлади [У.Х.:5].

आली कुश्ची ने **मखमल की काली टोपी** के ऊपर **मुदरिसोंवाला अमामा** बांधा, ज़री की वास्कट पहनी ओर कंधों पर ऊंट के ऊन से बना सफ़ेद चकमान डाल दिया। [उलूग बेक की धरोहर ,प ६.]

Ушбу жумлада тарихий миллий колоритга хос бир нечта сўзлар келтирилган. Уларнинг таржимада берилишини бирма бир кўриб ўтамиз.

Қора духоба тақя-*मखमलकीकालीटोपी* деб таржима қилинган. Тақя³⁷ сидира матодан тайёрланган “гулсиз дўппи”. *टोपी* сўзи “дўппи” сўзига мос келади. Ўзбек “дўпписи”дан фарқли ўлароқ “чит” ёки “қўлда тўқилган” бўлади. Шунингдек *टोपी*³⁸ ҳиндий тилида умуман бош кийим маъносини беради, яъни шапка, қалпоқ ва ҳ.к. Мударра дастори бирикмаси – *मुदरिसौवाला अमामा* арзида ўгирилган. Дастор³⁹ “Ўзбек тили изоҳли луғати”да салла тарзида берилган. *अमामा*⁴⁰ араб тилидан ҳиндий тилига ҳам ўзбек тилига ҳам ўзлашган сўз бўлиб, “салла” ни билдиради. Аммо ҳинд тилида ҳам *पगड़ी* сўзи мавжуд бўлиб, салла сўзининг айна таржимасидир. Бу ерда таржимоннинг сўз танлаш маҳоратини алоҳида таъкидлаш лозим. Таржимон таржимада соф ҳиндий тилида мавжуд *पगड़ी* сўзини қўлламай, араб тилидан ўзлашган *अमामा* сўзини танлашда динлараро яқинлик ва ўхшашликни ҳисобга олган. Миллий тушунчаларни ифода этадиган хос сўзларнинг айримлари аслиятга мансуб бўлган тилдан ташқари, яна қатор халқларда ҳам учраши, шунингдек, таржима қилинга тилнинг ҳам таркибий қисми ҳисобланиши мумкин. Бундай сўзлар ҳудуд, турмуш-шароит жиҳатларидан бир бирларига яқин, доимий муносабат ва мулоқотда бўлиб турадиган халқларда кўпроқ учрайди.

Бегимнинг марварид қадалган ипак **тоқисидан** тортиб учи қайрилган кизил этикчасигача бутун борлини шундай нафис кўринар, бу самовий

³⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. / С.Ф Ақобиров, Т.А. Аликулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б. 148.

³⁸ Хинди-русский словарь. В двух томах, 1-том. / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 654.

³⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. / С.Ф Ақобиров, Т.А. Аликулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б.214.

⁴⁰ Хинди-русский словарь. В двух томах, 1-том. / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 124.

гўзаллик олдида тош ва ғиштдан гап очиш жуда эриш туюлар эди [Й,Т.: 77].

एक ऐसे प्राणी से ईंटों की बात कैसे का जाये, जो मोतियों सो ज़रा रेशमी टोपी से लेकर ऊपर को मुड़ी नोकोंवाले लाल जूतों तक कोमलता का साकार रूप हो-सुकुमार और सम्पूर्ण, दिव्य सौन्दर्य का आगार हो? स्तम्भित वास्तुकार की ज़बान नहीं खुल रही थी।[बाबूर,प. ८८]

Аслиятда тоқи-чўққисимон заифона бош кийим деб изоҳланган. Таржимада тоқи-**ज़ра решмі топі** -ипак қалпоқ тарзида изоҳли таржима қилинган. Бу изоҳ қисман тоқи сўзини изоҳлай олган бўлса-да, унинг чўққисимон эканлигини ифодалаш учун **तिकोना रेशमी टोपी** яъни чўққисимон ипак қалпоқ тарзида ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Катта **чўғирма** кийган бир йигит чарм ҳамёнидан уч-тўртта кумуш танга олиб, баззозга узатди [Й.Т.: 393].

लम्बी-सी **ज़बरी टोपी** लगाये हुए सिपाही ने चमड़े के बटुए मेंसे तान-चार अशरफियां निकालकर दूर से घुमाकर दिखायीं। [बाबूर,प. ३९२]

“Чўғирма Хоразм ва Қорақолпоистонда расм бўлган мўйна қалпоқ”⁴¹. Таржимада чўғирма **ज़बरी टोपी**, яъни “мўйнали жунли қалпоқ” шаклида берилган. Мутаржим ушбу изоҳли таржима орқали “чўғирма” сўзини ифодалай олган. Бундан ташқари бўрк-**कनटोपी**, қундуз телпак –**ऊदबिलाव की खाल की टोपी** тарзида таржима қилинганига гувоҳ бўлдик .

⁴¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4 жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б. 555.

Бўрк⁴²қишки қалпоқ, телпакмаъносини англатади. *कनटोपी*

лексемасиҳиндий тилида қулоқли қалпоқ маъносини ифодалашини ҳисобга олиб, унинг “бўрк” сўзига муқобиллигини таъкидлаймиз.

Қундуз телпак *उदबिलाव की खाल की टोपी*яъни қундуз мўйнасидан тикилган қалпоқ тарзида таржима қилинган. Телпак⁴³ мўйнали иссиқ бош кийимдир. Шунинг учун *खालो की टोपी*“телпак” сўзига муқобил бўла олади, деб ҳисоблаймиз.

Устки кийим номлари

Оқ шоҳи **яктак** кийган йўғон гавдалик бўйдор кишини икки навкар икки томонидан маҳкам тутиб олиб кирди[Й.Т.: 53].

दो सिपाही कक्श में मोटे लम्बे-चौड़े आदमी को लेकर आये, जिसने सफेद **यखतक** पहन रखा था [बाबूर, प.६१]

Юқорида келтирилган жумладаги “яктак” либос номи **यखतक** тарзида транслитератсия қилиниб, матн остида қуйидагича изоҳ берилган:

यखतक लम्बी सूती कमीज़. Сўзма сўз: узун жун матоли эркаклар кўйлаги.

Яктак бир қават, астарсиз кийим. Узун кўкрак олди очиқ эркаклар кўйлаги эканлигини ҳисобга олсак, изоҳнинг тўғри берилгани аниқлашади.

Зира **беқасамдан** юпқа тўн кийган мулла Фазлиддин кўрчибоши қаршида қўл қовуштириб:

-Маъзур тутинг, жаноби бек,-деди [Й.Т.:74].

⁴² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. / С.Ф Ақобиров, Т.А. Алиқулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б. 164.

⁴³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд./ С.Ф Ақобиров, Т.А. Алиқулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б. 158.

अपने बेकसम के चोगे को कसकर फज़लुद्दीन ने क्रोरचीबाशी के सामने सीने पर
आडे हाथ रखे। माफ कीजिये, हुज़ूर, उसने कहा। [बाबूर, प ८४]

Бу гапдаги “беқасам” сўзи ҳам транслитератсия қилиниб, қуйидагича
изоҳ келтирилган:

हथकरघेपर बनाएकप्रकारकारेशमीधारीदार कपड़ा Сўзма сўз: махсус
мосламада тўқилган йўл-йўл ипак мато.

Беқасам сўзига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “ўриши ипак
арқоғи ипдан тўқиладиган йўл -йўл гулли пишиқ газлама, шу газламадан
тайёрланган кийим”⁴⁴, деб изоҳ берилган. Ушбу жумладаги изоҳни ҳам
тўғри деб ҳисоблаймиз.

“Яктак”, “беқасам” миллий либос номлари бўлгани учун ушбу
сўзларни таржимада ифодалашда мутаржим транслитератсия усулидан
фойдаланган.

“Транслитератсия усулидан фойдаланишнинг асосий сабаби-аслиятда
қўлланган миллий хусусиятли лисоний воситаларнинг таржима тилида
мавжуд бўлмаганлиги туфайли аслиятнинг миллий хусусиятини таржима
тили соҳибларига хос хусусият билан алмаштириб қўйиш ёки таржимани
умуман бундай хусусиятдан маҳрум этиш каби ҳолатларга йўл
қўймасликдан иборат”⁴⁵.

Чорсуда одам кўп. Қизилбош навкарлар етти хил ранг билан
товланаётган Самарқанд атласига харидор бўлиб қолишди [Й.Т.:393] .

पांच ईरानी सिपाहियों ने इन्द्रधनुषी रंगों में झिलमिलाती समरकन्द की अतलस
खरीदने की ठानी।[बाबूर, प.३९२]

“Атлас текис силлиқ, ипакдан тўқилган майин мато. Бир томони
ялтироқ гулдор кудунгланган маҳаллий ипак газлама”. Таржимада ушбу

⁴⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1 жилд – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б. 296.

⁴⁵ Мусаев.Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 93.

сўз транслитератсия қилинган, аммо изоҳ берилмаган. Атлас сўзига матн остида изоҳ берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки атлас ўзбек халқи маданиятига хос миллий либос тури бўлиб, у ҳинд китобхони учун нотаниш. Шунинг учун ушбу сўзга матн остида изоҳ бериб таржима қилиш ўринлидир.

“Ҳар бир миллатда фақат шу элатнинг урф-одатлари билан боғлиқ миллий колоритдаги кийим кечаклар, уй-рўзор ашёлари мавжудки, бу каби предметлар номлари(реалиялар)ни бошқа тилдаги анологлар билан алмаштириб бўлмайди. Масалан ҳиндларнинг “сари ва “синдур”, япон аёлларининг “хонбоки”, ўзбекларнинг паранжи ва маҳсисини анологик таржима қилиш мумкин эмас. Бу каби сўзлар транслитератсия қилиниб, матн остида изоҳ беришни талаб этади. Зеро, “салла” сўзига инглизча “а ҳат” ёки инглизча “а шоес” сўзига ўзбекча “калиш”ни анолог сифатида танлаш бироз ўнғайсиз. Чет тилидан таржима қилиш жараёнида бирор сўзнинг анологи ёки синоними сифатида таржима тилидаги нейтрал сўзларни танлаган маъқул. Миллий колоритдаги сўз таржимани ўқиган китобхонда шубҳа уйғотади, яъни фақатгина таржима тилига тегишли реалияни таржима матнидан ўқиб ҳазм қилиш қийин”⁴⁶

Али Қушчи қора духоба тақясининг устидан мударра дасториниўради, эгнига енгсиз кимхоб нимчасини, унинг устидан **оқ чакмонини** кийди-да, тик зиналардан юқорига чиқа бошлади[У.Х.:5].

आली कुश्ची ने मखमल की काली टोपी के ऊपर मुदर्रिसोंवाला अमामा बांधा, ज़री की वास्कट पहनी ओर कंधों पर ऊंट के ऊन से बना सफ़ेद चकमान डाल दिया। [उलूग बेक की धरोहर ,प ६.]

⁴⁶ Сирожиддинов Ш, Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – Б. 21.

Ушбу жумладаги оқ чакмон– *ऊंट के उन से बना सफ़ेद चकमान* тарзида таржима қилинган. *чакмон*⁴⁷-одатда жун матодан тикиладиган эркакча узун тўн. Таржимада *चकमान* сўзи транслитератсия қилиниб, матн остида куйидагича изоҳ берилган. *चकमान-मर्दाना ऊनी या सूती चोगा*, яъни пахта ёки жун матодан тикилган тўн. *चोगा*⁴⁸ сўзи ҳиндий тилига туркий тилидан ўзлашган сўз бўлиб, туя терисидан тайёрланган халатни ифодалайди. Матн остидаги изоҳ “чакмон” сўзини изоҳламоқда. Таржимон “Юлдузли тунлар” романи таржимасида “чакмон”⁴⁹ сўзига куйидагича изоҳ берган. *चकमान-मोटे ऊन का बना चोगा*⁵⁰ Бу изоҳ ҳам тўғри.

Мулла Фазлиддин ҳўл бўлиб оғирлашган пиёзи чакмони ва этигини даҳлизга ечиб қолдирди. Оёғига чарм кавуш кийиб, обрез четида бет-кўлини ювди. Унинг чакмонидан ўтган ёмғир калта енглик **абосини** нам қилган эди [Й.Т.:11].

फज़लुद्दीन ने मोटा भूरा चकमान और पूरी तरह भीगे बूट देहलीज़ पर छोड़ दिये। फिर उसने रबड़ के जूते बदले और नाबदान पर हाथ-मुंह धोये। बारिश से चकमान के अंदर **क़मीज़** भी भीग गयी थी। [बाबूर, प.१४]

Юқорида келтирилган жумладаги “або” сўзи **क़मीज़** тарзида таржима қилинган **क़मीज़** ҳиндий тилида “устки эркаклар кўйлаги” маъносини ифодалайди. “Або” ўзбек тилининг изоҳли луғатида “чопонга ўхшаш жун кийим. Авраси жун ёки бошқа матодан тикилган узун, кенг лекин енги

⁴⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. / С.Ф Ақобиров, Т.А. Аликулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б. 350.

⁴⁸ Хинди-русский словарь. В двух томах. 1-том. /А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 550.

⁴⁹ Қодиров П.Юлдузли тунлар. – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б. 11.

⁵⁰ सुधीरकुमारमाथुर, बाबूर, रादुगाप्रकाशन, मास्को १९८८. १४.प

калта эркаклар уст кийими”⁵¹ деб изоҳланган. Изоҳга эътибор қаратадиган бўлсак **कमीज़** лексемаси “або” сўзининг маъносини тўла очолмаган. Чунки “або” калин ва жун матодан тикилган, **कमीज़** эса енгил эркаклар уст кийимидир. Бундан ташқари ҳиндларда калин, иссиқ кийим мавжуд бўлмаганлиги боис або сўзини янада аниқроқ ифодалаш учун **ऊनीकमीज़**, ёки **गरमकमीज़**, яъни “жунли ёки иссиқ эркаклар уст кийими” шаклида таржима қилиш мумкин.

Дасторпеш Бобурнинг **кимхоб тўнини** олиб бориб елкасига ёпти [Й.Т.:131].

उसने फुर्ती दिखायी और बाबर के कंधों पर पोस्तीन डाल दिया।[बाबूर, प.१५१]

Келтирилган гапдаги кимхоб тўн сўзини таржимон **पोस्तीन** шаклида таржима қилган. **पोस्तीन** ҳиндий тилида “мўйна, мўйнали пўстин” маъносини ифодалайди. Ушбу сўз ҳинд ва ўзбек тилларига форс тилидан ўзлашган бўлиб, иккала тилда ҳам “мўйнали ошланган теридан тикилган, узун, иссиқ қишлик кийим” маъносини билдиради. Аммо пўстин тўн сўзи ифодалаган маънога мос келмайди. “Тўн” олди очик, пахтали ёки пахтасиз узун устки миллий кийимдир. Асарнинг бир қанча ўринларида таржимон тўн сўзини *चोगा* тарзида таржима қилганига гувоҳ бўлдик. Ушбу жумлада ҳам **पोस्तीн** сўзини эмас, балки *चोगा* лексемасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Оёқ кийим номлари

Мулла Фазлиддин ҳўл бўлиб оғирлашган пиёзи чакмони ва этигини даҳлизга ечиб қолдирди. Оёғига **чарм кавуш** кийиб, обрез четида бет-

⁵¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1 жилд. — Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. — Б. 23.

कूलीनि युवदि.Унинг чакмонидан ўтган ёмғир калта энглик абосини нам қилган эди[Й.Т.:11].

फज़लुद्दीन ने मोटा भूरा चकमान और पूरी तरह भीगे बूट देहलीज़ पर छोड़ दिये। फिर उसने **रबड़ के जूते** बदले और नाबदान पर हाथ-मुंह धोये। बारिश से चकमान के अंदर कमीज़ भी भीग गयी थी।[बाबूर, प.१४]

Ушбу жумлада “кавуш” сўзи **रबड़ के जूते**-резина оёқ кийим тарзида таржима қилинган. “Кавуш” чармдан ва одатда маҳси билан кийиладиган оёқ кийимдир. “Кавуш”нинг резинадан эмас, балки чармдан тайёрланишини ҳисобга олиб **रबड़ के जूते** лексемаси кавуш сўзининг маънога мос келмаганини таъкидлаймиз.

Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романи таржимасида эса “кавуш” сўзи **बालायी जूते**, яъни “қўнжи узун оёқ кийим” тарзида ифодаланган. Аммо кавушнинг қўнжи узун бўлмайди. Демак, **बालायी जूते** лексемаси ҳам маъно жиҳатдан кавушсўзини ифодалай олмаган, деб ҳисоблаймиз. “Кавуш” сўзининг миллий оёқ кийим эканлигини ҳисобга олиб, уни транслитератсия усули билан матн остида **चमड़े से बना हुआ देशी जूत** тарзида бериш ҳам мумкин.

Мирзо Улуғбек юрагида кўтарилган аламли туғённи ичига ютиб, Муҳаммад Хисравнинг уст бошига разм солди. Хожа эгнига эскироқ қора чакмон, оёғида қизил чармдан эскироқ **маҳси**, бошида одми салла эди [У.Х.:123].

उलूग बेक ने अपने सहात्री के कमड़ों पर नजर डाली: पुराना काला चकमान, सादा अमामा, पैरों में फटे हुए **बालायी जूते**। [उलूग बेक की धरोहर ,प १४७.]

Жумладаги *махси* сўзи *बालायी जूते*қўнжи узун оёқ кийим тарзида таржима қилинган. Таржимон бу ерда эквивалентликка эришишга ҳаракат қилган. Аммо китобхон учун “махси” шунчаки оддий қўнжи узун оёқ кийим тарзида ифодаланган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *махси*⁵²узун қўнжли,пошнасиз, таг чарми юмшоқ ковуш ёки калиш билан кийиладиган миллий оёқ кийим деб изоҳланган. Демак “махси” миллий хос сўз ҳисобланади. Аммо таржимада миллийлик акс эттирилмаган.

Ушбу гапда эса **махсис**сўзи қуйидагича ифодаланган.

Али Қушчи тагидаги бўйрадан *махсисининг*ичига қандайдир хашаротлар ғивирлаб кирганини ва дарҳол оёқлари жизиллаб кетганини сезиб ўрнидан туриб кетди.[У.Х.:190]

अली कुश्ची को अचानक पैरों में खुजली महसूस हुई। उन्होंने *महसियाँ* उतारकर उनके अंदर हाथ डालकर टटोला, चटाई पर हाथ फेरा और वितृष्णा से हथेली झाड़ दी
[उलूग बेक की धरोहर ,प २१९]

Жумладаги “махси” сўзи матн остида қуйидагича изоҳ бериб таржима қилинган.

महसी- मुलायम चमड़े के मोज़ेदार जूते।

Сўзма -сўз таржимаси юмшоқ чармли қўнжи узун оёқ кийим. Бу изоҳ маҳси сўзига бироз бўлса-да аниқлик киритган.

Бадий асарнинг миллийлигини белгилайдиган асосий воситалардан яна бири маиший-турмуш тушунчаларини англатадиган сўзлардир.Шулардан кўрпача, хонтахта, дастурхон каби сўзларнинг таржимада ифодаланиши кўриб ўтамыз.

⁵² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. / С.Ф Ақобиров, Т.А. Алиқулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б.458.

Кошонанинг иккинчи ошёнидаги олди айвон ҳайҳотдай хонага шамлар ёқилиб **кўрпачалар** ёзилган, ўртадаги хонтахта мева-чевага тўла эди [У.Х.:127].

उसने दूसरी मंज़िल पर स्थित बरामदेदार कमरा तैयार किया, उसमें मोमबत्तियां जलाई, **बिस्तर** बिछाया और चौकी पर गोश्त के व्यंजन व फलादि सजा दिये। दी [उलूग बेक की धरोहर ,प १५१]

Мулла Фазлиддин савдар билан пастга тушиб, хужрага ярашадиган гилам ва зарбоф **кўрпачаларни** ўзи танлади [Й.Т.:73].

पहले से भेजे गये शाही कारिन्दों के साथ वास्तुकार ने नीचे आकर स्वयं उपयुक्त क़ालीन व **तोशक** वगैरह चुने।[बाबूर, प ८३]

Хонада гиламу бир-иккита **кўрпача**. Ўртадаги хонтахтада совиб қолган қабоб ва мева-чева. Бежирим чинни кўзачада-бода [У.Х.:94].

दीवारों से निकलनेवाली ठण्ड को क़ालीन कुछ कम कर देते थे। कैंदी को, हालाँकि उन्हें इस नाम से नहीं बुलाया जाता था, एक जोड़ी **कम्बल** की दे गयी थी। खानों की कोई कमी न थी: उधर चौकी पर ठण्डे पड़े सींक-कबाब, रोटी, फल और चीनी-मिठी के बारीक प्याले में शराब रखे थे। [उलूग बेक की धरोहर ,प १०८]

Юқорида келтирилган учта жумлада “кўрпача” сўзи уч хил тарзда ифодаланилган. Биринчи жумлада **биस्तर-ўрин**, иккинчи жумлада **тошк-матрас**, учинчи жумлада **кम्бл-кўрпа**. Фикримизча таржимада учала сўз ҳам “кўрпача” сўзини ифодалай олмаган. “Кўрпача ўтириш учун остга тўшаладиган, узун ғилоф ичига пахта солиб қавиладиган қалин ва юмшоқ тўшак”⁵³. Агар жумлада кўрпачанинг ётиш учун хизмат қилиши назарда

⁵³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 2 жилд. — Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. — Б. 29.

тутилганда эди तोशक (тўшак) “кўрпача” сўзига муқобил бўлиши мумкин эди. Ҳиндий тилида **बिछौना** сўзи ҳам мавжуд. **बिछौना** – “остга ўтириш учун тўшаладиган юпка тўшак”⁵⁴ маъносини ифодалайди ва кўрпача сўзига муқобил вариант бўла олади.

Мирзо Улуғбек ёқут кўзли олтин узук тақилган ўрта бармоғи билан нақшинкор **хонтахтани** чертганча яна сукутга толди [У.Х.:12].

उलूग बेक बिना आराम-कुरसी की पीठ का सहारा लिय किंचित झुककर बैठे हुए थे। वह **खानतख्ते** पर सोने की अंगूठी में जड़े हीरे से खटखटा रहे थे। [उलूग बेक की धरोहर ,प १६]

Хонанинг тўридаги **хонтахтада** кумуш баркашларга солинган кабоб ва патирлар, нозик мунаққаш пиёлаларга қуйилган бода қандай бўлса, шундай турарди [У.Х.: 21].

इस समय कोने में **छोटी-सी मेज़** पर तश्तरियां, थाल और नाना प्रकार के व्यंजन: सींक-कबाब, मसालू, नान , शराब-सब ज्यों का त्यों रखे हुए थे। [उलूग बेक की धरोहर ,प २८]

“Хонтахта” сўзи “Улуғбек хазинаси” романининг ўзида бир неча шаклда таржима қилинган. Масалан, “хонтахта” сўзи таржиманинг баъзи ўринларида **मेज़**(мез), **चौकी**(чўки) тарзида ифодаланган бўлса, баъзи жумлаларда **खानतख्ते** тарзида транслитератсия қилинган. Аммо матн остида “хонтахта” сўзига изоҳ берилмаган. **मेज़** ва **चौकी** сўзлари ҳиндий тилида “стол” маъносини англатади. Бироқ бу сўзлар “хонтахта” сўзининг маъносини тўлиқ изоҳлай олмайди. Чунки “стол” деганда турли шаклдаги

⁵⁴ Хинди-русский словарь. В двух томах. 2-том. /А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 250.

узун оёқли, калта оёқли мебел турини тушуниш мумкин. Бундан ташқари, стол деганда кўз ўнгимизда уйда, идорада, турли хил ташкилотларда [ёзиш], овқатланиш ва бошқа мақсадларда қўлланиладигам жиҳоз тури назарда тутилади. “Хонтахта эса ўтириб овқатланиш учун хизмат қиладиган, оёқлари калта йўғон столдир”⁵⁵. मेज़ ва चौकी сўзлари бажариш вазифасига кўра “хонтахта” сўзига эквивалент бўлиши мумкин. Аммо миллийлик хусусиятига кўра эквивалент бўла олмайди. Шунинг учун баъзи ўринларда “хонтахта” сўзини таржима қилишда транслитератсия усулидан фойдаланиб тўғри қилган, лекин матн остида изоҳ бериб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ойиша бегим азбаройи тортинганидан **дастурхоннинг** Бобурдан энг узок четида ўтирди[Й.Т.:184].

आयशा बेगम लजाती हुई बाबर से दूर **दस्तरखान** के बिल्कुल किनारे पर बैठ गयी। [बाबूर, प १८२]

Мирам Чалабийга айтиб, танчанинг қўрини янгилашиб, кампирга жой солиб берди. Сўнг, учовлон танча атрофида ўтириб, **дастурхонни** очишди. [У.Х.:188]

उन्होंने मिरम चलाबी को **चूल्हा जलाने** के लिये कहा था, और मां को आराम से बैठने देने के लिये स्वयं गद्दा बिछाया था। फिर वे दोनों **सन्दाल** के इर्द-गिर्द बैठ गये और **दस्तरखान** लगा लिया। [उलूग बेक की धरोहर, प २१६]

Бу икки жумлада берилган “дастурхон” сўзи **दस्तरखान** (дастурхон) тарзида ифодаланилган. Бу сўз ҳинд ва ўзбек тилларига форс тилидан ўзлашган бўлиб, “дастурхон” деган маънони англатади (овқат қўйиладиган мато, унга қўйилган таом). **दस्तरखान** дастурхон сўзига эквивалентдир.

⁵⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4 жилд. — Тошкент: Ўзб.Мил.Энц., 2006. — Б. 438.

“Муайян халқ турмуш тушунчаларини англатадиган кўпчилик хос сўзларнинг маънолари ва ўтайдиган вазифалари мамлакатларнинг ўзаро маданий, маърифий, иқтисодий, сиёсий алоқалари натижасида қатор халқлар вакилларига, шу жумладан таржима тили соҳибларига ҳам таниш бўлиб қолади-ки, таржимон бундай сўзларга ўз тилларида муқобил лисоний воситалар қидириб юрмасдан, уларни транслитератсия йўли билан талқин этаверадилар”⁵⁶.

Энди “танча” сўзига эътиборингизни қаратмоқчимиз. Танча таржимада **सन्ताल** тарзида транслитератсия қилиниб, матн остида қуйидагича изоҳ берилган:

सन्ताल-एक प्रकार की अंगीठी, जिसमें गरम राख डालकर ऊपर से बड़ा कम्बल ढंक दिया जाता है। सर्दियों में लोग इसके चारों ओर कम्बल में अपने पैर रखकर बैठे रहते हैं और इस प्रकार उन्हें गर्म रखते हैं।

Сўзма сўз таржима. Сандал шундай иситиш қурилмасики, унга иссиқ чўғ солиб, юқори қисмига катта кўрпа ўраб қўйилади. Қишда одамлар унинг тўрт томонидан кўрпага оёқларини солиб ўтиришади ва шу тариқа исинишади.

Энди “Юлдузли тунлар” романи тажimasида “сандал” сўзининг ифодаланилишига эътибор қаратамиз.

Улар бахмал кўрпа ёпилган иссиқ **сандалнинг** икки четида ўтириб кечки таомни бирга емоқда эдилар [Й.Т.:127].

वे मखमली रज़ाई से ढके **संदल** पर बैठे शाम का खाना खा रहे थे। [बाबूर[प १४६]

Ушбу жумладаги сандал сўзи **संदल** шаклида транслитератсия қилиниб, матн остида қуйидагича изоҳ келтирилган.

⁵⁶ Исоқова Ш. Бадий таржимада миллийлик ва тарихийликнинг акс эттирилиши. (Ойбекнинг “Навоий” романининг французча таржимаси мисолида): филол. фан. номз.дисс... – Тошкент: ЎзМУ, 2004. – Б. 88.

संदल एक प्रकार की चौकी जिसे गरम अंगीठी या फर्श में बने जलते कोयलेवाले दण्डे पर रखकर मोटे रजाई से ढक दिया जाता है। सर्दी में उसके चारों ओर रजाई से पैर ढककर लोग बैठते या सोते हैं।

Сўзма сўз таржима: Сандал шундай иситиш қурилмасики, унга иссиқ чўғ солиб, юқори қисмига катта кўрпа ўраб қўйилади. Қишда одамлар унинг тўрт томонидан кўрпага оёқларини солиб ўтиришади ва шу тарика исинишади.

Маълумки *танча* яъни, *сандал хонанинг чеккароқ ерига қурилган чуқурча, унга қўйиладиган пастак курси ва устига ётиладиган кўрпа, маҳаллий иситиш қурилмасидир.* (қиш совуғида сандал оёқ-қўл иситиш учун хизмат қиладди, айти пайтда ундан емак столи сифатида фойдаланилади). Иккала романдаги сандал сўзига берилган изоҳлар бир бирига яқин бўлиб, ўринли қўлланилган ва “ сандал” сўзини изоҳлай олган.

Шахзода махфийхонага ўтди ва мармар *обрез* ёнига чўнқайиб тахорат олди, кейин худди жанг-жадал пайтидагидай зарбоф тўнини қибла томонидаги бурчакка ёзиб, саждага бош қўйди [У.Х.:160].

उस कमरे में जाकर शाहज़ादे ने संगमरमर की फ़र्शवाले *आबरेज़* के पास उकड़ बैठकर वज़ू किया। फिर अपना चोगा उतारा, और जैसा कि युद्ध के आरम्भ होने से पूर्व किया करता था, उसे कोने में बिछाकर मक्का की ओर मुंह करके उस ज़री के जानमाज पर घुटनों के बल बैठ गया। [उलूग बेक की धरोहर , प १७४]

“Обрез-уйнинг пойгаги ёки даҳлизга ювиниш, юз-қўл ювиш учун махсус ясалган усти берк ўра, хандақ”⁵⁷. Мутаржим таржимада “обрез” сўзини транслитератсия қилиб, матн остида қуйидагича изоҳ берган.

⁵⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 3 жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц., 2006. – Б. 79.

आबरेज-वजू व गुस्ल के लिये गङ्गानुमा खास जगह. Сўзма сўз таржима.

Обрез ювиниш ва ғусл қилиш учун ажратилган махсус жой. Изоҳ ўринли ва тўғри келтирилган. “Юлдузли тунлар” таржимасида *обрез сўзининг-набдан* тарзида ўтирилганига ҳам гувоҳ бўлдик.

Устозлари Темур бобога аталган совға-саломларни қўлтиқлашиб, оғани Қалқонбек ва Босқонбек кириб келишар, шундай пайтларда ўчоқда қора **қумғон** биқирлаб, суҳбат қизир, доруссалтанатдаги барча янгиликлар ўртага ташланар эди [У.Х.: 170].

कलकान बेक बसकान बेक दोनों भाई रूखा-सूखा लेकर मिलने आते, और तब ऐसा लगता मानो आग पर रखे काले **कुम्भान** में पानी बहुत ज़ोर से खौल रहा है और उनके साथ ही बातचीत में भी जान आ जाती 1[उलूग बेक की धरोहर ,प १९२]

Қумғон-чой қайнатиш учун кўпинча мисдан ясалган кўзача шаклидаги идиш, катта чой идишидир⁵⁸. Таржимада қумғон сўзи транслитератсия қилиниб, матн остида қуйидагича изоҳ берилган:

कुम्भान-चाय का पानी रखने और अलाव में उबालनेका काम आनेवाला पात्र।

Сўзма сўз таржима. Чой суви солиниб, оловда қайнатиладиган идиш. Матн остида қумғон сўзига берилган изоҳ тўғри ва аниқ.

“Транслитератсия қўлланилиши таржима тилида реалияларга тўғри эквивалентларнинг йўқлиги билан шарҳланади. Бу ҳол, биринчидан, икки халқнинг тараққиёт йўллари ва ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари турлича бўлганлиги, иккинчидан, реалияларнинг кўп

⁵⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4 жилд – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006 – Б.438

ишлатилиши таржима тили уларни ҳазм қила олмаслиги ва ўқувчи учун реалиялар ажиб тушунмовчиликлар келтириши билан тушунилади”⁵⁹.

Миллий хос сўзларнинг таржимада берилиши фаннинг муаммоли масалаларидан бўлиши билан бирга, таржимонларни турли йўللardan боришга, яъни бирини хос сўзни таржима қилишга, бошқасини эса сўзни транслитерасия йўли билан бериб, ҳаволада изоҳлашга мажбур қилади.

⁵⁹ Ҳамроев Ҳ. Миллий хос сўзлар – реалиялар ва бадий таржима // Таржима маданияти. – Тошкент, 1982, Б. 159.

1 боб бўйич хулосалар

Ўзбек тилидан ҳиндий ва урду тилларига ўгирилган таржима асарлар сони 9 та бўлиб, улар, 1 та президент асари, 4 та роман, 2 та ҳикоялар тўплами, 2 та шеърий тўпламни ташкил этади.

Юқорида биз “Юлдузли тунлар ва “Улуғбек хазинаси” романлари мисолида миллий хос сўзларнинг ҳиндий тилида ифодаланишини таҳлил қилиб ўтдик. Миллий сўзларни таржима қилишда таржимон асосан транслитератсия усулидан фойдаланган. Транслитератсия халқлар турмуш тарзида мавжуд тушунчаларини акс эттирадиган хос сўзларни таржимада ифодалашнинг энг қулай усулидир. Аммо баъзи ўринларда айрим миллий хос сўзлар транслитератсия қилиниб, матн остида изоҳ бериб ўтилмаган. Натижада, ўзбек халқига оид бир қанча хос сўзлар ҳинд китобхони учун тушунарсиз бўлиб қолган.

Таржимон айрим реалияларни ҳиндий тилида мавжуд унсурлардан фойдаланиб, сўз бирикмаларини ҳосил қилиш орқали ифодалашга ҳаракат қилган. Баъзи миллий сўзларни бажарган вазифаси жиҳатидан ўша реалияга яқин сўз ёрдамида таржима қилган.

Мутаржим баъзи реалияларга оид сўз ва тушунчаларни таржима тилидаги муқобилини топиб таржима қилишга ҳаракат қилган.

ИИ БОБ. ТАРЖИМАДА ТАРИХИЙ КОЛОРIT ВА ЛИСОНИЙ СТИЛИЗАТСИЯ

1. Ҳарбий терминлар таржимаси мураккабликлари

Таржима-миллатлар орасида бевосита маънавий алоқа қилиш воситаси. Чунки у маданий бойликлар, кишиларнинг кўп асрлик эзгу армонлари, ғояси ва қарашлари мужассамланган асарларни ўзга тил соҳиби бўлган халққа етказди. Шунинг учун ҳам “Ижодкор ва таржимон олдида бевосита ўзи яратаётган китобнинг матни устида ишлаш қийинчилигидан ташқари, яна катта кўшимча меҳнат қилиш- хорижий адиб ижоди, у яшаган тарихий давр кабиларга доир барча илмий ва адабий манбалардан хабардор бўлиш талаб қилинади”⁶⁰. Таржимон ҳар иккала тилни чуқур билиши лозим. Лекин, тил билиш деганда фақат грамматик қонун қоидаларни яхши билиш назарда тутилмайди. Адабий тилдан ташқари, халқ жонли тилини чуқур хис қилиш, экстралингвистик омиллар-луғат ва грамматикада кўрсатилмайдиган турмуш ҳодисалари, халқнинг тарихи, урф-одатларидан ҳам хабардор бўлиши лозим.

“Тарихий мавзуда ёзилган адабий асарни фақат бошқа халқлар ўтмишидан воқиф бўлиш учунгина таржима қилинмайди. Навоий, Низомий, Шекспир, Фирдавсий, Пушкин каби дунёга машҳур ёзувчи ва шоирларнинг асарлари, шерлари бугунги кунда ҳам турли миллат кишиларини бирдай ҳаяжонга солади, қалбларни жунбушга келтиради. Умуман, ўтмишни идрок этиш, аجدодлар ҳаётига қизиқиш, тарихийлик туйғуси фақат ҳозир эмас, балки инсоний тараққиётнинг ҳамма босқичларида ҳам ўзига хос замонавий аҳамиятга молик бўлган”⁶¹.

⁶⁰ Саломов.С. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 53.

⁶¹ Саломов Ғ. Бадиий таржимада услубий-миллий ўзига хосликни қайта яратиш проблемаси.//Таржима санъати. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиётсанъатнашриёти, 1980.– Б. 51.

Ҳарбий лексика ўзбек тилининг энг қадимги қатламларидан бири бўлиб, тилнинг тарихий ривожининг барча босқичларида кузатилади. Умумидабий лексиканинг қатламларидан бири бўлган ҳарбий терминалогияга ички ва ташқи омиллар қатори эски ўзбек тилини шакллантириш хусусиятлари ҳам ўз таъсирини ўтказди⁶².

Агар тарихий асардаги воқеликда ҳарбий ҳаёт ёки урушга оид эпизодлар мавжуд бўлса, ёзувчи ўша даврга хос ҳарбий санъат, жангда қўлланилган қурол-яроғлар, ҳарбий кийим-бошлар тасвирига алоҳида эътибор қаратади. Чунки бу асарда муайян функцияни бажариш билан бирга, ундаги тарихий тасвири ёритиш, давр руҳини ифодалаш учун хизмат қилади. Шу боисдан бундай ҳолларда ёзувчи тарихий ҳарбий истилоҳлар ифодасига мурожаат қилади.

Х.Дадабоев, Н. Носиров, Н.Хусановларнинг “Ески ўзбек тили лексикаси масалалари” номли монографиясининг биринчи боби айнан эски ўзбек тили лексикасининг кам ўрганилган қатламлари тадқиқотига бағишланган бўлиб, унда қадимги туркий тил, эски туркий тил ва эски ўзбек тили ёзма ёдгорликларнинг семантик-функционал, тарихий этимологик, структуравий-грамматик таҳлили асосида ҳарбий лексика ўрганилган. Ушбу монографиянинг 1-боби “Ески ўзбек тили ҳарбий лексикасининг семантик-функционал таҳлили” деб номланиб, у ВИИ-Х аср қадимги туркий ёзма ёдгорликларидаги ҳарбий лексика, ХИ-ХВИИИ аср эски туркий тил ёзма ёдгорликларида ҳарбий лексика, ХИВ-ХВИИИ аср эски ўзбек тили ёзма ёдгорликларидаги ҳарбий лексика каби бўлимларини ўз ичига олади.

Қуйида биз тарихий-архаик ҳарбий атамаларнинг таржимада берилишини кўриб ўтамиз.

⁶² Дадабаев Х., Насыров Н., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. Монография Ташкент: Фан, 1980. – С. 7.

Архар шоҳининг ёнида, камон ўқлари терилган қизил чарм **садоқнинг** устига йўлбарс териси осилган [У.Х.:8].

„,„,पास ही लचीले लम्बे तीरों से भरे बकरे के चमड़े के *तरकश* के ऊपर दीवार पर बाघ की खाल फैलाकर टांगी हुई थी [उलूग बेक की धरोहर ,प १०]

“Садоқ” сўзи аслиятда матн остида “ўқдон” деб изоҳланган. Таржимада “садоқ”*तरकश* сўзи билан ифодаланган. *तरकश*⁶³ сўзи ҳиндийтилида “ўқдон” маъносини изоҳлайди. *तरकश*“садоқ” сўзига айна эквивалентдир.

Амир Султоншоҳ Барлос! Сиз **отлик хировул** билан дарҳол йўлга чиққайсиз! Амир Султон Жондор тархон! Сиз **баронғор** суворийлар билан хировул қўшинларининг ортидан юргайсиз [У.Х.:9].

अमीर सुलतानशाह बरलास! *अगले दस्ते* लेकर फ़ौरन कूच कर दीजिये! अमीर सुलतान जानदार! खास घुड़सवार फ़ौज लेकर आप इनके पीछे रवाना हो जाइये.([उलूग बेक की धरोहर ,प १२]

“Хировул” сўзи архаик лексика ҳисобланиб, асарда муаллиф мазкур сўзга матн остида “олд қисм қўшинлари” деб изоҳ бериб ўтган. Ушбу сўзнинг таржимаси ҳиндий тилида *अगलेदस्ते* яъни “олдинги отряд” шаклида берилган. Таржимон матн остидаги изоҳга таянган ҳолда “хировул” сўзини *अगले दस्ते* шаклида таржимақилган. “Олд қисм қўшинлари” тушунча таржимасида калка усулидан фойдаланиб. таржима қилинган.

⁶³ Хинди-русский словарь. В двух томах, 1-том./ А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 694.

Баъзи ўринларда “ҳировул” *घुड़सवार फौज* яъни “отлик қўшин” деб таржима қилинган. Чунки *घुड़सवारफौज* умумий отлик қўшин маъносини англатади. Таржимон *अगले दस्ते* сўзини матн остидаги изоҳга ,*घुड़सवार फौज* сўзини эса матн ичидаги сўзга таяниб таржима қилган. Аммо бу иккала сўз ҳам “отлик ҳировул” сўзининг маъносини тўлиқ қоплай олмаган. Мазкур сўз *घुड़सवार अगले दस्ते* шаклида берилса сўз маъносини тўлиқ қоплайди деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари бу жумлада инглиз тилида ўзлашган *फौज* сўзи ҳам қўлланилган.

“Баронғор” истилоҳига “ўнг қанот қўшинлари” деб изоҳ берилган. Таржимада эса *खास घुड़सवार फौज*, яъни “махсус отлик қўшин” деб ўгирилган. Бу жумлада қўшин сўзи инглиз тилидан ўзлашган *फौज* сўзи билан ифодаланган. “Қўшин” сўзи ўзлашма билан эмас, балки ҳиндича *सेना* сўзи билан ифодаланганда услуб жиҳатдан ўринли бўлар деб ҳисоблаймиз. Асар ХИБ-ХВ аср воқеа-ҳодисаларини тасвирлайди. *फौज* сўзи ҳиндий тилига тахминан ХИХ-ХХ асрларда ўзлашган. Таржимада ҳали ҳиндий тилига ўзлашмаган инглича сўзлардан фойдаланиш услубнинг бузилишига олиб келган.

Амир Жондор билан амир Султоншоҳ барлос бошчилигидаги ҳировул қисмлар қўшиндан илгарилаб кетган, бир неча **туманчап** қанот ва қалб лашқари орқада келар, лашкарларнинг кетидан аслаҳа ортилган туя ва хачирлар, баковуллар билан сарой маҳрамларининг соябон аравалари судралиб келарди[У.Х.:45].

अमीर जांदार और सुलतानशाह बरलास के दस्ते आगे जा चुके थे। उलूग बेक स्वयं कई *तुमनों* का नेतृत्व कर रहे थे। सिपाहियों के पीछे-पीछे सिलाहसाज़, नौकर-चाकर

और ढकी हुई घोड़ागाड़ियों में शाही खानसामे चल रहे थे, घोड़ों व खच्चरों की हिनहिनाहट और हथियारों की खनखनाहट एक दूसरे से मिलकर भूकम्प-सा भयावह शोर पैदा कर रही थी [उलूग बेक की धरोहर ,प ६१]

Аслиятда “туман” сўзига изоҳ берилмаган. *Туман*⁶⁴ ўн минг отлиқдан иборат аскарый қисмдир. Бу сўз транслитератсия усули орқали таржима қилиниб, матн остида қуйидагича изоҳ келтирилган. *तुमन्- दस हज़ार सिपाहियोंवाला फौज़ी दस्ता* ,яъни ўнг минг аскардан иборат ҳарбий отряд (қисм). Изоҳ жуда аниқ ва тўғри берилган.

Маслаҳатлар учун раҳмат. *Машварат* тамом.[У.Х.:9]

दीवान में शामिल होने के लिये शुक्रिया। *मशविरा* खतम हुआ। थी

[उलूग बेक की धरोहर ,प १२]

“Маслаҳат учун раҳмат” жумласи “кенгашда иштирок этганингиз учун раҳмат”деб таржима қилинган. “Маслаҳат” сўзининг ўрнига *दीवान*сўзи қўлланган.*दीवान*сўзи ҳиндий тилида “давлат кенгаши” маъносини англатади. Аслиятдаги “маслаҳат” сўзида тарихий оттенка мавжуд эмас. Лекин таржимон таржимада *दीवान*сўзини бериб, ҳиндий тилида тарихий лексикани қўллаган. Асарда айна *кенгашиш*, *йиғилиш* маъноси изоҳланаётганлиги учун ҳам таржимон маслаҳат сўзини *दीवान*,яъни *кенгаш* сўзи билан ифодалашни маъқул кўрган, деб ўйлаймиз.

Жумладаги *машварат*⁶⁵ сўзи “кенгаш”, “маслаҳатлашиш” маъносини билдиради. Ҳозирги кунда бу сўз ўрнида “мажлис”, “йиғилиш” сўзлари

⁶⁴ Ўзбектилинингизоҳлилуғати. 2-жилд. / С.Ф Ақобиров, Т.А. Алиқулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б. 222.

⁶⁵ Ўзбектилинингизоҳлилуғати. 1-жилд. / С.Ф Ақобиров, Т.А. Алиқулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б. 453.

қўлланиланиди. Ушбу сўзга аслиятда матн остида “ҳарбий кенгаш” тарзида изоҳ берилган. Шунинг учун таржимон ҳам таржимада “машварат” сўзига матн остида *मशविरा- सैन्य सभा*, яъни “ҳарбий мажлис”, “кенгаш” деб изоҳ келтирган.

Фитначи беклар Андижон тахтига Жаҳонгир Мирзони ўтказмоқчилар. Аҳмад Танбални **лашкарбоши** қилишиб, Бобурдан ота юртини тортиб олмоқчилар [Й.Т.:130].

विश्वासघाती बेग अंदीजान के तख्त पर जहांगीर को बिठाना चाहते हैं। यानी इसका मतलब है वे अहमद तनबाल को **फौज का सिपहसालार** बनाना और बाबर से उसका पुश्तैनी घर छीन लेना चाहते हैं। [बाबूर, प १४९]

“**Лашкарбоши** –қўшин ёки унинг бирор қисмининг қўмондони, ҳарбий бошлиқ, саркарда”⁶⁶. Таржимада лашкарбоши – **फौज का सिपहसालार**, яъни “армия, қўшин бошлиғи” тарзида изоҳлаб таржима қилинган. Ушбу изоҳли таржима ҳинд китобхони учун тушунарли деб ҳисоблаймиз.

Бошига дубулға кийган чўтир **сипоҳ** қовоғини ўйиб:

–Биз эндиликда расадхонани қўриқлаб турамиз, – деб жавоб берди [У.Х.:151].

शिरस्त्राण पर लगी कलगी पर घमण्ड न छुपाये चेचकरू सिपाही ने नाक-भौं सिकोड़कर रोब के साथ जवाब दिया। [उलूग बेक की धरोहर , प १७२]

Ушбу жумладаги “сипоҳ” сўзи **सिपाही** тарзида таржима қилинган. Ушбу сўз иккала тилга ҳам форс тилидан ўзлашган бўлиб, форсча “ҳарбий бирлашма”, “қўшин”, “армия”. Тарихда Подшоҳ, хон, амир саройида узоқ хизмат қилган лавозимли киши маъносини англатади.

⁶⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б. 572.

Ҳаммасининг устида авраси мовут сувсар ва тулки пўстин, кимматбаҳо кимхоб тўн, бошларида лаъл ва инжу қадалган қундуз телпак, тиллодан жило берилган **учлик дубулға**, белларида кумуш ва олтин камар, дасталари фил суягидан ясаиб, дур қадалган қилич ва ханжар.[У.Х.:54]

वे सेबल और लोमड़ी की खाल के कोट, ऊदबिलाव की खाल की टोपियां या सोने का मुलम्मा चढ़े और हीरो जड़े **नोकदार शिरस्त्राण** पहने थे, उनके कमरबंद भी देखने लायक थे, सोने और चांदी के थे, उनके तलवारों की मूठें भी मामूली नहीं थी, हाथी-दांत की थी, जिन पर कीमती जड़ाई का काम हो रहा था. [उलूग बेक की धरोहर ,प ७२]

Дубулға⁶⁷ - тиг ёки ўқдан сақланиш учун темир ёки пўлатдан ишланган бош кийим, шлем. **शिरस्त्राण** “дубулға” сўзига эквивалентдир. Бундан ташқари ҳиндий тилида *дубулға* сўзини ифодаловчи **कूंड** сўзи ҳам мавжуд бўлиб, у айни тарихий сўздир.

Фармойишни аввал **ўнбошига** кўрсатмоқ керак! [Й.Т.:141].

फरमान हमारे सरदार को दिखाने चाहिये। [बाबूर,प १६१]

“Ўнбоши ҳарбий унвон. 10 кишидан иборат энг кичик ҳарбий бўлинма бошлиғи”⁶⁸. Таржимада **सरदार** сўзи “ўнбоши” сўзига айни эквивалент бўлмасада бўлинма бошлиғи эканлигини ифдалай олган. **чунки सरदार**⁶⁹ сўзи ҳиндий тилида “йўлбошчи”, “рахбар”, “бошлик” маъноларини англатади.

Ушбу бўлимда ўнбоши, сипох, лашкарбоши, дубулға, туман, машвират, балонғор, ҳировул, садоқ каби сўзларнинг таржимада ифодаланиши кўриб ўтилди. Мазкур сўзларни таржима қилишда таржимон

⁶⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б. 237.

⁶⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б. 161.

⁶⁹ Хинди-русский словарь. В двух томах, 2-том./ А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 665.

транслитератсия, изоҳли таржима, калка усулларида фойдаланиб таржима қилганига гувоҳ бўлдик. Тарихий асарлар таржимасида ҳарбий терминларни ифодалаш жуда муҳим ҳисобланиб, ушбу сўзлар тарихий давр руҳини беришда муҳим аҳамият касб этади.

2.Мурожаат сўзлар таржимаси

Таржима жараёнида санъаткор сон-саноксиз амалий қийинчиликларга дуч келадики, бу ҳол, таржиманунг ижодий фаолият эканлиги туфайли, таржимонлар ҳар бир муаммоли ҳолат ечимига ижодий ёндашиши талаб қилинади. Аммо тўла тўқис адекватликка эришиш учун биргина маҳорат ва истеъдод билан боғлиқижодкорликнинг ўзи кифоя қилмайди. Аслият руҳини имкон қадар тўғри ва тўла акс эттирадиган таржима матни яратиш учун таржимон ҳам истеъдодли бадиий сўз устаси, ҳам истеъдодли таржимашунос олим бўлиши керак.

Мурожаатга оид сўзлар ҳам таржимада ўзига хос хусусиятга эга.

Влахов С. Флорин С. “Непереводимое в переводе” китобида мурожаатлар бўлими мавжуд бўлиб, унга кўра мурожаат сўзлар қуйидаги турларга ажратилган:

1. Оддий одоб даражасидаги мурожаат: товариш-ўртоқ, молодой человек-ёш йигитча (қиз, кизалоқ),мадам мистер, сер.господин.

2. Жамиятда тутган ўрни ва ижтимоий мавқеига мувофиқ: товариш водител-ўртоқ ҳайдовчи, доктор, господин, генерал, пошшо афандим, олижаноб, граф, маэстро, пане.

3. Қариндош уруғчилик ва яқин муносабатларга кўра: она, онажон, ота, аммавачча, адаш, ҳамюрт, юртдош.

4. Узуал оборотлар; судар-ўртоқ, жаноб, деар сир.

5. Эмотсионал-экспрессив ҳолатга боғлиқ ҳолда: қизим, асалим, азизим, дўстим.

6. Чақириш. бақириб чақириш ҳайвонларни чақириш: алло, ҳей, киска, ҳей, пуссй”⁷⁰.

Мурожаатларга оид сўзларнинг таржимада берилиши хусусида куйидаги фикрларни келтириб ўтиш лозим: “Мурожаатга оид сўзлар миллий колоритнинг соҳиби бўлиши мумкин ва бунда улар ҳақиқий реалия бўлиб, таржимада транскрипсия йўли билан сақланиши лозим бўлади. Ёки мувофиқ тил доирасида колоритга эга бўлмаган, аммо анъанага мувофиқ маълум вазиятларда транскрипсия қилинадиганлар, булар ёлғон реалия бўлиб, ҳар қандай лексик бирликлар каби функционал эквивалент ёки аналог ёрдамида таржима қилинади

Жамиятдаги ўрни ва ижтимоий ҳолати яъни лавозими мансабига кўра мурожаат қилиш аксарият ҳолларда таржимон олдида ечиб бўлмайдиган вазифани қўяди. Аллбатта булар ичидаги баъзи бир мурожаатлар масалан дипломат ва давлат арбобларига нисбатан қўлланиладиган экселени ёки католик черковининг олий даражадаги руҳонийларига нисбатан қўлланиладиган *монсенёр* анча олдин халқаро муомалага киритилиб барча тилларда транскрипсия қилинади.

Қариндош-уруғчилик атамалари мурожатларнинг алоҳида турини ташкил қилади. Баъзи бир тилларда улар шу қадар майдалашиб ва хилма хил бўлиб кетганки, уларни адекват таржима қилиб бўмайди. Масалан шарқ тилларининг баъзиларида тўртта акаси бўлса ҳар бирига алоҳида мурожаат сўзлари мавжуд. Яқин қариндош уруғчилик муносабатларини ифодаловчи мурожаатлар таржима қилинаётган тилдаги мувофиқ сўзлар билан алмаштирилади. Баъзи ҳолларда реалия сифатида транскрипсия қилинади.

Узуал мурожаатлар таржимон учун катта қийинчилик туғдиради. Масалан: инглиз тилида ҳаттоки энг расмий хатларда ва умуман нотаниш инсонларга деар сир, деар мадаме деб мурожаат қилиш лозим. Лекин

⁷⁰ Влахов С, Флорин С. Непереваемое в переводе. – М.: Международные отношения, 1980. –С. 228.

мансабдор шахсларга нисбатан ҳаттоки АҚШ президентиға фақатгина сир ва мувофиқ тарзда мадаме деб мурожаат қилиш лозим. Узуал анъанавий мурожаатлар таржима қилинаётганида таржима тилидаги аналогии олинади.

Аксарият ҳолларда таржимон учун эмотсионал, ҳиссий бўёқли сўзлар, мурожаатлар тўсиқ бўлиб қолади. Бу ерда мураккаблик асосан бўёқларнинг нафислигидан вужудға келади. Бу нюансни англаб етиш қийин ва бундан ташқари таржима қилинаётган тилда ифодалашнинг мувофиқ воситалари йўқлигида ёки тилнинг сўз бойлигининг камлигида.

Чақириш, бақариб чақириш ва ҳайвонларни чақириш тоифаси алоҳида билимларни талаб қилади. Рус тилида мушукка киска деб мурожаат қилиш, инглиз тилида-пурсей, немис тилида миезеркатзе, франсуз тилида минет.

Одоб-ахлоқ мурожаатлари таржима қилинаётган тилдаги ўзларига мувофиқ бўлган сўзлар билан ёки миллий колоритға эға бўлса транскрипсия қилинади”.⁷¹

Қуйида биз мурожаатларға оид сўзлар таржимасининг таҳлилларини кўриб ўтамин.

- Мавлоно Муҳиддинға чопар кетдиму?-деб сўради.
- Чопарлар қайтиб келди. **Валинеъмат!**
- Хўш?
- Мавлоно Муҳиддин оғир хаста эмиш, **давлатпаноҳ!** [У.Х.:13]
- “मौलाना मुहिद्दीन को बुलवाने हरकारा भेज दिया ?”
- “हरकारे लौट आये हैं, शहंशाह!”
- “क्या कहते हैं ?”
- “मालूम पड़ा कि मौलाना मुहिद्दीन की तबीयत बहुत खराब है, शहंशाह!” [उलूग बेक की धरोहर ,प १८]

⁷¹ Влахов С, Флорин С. Непереводимое в переводе. – М.: Международные отношения, 1980. – С. 229-240.

Ушбу жумладаги “валинеъмат” ва “давлатпаноҳ” сўзлари *शहंशाह* тарзид таржима қилинган. “Ваълинеъмат”⁷² ўзига қарам кишиларни моддий жиҳатдан таъминлаб турувчи, уларга неъмат берувчи шахсга ва сахий, саховатли одамга нисбатан қўлланилади”.

Жумладаги “валинеъмат” ва “давлатпаноҳ” сўзлари шоҳга яъни Мирзо Улуғбекка нисбатан мурожаат тарзида ифодаланмоқда. Шунинг учун бу икки сўзга нисбатан *शहंशाह* сўзи тўғри қўлланилган.

- Нечук гунгдай қотиб қолдинг? Сўзла!
- Аълоҳазратлариавф этсинлар. Сиз **шаҳриёри фалак-иктидорни** хушнуд қиладурғон хабар келтирмадим.
- Сўзла!-бақириб юборди Мирзо Улуғбек.
- Кеш қўлдан кетгани аниқдур, **валинеъмат!** [У.Х.:21]
- “क्यों पड़े हुए हो उठो!”
- हुसैन सहजता से घुटनों के बल खड़े हुआ।
- “कहने की हिम्मत नहीं होती, हुज़ूर.... खबर बुरी है...”
- “बताओ भी!.” सुलतान ने आदेश दिया।
- “दुश्मन सचमुच केश में हैं, हुज़ूर। [उलूग बेक की धरोहर ,प २९]

Бу жумладаги “шаҳриёри фалак-иктидор” ва “валнеъмат” сўзлари ҳам шоҳ Мирзо Улуғбекка нисбатан ифодаланмоқда. “Шаҳриёри фалак-иктидор” сўзига аслиятда матн остида “улуғ шоҳ” деб изоҳ берилган. Таржимада ушбу сўзлар *हुज़ूर* тарзида берилган. *हुज़ूर*⁷³ сўзи хиндий тилида фақат шоҳга ҳурмат эмас балки, умумий ҳурмат маъносини ҳам

⁷² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. / С.Ф Ақобиров, Т.А. Аликулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б.172.

⁷³ Хинди-русский словарь. В двух томах, 2-том. / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 817.

ифодалайди. Ҳиндий тилида айнан шоҳга мурожаатни ифода этувчи *आलम-पनाह, जनाब-आली* каби сўзлар мавжуд. “Аълоҳазратлари” сўзи эса тушиб қолдирилган.

Шу ўринда Ш.Сирожиддинов ва Г.Одилованинг мурожаат сўзларини таржима қилишга оид фикрларини эслатиб ўтмоқчимиз. “Бир сўзни ҳар хил ҳолатда ҳар хил шаклда қўллаш мумкин. Ўзбек тилидаги она сўзини инглизчага-мотҳер, немисчага-муттер, русчага-мама, турк тилига-анне тарзида ўгириш мумкин. Аммо волида сўзини мотҳер, муттер, мама, анне деб таржима қилинса, бу сўздаги юқори пафос, чексиз ҳурмат, оилӣ мартабадаги инсонга бўлган иззат руҳияти пасаяди. Тарихий филмларда сарой эшик оғаси хон ёки шоҳга оналари келганлигини маълум қилиш учун баланд оҳангда “Подшоҳи олам” Волидангиз ташриф буюрдилар!” дейди. Агар эшик оғаси “Подшоҳим онангиз келдилар!” деса асл маънога путур етмайди, аммо киши тасаввурида эшик оғосининг маликага нисбатан, шоҳнинг ўз онасига нисбатан ҳурматининг даражаси пасаяди. Ана шундай ёзилмаган ахлоқ ва одаб мезонларини турли тиллар таржималарида миллиграммигача кўрсатиб беришнинг иложи йўқ”⁷⁴.

- Пурҳикмат насиҳатларингиз учун ташаккур, **таксир**,-деди Али Қушчи. [У.Х.:42]

सलाह के लिये आपका शुक्रिया.....*अब्बाजान*!(५८.प)

- Қўркманг, **таксир**!-деди Али Қушчи. [У.Х.:44]

घबराइये नहीं, *इज्जतदार*! (६०.प)

- Сиз бу хатарли юмушдан чўчимасангиз ҳам бўлур эди, **таксир** ([У.Х.,44].

⁷⁴ СирожиддиновШ, ОдиловаГ. Бадиий таржима асослари. Монография Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – Б. 82-83.

ओफ़ ख्वाज़ा! आपको इस बात से डरने की कोई ज़रूरत नहीं है [उलूग बेक की धरोहर ,प ६०]

Юқоридаги учта жумлада келтирилган тақсир сўзини таржимада уч хил тарзда ифодаланган. Биринчи жумлада “тақсир” сўзи *अब्बाजान* иккинчи жумлада *इज्जतदार* учинчи жумлада *ख्वाज़ा* тарзида таржима қилинган. Ушбу сўзларнинг луғавий маъносига эътибор қаратсак, *अब्बाजान*⁷⁵ сўзининг “катта одамга ҳурмат билан мурожаат қилиш” маъносини, *इज्जतदार*⁷⁶ сўзининг “ҳурматли” ва *ख्वाज़а*⁷⁷ сўзининг “жаноб, хўжайин” маънолари мавжудлигини ҳисобга олсак ушбу сўзлар тақсир сўзига нисбатан ўринли қўлланилган деб ўйлаймиз. Чунки, “Тақсир”⁷⁸ сўзи амалдорларга, бой ва муллаларга ҳурмат билан мурожаат қилиш формасидир”.

– Буни давлатпаноҳимдан сўрайсиз, **амирим!** [У.Х.:224]

“यह तो आप हमारे.....*रहमदिल सुलतान* से पूछियेगा, *मेरे हुज़ूर*”[उलूग बेक की धरोहर ,प २६०]

Бу жумлада “давлатпаноҳ” дейилганда шоҳ Мирзо Улуғбек назарда тутилмоқда. Амирим деб эса Амир Жондорга мурожаат қилинмоқда. Таржимада *давлатпаноҳ – रहमदिल सुलतान, амир–मेरेहुज़ूर* тарзида ифодаланган. Таржимоннинг ушбу жумладаги давлатпаноҳ сўзини *रहमदिल सुलतान* яъни “раҳмдил султон”, “амирим” сўзини *मेरेहुज़ूर* тарзида

⁷⁵ Хинди-русский словарь. В двух томах, 1-том./ А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 112.

⁷⁶ Кўрсатилган манба. 1-том, 226-бет.

⁷⁷ Хинди-русский словарь. В двух томах, 1-том./ А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 434.

⁷⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. / С.Ф Ақобиров, Т.А. Аликулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б.145.

ифодаланганлиги мақсадга мувофиқ бўлган албатта. Аммо давлатпаноҳ аслиятда битта сўз билан, таржимада эса *रहमदिलसुलतान* сўз бирикмаси тарзида ифодаланган. Ҳиндий тилида “давлатпаноҳ” сўзини битта сўз билан ифода этувчи *आलम-पनाह, शहंशाह, जहांपनाह* каби сўзлардан фойдаланиш тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз.

Чунки “Ҳар бир асар мазмуни уни ташкил этган лексик ва фразеологик бирликлар, алоҳида бирикма ва жумлалар мазмунига асослангани каби, асар шакли ҳам, томчида денгиз акс этганидек, унинг таркибидаги алоҳида унсурлар шаклига боғлиқ бўлади. Таржимада мана шу майда унсурлар шаклларнинг ҳам мазмун билан уйғунликда қайта яратиши, фақат айни воситаларнигина эмас, балки бутун бошли асар адекватлигини таъминлайди.

Таржимон аслият мансуб бўлган тилда ўзига хос тарда фикр баён қилган ўзга тил соҳиби нутқи хусусиятини таржимада акс эттириш вазифасини қўяр экан, у ҳар бир лисоний воситанинг шакл ва мазмун бирлигини уйғун ҳолда қайта яратиш устида бош қотириши лозим. Шаклни эътибордан соқит қилмаслик шунинг учун ҳам зарурки, бундай нутқий вазиятда у алоҳида аҳамият касб этади”⁷⁹.

– **Шавкатли амирим!** Сиз мен фақирга ишонмайсиз. Биламен [У.Х,2246].

“*मेरे खुदावंद अमीर मैं जानता हूँ कि आपको अपने वफ़ादार गुलाम पर एतबार नहीं है।*”[उलूग बेक की धरोहर ,प २६०]

Бу жумладаги “шавкатли амирим” сўзи *मेरे खुदावंद अमीर* тарзида таржима қилинган. *Шавкатли*⁸⁰ сўзи ўзбек тилида “катта ҳурмат ва обрўга

⁷⁹ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Тошкент: Фан, 2005. – Б. 278.

⁸⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. / С.Ф Ақобиров, Т.А. Аликулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б. 390.

эга”деган маънони изохлайди. *худавад*⁸¹ сўзи эса ҳиндий тилида “хўжайин, жаноб, ҳурматли” деган маъноларни билдиради. “Шавкатли амирим” сўз бирикмаси *худавадामीр* тарзида тўғри ифодаланган.

Куллуқ, *валинеъмат*–деб ғудранди.-камина оёғингизга юкунмоқ тилагида келдим....[У.Х.:207].

“शुक्रिया, हुज़रे आलम... जहांपनाह..... आपका गुलाम आपके क़दमों में गिरकर फ़रियाद करने आया है.....तौबा करने आये है....” [उलूग़ बेक की धरोहर ,प २४२]

Бу жумлада эса “ваълинеъмат” сўзи ҳам *हुज़रेआलм* ҳам *जहांपनाह* тарзида ифодаланган. Таржимон маънони янада кучайтириш учун “ваълинеъмат” сўзини *हुज़रेआलм ва जहांपनाह* тарзида таржима қилган деган фикрдамиз.

- Сўзим аёнму? Нечун гунгдай безрайиб турибсен?
- Аён ваълинеъмат [У.Х.:125]

समझे, मैंने क्या कहा. ठूठ की तरह मत खड़े रहो, जवाब दो

समझ गया, *худавад*... [उलूग़ बेक की धरोहर ,प १६९]

Ушбу жумлада ваълинеъмат *худавад* тарзида ифодаланган. Жумлада отага ваълинеъмат тарзида нисбатан мурожаат қилинмоқда. *худавад* ҳурмат маъносини ифода этиш учун ўринли қўлланилган.

- Ўн беш-ўн олти минг жилд, эҳтимолким ундан ҳам кўпроқдир, **пуштипаноҳим** [У.Х.:208] .

“कोई पन्द्रह-सोलह हज़ार। इससे ज़्यादा भी हो सकती है, हुज़रे आलम।”[उलूग़ बेक की धरोहर ,प २४३]

⁸¹ Хинди-русский словарь. В двух томах,1-том / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный.– М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 427.

– Давлатпаноҳ авф этгайлар! [У.Х,2076]

“मुझे माफ़ कर दीजिये, हुज़ूर आलम!! [उलूग़ बेक की धरोहर ,प २४२]

Бу икки жумладаги “пуштипаноҳ” ва “давлатпаноҳ” сўзлари *हुज़ूरआलम* тарзида ифодаланган.

Бу жумлаларда ҳам шоҳга мурожаат бўлгани учун фақат *हुज़ूरआलм* сўзи билан эмасбалки, *हजरत, जनाब, जनाब-आली, जहांपनाह आलम-पनाह, शहंशाह* кабилардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Иккинчи маълумингиз бўлғай, бу гул ҳибсда ётган мавлоно Муҳиддиннинг гулшанидан бўлур. Ҳибсда ётган бир кимсанинг ожизасини ҳарамга олмоқ. Сиздай салтанат соҳибининг шон-шавкатига лойиқ бўлурми, *ҳазратим*? [У.Х.:229]

लेकिन.... लेकिन यह गुलाब, हुज़ूर आलम, मौलाना मुहिद्दीन की बग़िया का है, वह वहीं की है,,जो कैद में पड़ा हो, उसकी बेटी को हरम में डालना क्या सुलतानों के सुलतान के लिये मुनासिब होगा? [उलूग़ बेक की धरोहर ,प २७१]

Ушбу жумлада “ҳазрат” сўзи таржимада *हुज़ूर आलм* тарзида ифодаланган. “Ҳазрат ўзбек тилида Олло, пайғамбар каби муқаддас зотларни улуғлаш учун уларнинг олдидан қўлланилади”⁸². Аммо аслиятда шоҳга мурожаат бўлгани учун таржимон “ҳазрат” сўзини таржимада *हुज़ूरआलм* тарзида ифодалаган. Бундан ташқари ушбу сўзни ҳиндий тилида *हजरत* сўзи билан ҳам ифодалаш мумкин деб ҳисоблаймиз. *हजरत* ҳиндий

⁸² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. / С.Ф Ақобиров, Т.А. Аликулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б. 674.

тилида “аъло ҳазратлари”, “ҳазрати олийлари” деган маъноларни англатади.

Тилнинг луғат таркиби, грамматик қурилиши ва фонетик тузилиши унинг барча соҳиблари учун умумий бўлса-да, ҳар бир шахс фикрини ўзига хос тарзда ифода этиши билан ажралиб туради. Бадиий асар персонажлари турли-туман шароит ва муҳитларда яшаб фаолият кўрсатишлари туфайли уларнинг умумхалқ тили имкониятларидан фойдаланишларида сезиларли фарқ кўзга ташланади. Ҳар бир персонаж ўз илми ва савияси, дунёқараши, ижтимоий шароити ва нутқ муҳити, касб-кори доирасида сўзлайди, фикр мулоҳаза юритади.

3.Таржимада тарихий стилизатсия масаласига доир

Таржима назариясига бағишланган ишларда тарихий стилизатсия тушунчаси камдан-кам учрайди. Баъзи бир олимлар, хусусан, А.Федоров, К.Чуковский, В.Камисаров тарихий стилизатсия деганда миллий ва тарихий колоритни етказиб беришни тушунсалар, бошқалар, жумладан, А.Папович, Б.Хохлов бу атама тушунчаси сифатида таржима матнида маданият даврини акс этиши ҳақида гапиради.

Бадиий адабиётда таржима стилизатсияси атамаси ўтмишни тарихий давр тили хусусиятларини тасвирловчи ҳамда таржима мазкур даврга оид нутқ колоритини тиклашни англатади.

Лингвистик атамалар луғатида тарихий стилизатсия тушунчаси, бирон-бир давр ёки ижтимоий муҳит учун хос бўлган нутқ стили/услугига тақлид деб тушунтирилади⁸³.

В.С.Виноградов мазкур тушунчага қуйидагича тавсиф берилади: “таржимачилик тил архаизатсия ёки темпорал, яъни вақт тили стилизатсияси, бу – замонавий таржима лексик морфологик ва синтактик

⁸³ Андрес, А. Дистанция времени и перевод / А. Андрес // Мастерство перевода. – М. : Сов. писатель, 1965. – С. 118-131.

алоқалари ёрдамида олдинги даврларнинг она тили билан боғлиқлигини сақлаб қолиш, бу эса ўтмиш билан ўзаро мутаносиблик, мувофиқлигининг алоҳида стилистик эффектини яратиш мақсадида амалга оширилади”. Виноградов мазкур тушунчанинг нисбийлигини алоҳида таъкидлайди., чунки “нутқ ва муайян асрнинг муайян даврнинг қандайдир тил унсурлари киритилмайди, яъни бунда биз замонавий тил нормасидан, меъёридан шундай ортга чекинишни кузатамизки, булар архаикдек кўринади”⁸⁴.

В.Ю.Тройскийнинг таърифича тарихий стилизатсия сўз устаси томонидан онгли, изчил ва мақсадга йўналтирилган ҳолда у ёки бу даврга хос бўлган услуб хусусиятларига хос сўзларни келтирилиши ҳамда бу хусусиятларни таржимада берилишидир. Тарихий стилизатсия таржимада мавжуд бўлган услубдир, агарда оригинал ёзилиш даври таржима бажарилиши давридан фарқланса. Ушбу таъриф батафсил бўлмаса-да, бизнинг фикримизча, методологик жиҳатдан тўғри.⁸⁵

Архаикликни яратиш учун таржимон эҳтиёткорлик ва меъёр даражасида матнга эскирган сўз, аборот ва синтактик конструкцияларни киритиш лозим, бунда у архаизмларни ҳаддан зиёд ва оқланмаган ҳолда ишлатили ҳамда ҳаддан зиёд модернизатсия қилиниши қўйилмайди. Масалан: оригинал асарнинг миллий-тарихий колоритини таржимада қайта тиклаш услублари (Л.Н.Толстойнинг “Петр 1” романини инглиз тилига таржимаси асосида). Замонавий таржима назарияси учун таржима қилинаётган матнни давлат ва тарихий ўзига хослигини сақлаш ва етказиш бериш ҳақидаги масала албатта жуда жонлидир. Таржима қилиш жараёнида миллий маданий ва тарихий хусусиятларни сақлаб қолиш асосий омиллардан биридир. Чунки културологик ва тарихий нюанслар оригиналнинг нафақат мазмун ва эстетик томонини таркибий қисмидир, бу айниқса, бадиий таржима учун муҳимдир. Бадиий матннинг асосий

⁸⁴ Бархударов, Л. С. Язык и перевод / Л. С. Бархударов. – М. : Междунар. дела, 1975. – С. 142.

⁸⁵ Мешалкина Е.Н. Историческая стилизация в понимании теоретиков и практиков перевода. К постановке проблемы. — М.: МГЛУ, 2006. — С. 25-31.

белгилардан бири маъно-мазмун ва шаклнинг ёрқин ифодаланган миллатга, давлатга оидлиги, яъни бўёқларидир, бу эса адабиёт учун воқеиликни акс этиш услуби сифатида жуда ҳам муҳим ва қонунийдир. Бадиий адабиёт асарлари доимо ўша яратилиш даврининг муҳри ёки яратилиш асрининг муҳри билан белгилангандир. Бундай асарлар замонавий даврдан маълум даражада ва турли даражада йироқлашган бўлиб, албатта мазкур халқнинг замонавий ҳозирги тилидан фарқланади. Бадиий адабий асарнинг матнидаги сўз образ, эстетик функцияга эгадир, уни ҳисобга олмаган ҳолда ҳам бадиий асарнинг лексикаси мазкур халқ, қайси халқнинг тилида ёзилган бўлса, ўша халқнинг тарихи, маданияти, анъаналари ҳақида маълумотлар манбасидир. Бу ерда реалиялар жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади, жумладан, тарихий реалиялар ҳам. Бу тарихий реалиялар бошқа сўзлар билан ҳам айнан маълум халқ учун хос бўлган ва маълум тарихий даврга оид бўлган предмет, тушунча ва ходисаларни белгилаб беради. Бадиий адабиётда бадиий асарда реалияларни қўллаган ҳолда ижодкор биринчидан, ҳақиқий моддавий реалиялик воқеилик дунёсининг аниқ тиклашга ва иккинчидан, оддий муҳит, яъни яшаш уй-жой муҳити орқали бадиий образларни янада ёрқин ифода этишга иштилади. Реалиялар, жумладан, тарихий реалиялар ҳам маълум-мазмун ва стилистик юкланмалар/нагрузкага эга, албатта уларнинг “стилистик фаоллиги, яъни услубий фаоллиги даражаси контекстга боғлиқ равишда турли бўлиши мумкин, аммо у ҳеч қачон нолга тенг бўлмайди, чунки “бадиий асарда фақатгина керак бўлмаган предметларнинг сояси сифатида бўлувчи асосланмаган сўзлар бўлмаслиги лозим”⁸⁶. Давлат ва тарихий колоритни таржимада сақлаб қолиш анъанавий адабий асарларни таржимони олдида турган прагматик вазифалардан биридир. А.В.Федоров таъкидлашича, давлат колоритини етказиб бериш ҳамда оригиналга мос

⁸⁶ Виноградов, В. В. О языке художественной прозы / В. В. Виноградов. - М. : Наука, 1980. – С 16 .

бўлган тарихий истиқболни яратиш тил қисмларини асосланган танловининг маълум тизимини назарда тутди⁸⁷.

Одатда, архаиклаштирилган асарларни таржима қилиш учун тил воситаларини танлаганда таржимондан аввалига тарихий масофага риоя қилиш, замонавий лексикадан воз кечиш талаб қилинади.

Тадқиқот жараёнида “Юлдузли тунлар” романи таржимасида *ясавул*⁸⁸ сўзини *अरदली*⁸⁹ тарзида, “Улуғбек хазинаси” романи таржимасида эса *нимча – वास्कट, этик – बूट, чойнак – केतली, нўстин – कोट, қўшин – फौज* тарзидаифодаланганлини гувоҳи бўлдик. Бу сўзларнинг айримлари тарихий архаик лексикани ташкил этмасада, тарихий асарлар таржимасида ўша даврга хос бўлмаган сўзларни қўллаш ноўрин деб ҳисоблаймиз. БунданташқарибуасардаХВ-ХВИ асрларда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар тасвирланган. Ҳиндий тилига эса ушбусўзлар XIX асрнинг ИИ-ярмида инглизлар бостириб келгандан сўнг ўзлашган деб айта оламиз. Шу сабабдан *нимча – सदरी, फतुही*⁹⁰, *чойнак – चायदानी, этик – बालायीजूते, нўстин – पोस्तीन, қўшин – सेना* тарзида бериш мумкин эди деб ҳисоблаймиз.

“Тарихий мавзудаги асарлар таржимасида ўша замонга мос келмайдиган сўзларни ишлатишдан эҳтиёт бўлиш керак. Замонавий, ҳатто кейинг даврда пайдо бўлган сўз ва тушунчаларни қўллаш ҳам тарихий ҳақиқатнинг бузилишига сабаб бўлади. Шу билан бирга, асарнинг ўтмишга дахлдорлигини билдириб юриш учун муайян даражада архаик сўзлардан ҳам фойдаланиш жоиз”

О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” ва “Кўҳна дунё” романларини турк тилига ўгирган Аҳсан Батур табиб ўрнига доктор, катта хона,

⁸⁷ Федоров, А. В. Базы общей теории перевода (лингвистические трудности) / А. В. Федоров. -5-е изд., перераб. и доп. - СПб. : Филол. фак. СПбГУ ; М. : Изд. дом «Филология Три», 2002. – С 396.

⁸⁸ Қодиров П.Юлдузли тунлар. Тошкент: Шарқ, 2009. – Б. 106.

⁸⁹ सुधीरकुमारमाथुर, बाबूर, रादुगाप्रकाशन, मास्को १९८८.१२०५

⁹⁰ Ульциферов О.Г. Современный русско-хинди словарь. М.: Русский язык Медиа, 2004 – С. 260.

машваратхона ўрнига салон, шунингдек мерси, пардон каби европача сўзларни ишлатади, бу сўзлар турк тилининг ўзига ҳам XX асрда франсуз тили орқали кириб келган.⁹¹

Ўтмиш даврнинг асарларининг таржимасига кўплаб тадқиқотлар бағишланган. Тадқиқотчилар бундай матнлар таржимасида таржимон икки йўл билан бориши мумкунлиги ҳақида фикр билдирадилар. “Оригинал даврни яқинлаштириш”, яъни тарихийлаштиришдан фойдаланиш ёхуд матнни модернизатсиялаб, бу орқали “оригинал даврни йироқлаштириш”. Оригинал матн замондош китобхон учун замонавий тилда яратилганидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотчиларнинг аксарияти таржима ҳам таржимонга замондош бўлган тилде амалга оширилиши лозим деган хулоса қиладилар, “бунда маълум ҳолатларда керакли тарихий вазиятни сақлаб қолувчи сўз ва грамматик унсурларни танлаш лозим.”⁹²

Маълумки, ҳар қандай асар аслиятда ўз замонасининг адабий тилида тузилади ва ўз давр ўқувчисига тушунарлидир. Замонлар ўтиб, авлодлар алмашилиб, қарашлар, урф-одатлар ўзгаради, тилнинг ифода воситаларида жиддий фарқлар сезилади. Натижада, аجدодлар тафаккури маҳсули бўлган классик асарни бугунги кун ўқувчисининг тушуниши мушкуллашади. Тарихий адабий ёдгорликни тушунишни қийинлаштирувчи қуйидаги бир неча сабаблар бор: аслият яратилган давр учун одатий бўлган, аммо даврлар ўтиши билан эскирган тарихий, миллий, диний, ҳарбий сўзларнинг қўлланилганлиги; аслият яратилгандан сўнг орадан ўтган вақт давомида тилнинг луғат хазинаси таркибидаги турли ўзгаришлар содир бўлганлиги; ўзга тилларда ўзлашган лексик қатламнинг қўлланилганлиги; миллий руҳни ўта чуқурлиги ва яна бир қатор бошқа омиллар мавжуд.

⁹¹ ОчиловЕ. Архаизм ватаржима. // Шарқ таржимашунослиги: Тарихи, ҳозирги куни ва келажаги. Илмий маолалар тўплами. –Тошкент: ТошДШИ, 2014.– Б. 39-45.

⁹² Мешалкина Е.Н. Историческая стилизация в понимании теоретиков и практиков перевода. К постановке проблемы. – М.: МГЛУ, 2006. – .С .25-31.

Тарихий давр руҳи тасавирланган асарлар таржимасининг мураккабликларидан бири ундаги архаик сўз ва иборалар иштирокида тузилган қаҳрамонлар нутқини, уларнинг ритмини, оҳангини нечоғлик қайта тиклаш билан боғлиқдир. Зотан адабиётшунос олим, таржимон Ю.Суровтсев таъкидлаганидек, “Тарих инсон характерида, шунингдек, қаҳрамонлар нутқида ўз ифодасини топади”⁹³.

Қадимги матнларнинг таржимасида энг тўғри таржимашунослик стратегияси модернизатсия ва тарихийлаштириш ўртасидаги “олтин ўрта”дир, яъни икки турни аралашмаси, қоришмасидир. Бу фикрни Г. Саляммов ўзининг “Олтин ўрта қаерда? Мумтоз асарлар таржимаси: модернизатсиями ёки стилизатсия?” номли мақоласида илгари сурган. Бу мақоланинг вазифаси мазкур саволга жавоб беришдир. Г. Саляммов қилган хулоса қуйидагидан иборат: таржима жараёнида оригинал асл асар жонли замонавий бадиий онгга ўзининг тарихий хислатлари билан кириб келади. “Архаикадан оҳирона фойдаланиш нафақат зарарли эмас, балки зарур, бекиёс ва қадрлидир”.⁹⁴

Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” ва П.Қодировнинг Юлдузли тунлар асари таржимасида образлар характери, диолог, монолог, ички кечинмаларда ҳиндий тилининг сўз бойлиги хазинасидан самарали фойдаланиб, шарқона тасвирланган. Таржимон учун узок ўтмишни бадиий ифодалаш, ўша давр руҳини бера оладиган услуб калитини топа олиш осон кечмайди. Таржимоннинг маҳорати, ютуғи шундаки қаҳрамонлар нутқида XV аср кишисининг сўзлашув манераси, муомала маданияти ҳисобга олинган ҳолда архаик сўз ва иборалардан маҳорат билан фойдаланган.

2-боб бўйича хулосалар

⁹³ ИсоқоваШ.Бадиийтаржимадамиллийликватарихийликниинакэсэтирилиши. (Ойбекнинг “Навойи” романининг французча таржимаси мисолида): филол. фан. номз.дисс... – Тошкент: ЎзМУ, 2004. – Б. 100.

⁹⁴ Саляммов Г. Где же “золотая середина”? Перевод классики: Модернизация или стилизация? // Художественный перевод: Проблемы и суждения. – М.: Известия 1986. – С. 442-461

Ушбу бобда ҳарбий терминлар, мурожаат сўзларининг сўзларнинг таржима ифодаланишини ўрганилди. Мутаржим ушбу сўзларни ўгиришда

- таржима тилида эквивалентини бериш;
- таржима тилида муқобил вариант билан ифодалаш;
- транслитератсия усулларида фойдаланган.

Таҳлил жараёнида ҳарбий атамаларга оид 9 та, мурожаат сўзларига оид 10 та сўзнинг таржимада ифодаланиши ўрганилди ва таржимоннинг бу борадаги ютуқ ва камчиликлари кўрсатиб берилди.

ИИИ БОБ. ТАРИХИЙ-АРХАИК ЛЕКСИКА ТАРЖИМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

1. Унвон ва лавозим номларини таржима қилиш усуллари

Маълумки ўзбек тилшунослигида ўтган асрнинг иккинчи ярмига қадар тарихий-архаик лексика алоҳида олиб ўрганилмай, ягона ном билан “Архаизмлар” деб юритилган. Бу ҳол ўзбек таржимашунослигида ҳали ҳам давом этмоқда. Архаизм юнонча сўз бўлиб, илк, қадимги деган маънони билдиради. Бу тушунча остида эскирган, истеъмолдан чиққан сўз, ибора ва грамматик шакллар тушунилади. Ш.Раҳматуллаев илк бор ўзининг “Архаизм ва Историзмлар”⁹⁵ номли тадқиқотида эскирган сўзлар таркибини ташкил этувчи тарихий-архаик сўзларнинг тилда тутган ўрни ва қўлланишига қараб алоҳида номланишини илмий асослаб берди. Бу каби тил ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари ҳамда ўзаро фарқларига қараб “ескилик бўёғига эга бўлган тил birlikлари “архаизм” деб (грекча “арчаиос”-қадимги), “ўтмиш воқелигини аташ зарурати туфайли ишлатилган эски луғат birlikи историзм деб, (грекча “ҳистория”-“текшириш”, “тадқиқот”) юритила бошланди.

Тилшунослик ҳамда адабиётшуносликда эскирган лексикани ўрганиш борасида Э.Қиличев ўзига қадар мавжуд бўлган илмий изланишлар хулосаларига асосланган ҳолда тадқиқотларни давом эттирди. Олим ўзининг “С.Айний прозасида архаизм ва историзмлар” мавзусидаги номзодлик диссертатсиясида эскирга лексика историзмлар ҳамда историзмлар билан бир қаторда хронизмларни ҳам ўз ичига олади”⁹⁶ деган илмий-назарий хулосага келди. Профессор М.Миртожиев тарихийлик ҳамда архаизмларни лексикологиядаги ўзаро фарқ қилувчи ҳодисалар деб қараб, уларни давр нуқтаи назаридан чегараланган қатлам, “яъни эскирган

⁹⁵ Раҳматуллаев.Ш. Архаизм ва историзмлар. // Научные труды. – Тошкент: ТашГУ, 1963.–С. 243 – 249.

⁹⁶ Қиличев.Е.С. Айний прозасида архаизм ва историзмлар.фил. фан. номз. дисс... – Тошкент: 1969.– Б. 32.

катлам”⁹⁷деб номлади. Кўриниб турибдики, ўзбек таржимашунослигида ҳамда тилшунослигида тилдаги нофаол лексика, тарихий-архаик сўзлар бир қадар тадқиқ этилган бўлсада, ягона илмий тўхтамга келинган эмас. Ҳам амалий ҳам назарий хулосаларни умумлаштириш, ягона ечимга келиш имкониятини берувчи тўлақонли, чуқур илмий изланишлар маҳсули бўлмиш қўлланмаларнинг камлиги муаммонинг етарли даражада ўрганилмаганлигидан далолатдир.

Бадиий асарнинг тил тизимида архаизмларнинг ҳам ўз ўрни бор. Историзмлардан фарқ қилган ҳолда уларнинг фаол луғат таркибида синономлар мавжуд. Ёзувчилар улардан тарихий даврни реал тасвирловчи, персонажлар характерларини аниқ очиб берувчи стилистик восита сифатида фойдаланадилар. Архаик сўзлар эҳтиёж талабига кўра, замонавий синхроник нутқ (матн)ларда ишлатилувчи, аммо замонавий нормага кирмайдиган сўзлардир. “Улуғбек хазинаси” ва “Юлдузли тунлар” романларида таржимасида ҳам архаизмлар кўплаб учрайди. Улар, аввало, тарихий давр лавҳаларини конкрет ифодалаб бериш мақсадида ёзувчи ва таржимондан санъаткорона ишлатилган. Архаизмнинг замонавий синоними бу сўз устидан функционал-норматив жиҳатдан ғолиб чиққан сўздир. Архизм историзмдан тил фаол луғатида замонавий синоними бўлиши билан ҳам фарқ қилади.

Тарихий асарларнинг табиати уларда фақат историзмларнинг қўлланилиши билан билангина рма, балки уларнинг қўлланиш ўрни билан, семантик планда аниқлик билан ҳам бошқа бадиий асар типларидан фарқланади. Ана шу хусусиятлари бўлган историзмлар, эскириб қолган сўз сифатида, тасвирланаётган давр колоритини ифодалашни тўла таъминлашга хизмат қилади. Тарихий асар табиати бошқа асардан яна шу билан фарқ қиладики, уларда фақат тил эмас, тасвирнинг ҳам ўзига хос

⁹⁷ МиртожиевМ.М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Тошкент:Университет, 2000.– Б. 54.

хусусиятлари мавжуд бўлади. Тарихга мурожаат қилган ҳар бир ижодкор ўз қаҳрамонларини икки планда-хусусий-тарихий(яъни мавжуд нарсаларнинг қонуниятлари асосида) ва замонавийлик(яъни халқ тажрибаси асосида) планида тасвирлайди.

Тилда историзмларни туғдирувчи асосий омил ижтимоий ҳаёт, давр, тарихий шароитдир. Давр ўтиши билан муайян пайтда замонавий ҳисобланган баъзи предмет қўлланишдан қолади. Улар тўғрисидаги тасаввурлар эскиради ва тарихий фактга айланади. Натижада бу нарсалар ва ҳодисаларни ифодоловчи сўзларни ишлатиш ҳам сусаяди ва сўз аста-секин тил луғат таркибининг фаол қатламида пассив қатламга ўтади. Муддат ўтиши билан предмет ҳам, унинг номи ҳам ўтмиш ҳодисаси(тарихий ҳодиса) га айланади.

“Улуғбек хазинаси” ва “Юлдузли тунлар” романлари ҳам тарихий сўзларга ниҳоятга бой асар ҳисобланади. Романда историзмлар муаллиф нутқида ҳам, персонажлар нутқида ҳам кенг ишлатилган. Муаллиф улардан қаҳрамонларнинг ёки тарихий шахсларнинг портретини яратишда, ҳаётни реаллаштириб кўрсатишда фойдалаган. Таржима нусхада ҳам таржимон аслият руҳиятини бузмасдан, муаллифнинг кўзда тутган мақсадини англаган ҳолда историзмларни қўллашга ҳаракат қилган.

Тарихий асарда халқнинг муайян бир даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётини обектив тасвирлаш мақсадида ёзувчи шу даврга хос лингвистик бирликлардан фойдаланади. Бундай лингвистик бирликлар историзмлар саналади.

Аслиятда акс этган давр руҳини беришда таржимон сўз танлаш муаммосига дуч келади. Асар таржимасига киришар экан, у асардаги ҳозирда тарихий-архаик ҳисобланган тил воситаларининг ҳаммасини сақлаб қололмайди. “А.В.Фёдоров фикрича,архаиклашган асарлар таржимасидан мақсад замондош ўқувчини адабий ёдгорлик билан таништиришдир. Бу мақсадни амалга оширишда эса замонавий тилни

қўллаш асосида зарур тарихий руҳни бериш учун грамматик ҳамда лексик бирликлардан танлаб фойдаланиш кўзда тутилади”.⁹⁸ Тарихий-миллий ўзига хосликни ҳамда адабий асарнинг асосий маъно-мазмунини очиб бериш учун қадимги ёзма обидаларимизда қўлланилган тарихий-архаик лексика турк, мўғул, араб, ҳамда форс тил бирликларини ўз ичига олади ва мазмунига кўра маиший, ҳарбий, диний, ижтимоий каби гуруҳларга ажратилиши мумкин. Уларнинг таржимасидаги вазифаси: тарихий давр руҳини бериш; шарқ халқлари ҳаёти тарихига хос тушунчаларни акс эттириш; шарқ тарихига қизиқиш уйғотиш; халқнинг тарихий-миллий, маънавий маданияти даражасини акс эттириш; ёзма обидалар таржимасида маъно нозикликларини пайдо қилиб, унинг тил ва услубига таъсир қилиш кабилардир. Бир қатор таржимашунос олимлар тарихий-архаик лексикани муқобил таржима қилиш ҳамда аслиятда акс этган тарихий давр руҳини китобхонга тўғри етказишда таржимон қуйидаги бир неча омилларни ҳисобга олиши керак деб, ҳисоблайдилар; а) мутаржим энг аввало аслият тилининг ҳам диахроник, ҳам синхроник қатламини билиш, унинг сержилолигини, серқирралигини ҳис қилиши, тасвирий воситаларнинг энг нозик ва мураккаб томонларини тушуна олиш; б) аслиятда тасвирланган халқ турмуш тарзининг ўзига хос томонлари, диний эътиқодлари, анъаналари, урф-одатлари, удумлари, маросимлари, этнографик қиёфаси ҳақида тасаввурга эга бўлиш; д) тарихий асарда тасвирланган тарихий давр руҳи, тарихий шахслар, унда тилга олинган халқ тарихининг асар яратилган даврга оид турмуш тарзи ва улар ҳақидаги илмий манбалар билан таниш бўлиши керак.

Тил жонли ҳодиса, у узликсиз ривожланиб туради ва ҳар бир давр ўз адабий тилига эга. Аммо бу бир даврнинг тили иккинчи бир даврнинг тилидан кескин фарқ қилади. Тилда тўхтовсиз ўзгаришлар содир бўлади.

⁹⁸ Ўрмонова Н. Таржимада тарихий-архаик лексикани акс эттириш принциплари ва таржима аниқлиги. (Ўзбек классик адабиётидан француз тилига қилинган таржималар таҳлили асосида) фил. фан. номз. дисс... – Тошкент: ЎзМУ, 2008. – Б. 52.

Тилнинг қайсидир бирликлари ўзгаради, баъзилари эса ўзгармай кейинг даврларга ҳам ўтиб келади. Демак тил ривожда икки қарам-қарши ҳодиса янгилашиш ва эскириш юз бериб туради. Тилда нафақат бугунги, балки кечаги, ёки минг йил илгариги белгиларни кўришимиз мумкин. Ҳар бир даврнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлари тилда ўз изини қолдиради. Тарихий асарларда ижтимоий-тарихий ҳаракатдаги халқ ҳаётининг маълум бир даври ифодаланади. Бундай асарда қўлланган тил воситаларининг катта қисми вақт ўтиши билан турли ўзгаришларга учраган, бир қатор сўзлар эскириб, истеъмолдан чиқиб, унутилиб кетган, бир гуруҳ, сўзларнинг маъно кўлами кенгайган, яна бошқаларининг эса аксинча чегараланиб, торайган. Бир сўз билан айтганда асар яратилган давр тилида қандай қўлланишда бўлган бўлса, шундай сақланиб қолган тил воситаларини топиш мушкул. Таржимон таржима талабларидан келиб чиқиб адабий ёдгорликни ҳозирги адабий тил нормаларига жавоб берадиган қилиб таржима қиладилар. “Ҳар бир давр ҳар бир асарни ўз замонасининг адабий тилига ағдаришни талаб қилади”⁹⁹Таржима ҳар бир даврнинг ўз маҳсули. Ҳар авлод ўз тили имкониятларидан келиб чиқиб таржима қилаверади.

Тилда доимий, турғун ҳамда вақтинчалик, ўткинчи, ўзгарувчан тил ҳодисалари ҳам борки таржимон бу ўринда таржимасига киришган асар яратилган ўтмишни чуқурроқ ўрганиши, асар муаллифининг услубини, дунёқарашини билиши, унинг ўзи ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши зарур. Шунингдек, тарихий асарнинг шу даврга қадар бошқа таржимонлар томонидан амалга оширилган барча таржималарини ҳам яхшилаб ўрганиб чиқиши, ушбу йўналишдаги ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши керак. Бу каби омиллар мумтоз асарлар мазмунини чуқурроқ англашга, таржима жараёнида учраши мумкин бўлган мушкулликларнинг ечимини топишда ҳамда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни олдини

⁹⁹Комилов Н. Классик таржимада услуб. // Таржима санъати. Тошкент: 1973. – Б.109.

олишга ёрдам беради. Одатда, тўғри англаб, тушунилган нарса ва ходисагина таржимада тўғри акс этиши мумкин.

“Юлдузли тунлар” ва “Улуғбек хазинаси” романларини таржимасидаги унвон, мансаб-лавозим, касбга оид сўзларни қуйидагича тасниф қилишни мақсадга мувофиқ деб топдик:

1. Саройга оид унвон, мансаб-лавозимни билдирувчи сўзлар: Саройбон, девонбеги, вазир, сарой маҳрами, бакавул, амир, эшик оға, бег, чопар, чошнагир, дасторпеч.

2. Ҳарбий лавозим номларини билдирувчи сўзлар: доруға, қози, лашкарбоши, шиғовул, тавочи, сипоҳ, навкар, ясовул, ўнбоши, юзбоши.

3. Касб-хунар номларини билдирувчи сўзлар: тарихчи, оқсақол, мироҳур, мироб, офтобачи, коргар (қурувчи), саҳҳоф.

Унвон, лавозим, касбга оид сўзларни ҳар бир тарихий асарда кўплаб учратиш мумкин. Бундай сўзларни қўллашдан мақсад асарда баён этилаётган давр ҳақида китобхонда тўлиқ ва аниқ тасаввур уйғотишдан иборат. Улар орқали тасвирланаётган давр ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган лавозим, мансаб ҳақида тушунчага эга бўлиш мумкин. Бундай сўзларнинг таржимаси мутаржимга қийинчиликлар туғдириши муқаррар. Бу билан боғлиқ бир қатор мисоллар билан танишиб чиқамиз.

**Унвон лавозим, касбга оид сўзларнинг транслитератсия усули
орқали қилинган таржималарига мисоллар:**

Али Қушчи унга яқинлашиб тавозе билан салом берди, лекин Мирзо Улуғбек ўнг қўлини вазмин кўтариб уни тўхтатди-да, пастдан чиқиб келган *саройбонга* юзланди: -Бакавулларистироҳатда эмасму?[У.Х.:10]

सुलतान ने ताली बजायी। नीचे से बूटों की ठकठक सुनाई दी और उनके आगे *खानसामाँ* आ खड़ा हुआ। “*बकाऊल* सोये तो नहीं ?” [उलूग बेक की धरोहर ,प १४]

Ушбу жумладаги “бакавул” ва “саройбон” сўзлари тарихий сўз хисобланади. *Саройбон*¹⁰⁰ саройни қўриқловчи, қоровул, хон саройи қўриқчиси. Таржимада бу сўз *खानسامाँ* тарзида ўтирилган. *खानسامाँ*¹⁰¹ сўзи ҳиндий тилига форс тилидан ўзлашган бўлиб, “хизматкор, қарол, хизматкорлар бошлиғи” деган маъноларни билдиради. Изоҳли луғатда изоҳланган “саройбон” сўзи қоровуллик, қўриқчилик вазифасидан ташқари, ўша даврда “саройбон” хизматчи вазифасини ҳам бажарган. Демак таржимон таржимада *खानسامाँ* сўзини қўллаш билан сарайбон сўзини ифодалаб бера олган. *Бакавул*¹⁰² сўзининг биринчи маъноси “хон, шоҳ саройида уларга тайёрланадиган таомларни татиб кўрувчи ва овқат тайёрлаш ишларига масъул мансабдор.” Иккинчи маъноси “ошпаз”. Бу сўз таржимада транслитератсия қилиниб, матн остида қуйидагича изоҳланган. *बकाऊल- शाही खानसामाँ* Таржимада изоҳланган *खानسامाँ* сўзи бироз эътирозли. Чунки таржимада *खानسامाँ* сўзи аслиятдаги иккита тарихий сўзни ифодалаш учун қўлланилаган. Бу ерда бироз хатоликка йўл қўйилган. Чунки иккита тарихий сўзни ифодалаш учун битта сўзни қўллаш китобхонда тушунмовчиликни келтириб чиқариши мумкин. *खानسامाँ* сўзининг биринчи маъносини юқорида кўриб ўтдик. Гарчи *खानسامाँ* сўзининг иккинчи маъноси ошпаз бўлсада, таржимон бу ерда бошқа бир сўзни яъни биринчи маъноси “ошпаз” бўлган *बावरची*¹⁰³ сўзини танлаши, изоҳда *शाही बावरची* тарзида бериши маъқул бўлар эди. Чунки Пирмиқул

¹⁰⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б. 452.

¹⁰¹ Хинди-русский словарь. В двух томах, 1-том. / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 421.

¹⁰² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. / С.Ф Ақобиров, Т.А. Алиқулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов тахрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б. 74.

¹⁰³ Хинди-русский словарь. В двух томах, 2-том. / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 245.

Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романида келтирилган “баковул”¹⁰⁴ сўзи *बावरची*¹⁰⁵ тарзида таржима қилган.

Таржимон асарни ўз даври китобхони мутолааси учун ўгиради. “Бу каби арзимас туюлган “майда-чуйдалар” ҳам асарда тасвирланаётган воқеалар мазмунига путур етказиши билан бирга китобхоннинг ишончини йўқотади. Шунинг учун ҳам таржимон асрни ўз тил воситалари ёрдамида шаклан ва мазмунан қайта яратар экан, унинг бадиий ҳамда эстетик қимматини мужассам этишда қўлланилган ҳар бир детални “иқир-чиқир”игача синчиклаб ўрганиши, уни адекват шаклланишига масъулият ҳисси билан қарамоғи зарур. Зеро таржимашунос олима Нинел Владимирова айтганидек “.....таржимон фидоий ва зийрак ижодкор, лекин у.....фолбин эмас”¹⁰⁶.

Мирзо Улуғбек ҳаёли чувалаб кетаётганини сезиб, жойига бориб ёнбошлади. Ёнбошлаши билан эшик очилиб, бошларида дубулға, қўлларида яланғоч қилич, икки сипоҳ кириб келди. Иккови ҳам от юзли, ўнг қулоқларига исирға таққан балхий сипоҳлардан эди. Сипоҳлардан кейин сурмаранг салла ўраган занжидай қоп-қора нотаниш **ясавулкириб** таъзим қилди ва жимгина эшикка имлади.[У.Х.:97]

उलूग बेक खिन्न मन सोते जा रहे थे कि दरवाज़ा खुला और कमरे में दो सैनिक आये, दोनों नंगी तलवारें लिये हुए थे, उनके कानों में मुरकियां देखकर उलूग बेक पहचान गये कि वे बल्ख के हैं। उनके पीछे-पीछे कोई अपरिचित सांवला *यसाऊल* आया, उसने लापरवाही से गहरे हरे रंग के साफ़े से ढका सिर झुकाकर सलाम बजाया और दरवाज़े की ओर मौन संकेत किया। [उलूग बेक की धरोहर, प ११४]

¹⁰⁴ Қодиров П.Юлдузли тунлар Тошкент: Шарқ, 2009. – Б. 375.

¹⁰⁵ सुधीरकुमारमाथुर, बाबूर, रादुगाप्रकाशन, मास्को १९८८. ३८२.प

¹⁰⁶ ЖавбўриевМ.М. Таржимада тарихий давр колорити //Тил ва таржима. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон фанлар академияси Адабиёт институти, 1991. – Б. 120.

Бу гапда “ясавул” сўзи транслитератсия қилиниб, матн остида изоҳ берилган. Изоҳ қуйидагича. *यसाऊल- सिपाही, पहरेंदार* яъни “аскар, қоровул, соқчи”. Изоҳ аниқ ва тўғри берилган деб ҳисоблаймиз. “Ясавулхонларга, мансабдор шахсларга хизмат қилувчи қуролли соқчи, посбон”¹⁰⁷.

Андижон **миробларининг** бошлиғи бўлган бу одам гардани жуда гўштдор бўлгани учун хўкизга ўхшаб бўйнини бир оз олдинга эгиб юрар, шунинг учун орқаворатдан уни “гов”, деб аташар эди [Й.Т.:53].

वह व्यक्ति अंदीजान के **मीराबों** का मुखिया था और अपनी चौड़ी गरदन सांड की तरह आगे निकाले रहता था, इसी लिये उसका नाम “गोव” यानी “सांड” पड़ गया था।

[Бабуур, п ۶۹]

Ушбу жумладаги мироб тарихий сўз ҳисобланиб, “мироб суғориш ва сув таъминоти бўйича нозирдир. Сув тақсимооти ва суғориш тармоқларини назорат қилувчи шахс”¹⁰⁸. Таржимада “мироб” сўзи транслитератсия қилиниб, қуйидаги ҳавола келтирилган. **मीर-आब-जल वितरण अधिकारी**। яъни сув тақсимловчи. Ушбу изоҳ “мироб” сўзини изоҳлай олган. Изоҳ ўринлидир.

Хужра атрофидаги сахн торроқ бўлса ҳам қоянинг шимол томонида- уйдайд баланд тошлар ортида кичкина майдонча бор эди. Соқчилардан иккитаси **офтобачи** ва савдарбоши билан бирга ўша ёққа ўтиб туришди [Й.Т.:75].

तंग रास्ता हुजरे के ठीक सामने खतम होता था, जहां से बड़ी बड़ी चट्टानों के बाद छोटा-सा पठार शुरू हो जाता था। वहा **आफ़ताबाची** को तैनात करना था, जब मिर्जा ऊपर पहुंच जाये। [Бабуур, п ۷۹]

¹⁰⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. / С.Ф. Ақобиров, Т.А. Аликулов, З.М. Маъруфов ва бош. М. Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б. 488.

¹⁰⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б. 702.

Ушбу жумладаги офтобачи сўзига таржимада қуйидагича ҳавола келтирилган

आफताबाची -हाथ-मुंह धुलाने के लिये पानी का बरतन लेकर खड़ा रहनेवाला सेवक। яъни юз-қўллари ювиш учун сув қуйиб турувчи хизматчи.Изоҳ ўринлидир.

Тиласангиз девонга оламиз, *девонбеги* бўласиз, тиласангиз саройда *муаррихлик* қиласиз [У.Х.:200].

“अगर आपको मंजूर हो, मोलाना, तो मैं आपको *दीवानबेगी का औहदा* देने की पेशकश कर सकता हूँ *दीवान के सरदार का*! और अगर चाहें तो हमारे महल में *इतिहासकार*, पुरावृत लेखक बन सकते हैं. [उलूग बेक की धरोहर ,प २३५]

Ушбу жумлада эса таржимон “девонбеги” сўзини транслитератсия қилиб матн остида қуйидагича изоҳ берган. *दीवानबेगी- दीवान का उत्तराधिकारी,उप-मंत्री*! “Девонбеги” девон раҳбари ҳисобланади. Девон дейилганда айна давлат бош идораси назарда тутилади. Изоҳдаги *उत्तराधिकारी*¹⁰⁹ “авлод”, *उप-मंत्री*¹¹⁰ “вазир”, “ўринбосар”, деган маъноларни англатади.

Транслитератсия ҳақиқатдан ҳам таржимон учун энг қулай йўл. Транслитератсияда шу сўзнинг маъноси ўқувчига тушунарли бўлиши учун матн остида изоҳлаб берилади.

Унвон, лавозим, касбга оид сўзларнинг айнан кўчириш йўли орқали қилинган таржималарига мисоллар:

¹⁰⁹ Хинди-русский словарь. В двух томах, 1-том. / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 249.

¹¹⁰ Кўрсатилган манба, 266-бет

Шайбонийхониннинг ўнг қўл **вазири**-олтмиш беш ёшлик мулла Абдурахим Хирот алломаларидан олтин ундиришнинг бошқа бир йўлини ўйлаб топишди [Й.Т.:344].

शैबानी खां के दाहिने हाथ यानी उसके साठवर्षीय **वजीर** अब्दुरहीम ने हिरात के आलिमों का सोना “जब्त” करने का दूसरा तरीका निकाला। [बाबूर, प ३५१]

Аслиятда берилган “вазир” сўзи таржимада **вजीр** тарзида ифода этилган. “Вазир ҳиндий ва ўзбек тилларига араб тилидан ўзлашган сўз бўлиб, Ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ давлатларида жумладан Ўрта Осиё хонликларида ҳукумат идораси ёки кенгаши бошлиғидир.”¹¹¹

Хўжа Абдулла, мавлоно **қози** ёш подшоҳнинг фармойиши билан келдилар!-деди (Й.Т.:141) .

मौलाना ख्वाजा अब्दुल्ला, खुदावंद काज़ी बादशाह सलामत का फरमान लेकर आये हैं। [बाबूर, प १६१]

Ушбу жумладаги “қози” сўзи архаик сўз ҳисобланиб, таржимада **काज़ी** тарзида ифода этилган. “Қозиижрочи, амалга оширувчи, ҳукм чиқарувчи бўлиб, тарихда мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланиб, шариат асосида суд вазифасини бажарувчи судя, шаръий маҳкама раиси”¹¹². Ушбу сўз иккала тилга ҳам араб тилидан ўзлашган бўлиб, судя маъносини англатади.

Ташқари эшикдан кириб келган **чошнагир** аёл овозини қўркув билан пасайтириб хабар берди [Й.Т.:24].

चाशनीगीर औरत ने आकर सबको बंदगी की और धीरे से बोली [बाबूर, प २९]

Аслиятда “чошнагир” сўзига-подшонинг дастурхонига қарайдиган ходима тарзида изоҳ келтирилган.

¹¹¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б. 514.

¹¹² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4 жилд – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006 – Б.438.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “чошнагир татиб кўрувчи, хон ва подшоҳлар саройида шох оиласининг бошлиғи (шохга тайёрланган таомларни дастлаб таътиб кўрувчи шахс”¹¹³ деб ифодаланилган.

चाशनी ҳиндий тилига форс тилидан ўзлашган сўз бўлиб, таъм, маза, таътиб кўриш маъносини ифодалайди.

– Бошига дубулға кийган чўтир **сипоҳ** қовоғини ўйиб:

– Биз эндиликда расадхонани кўриқлаб турамиз,-деб жавоб берди [У.Х.:151].

शिरस्त्राण पर लगी कलगी पर घमण्ड न छुपाये चेचकरू सिपाही ने नाक-भौं
सिकोड़कर रोब के साथ जवाब दिया। [उलूग बेक की धरोहर ,प १७२]

Ушбу жумладаги “сипоҳ” сўзи **सिपाही** тарзида таржима қилинган. Ушбу сўз иккала тилга ҳам форс тилидан ўзлашган бўлиб, форсча “ҳарбий бирлашма”, “қўшин”, “армия”. “Тарихда Подшоҳ, хон, амир саройида узоқ хизмат қилган лавозимли киши”. маъносини англатади.

Унвон, лавозим, касбга оид сўзларнинг ҳиндий тилидаги

эквиваленти орқали қилинган таржималарига мисоллар:

Салоҳдорфонусни баланд кўтарганича рўпарадаги эшикни очиб, унга йўл берди [У.Х.:7].

दरबान ने झुक्कर सलाम बजाया और फ़ानूस की रोशनी,, दिखते हुए मौलाना को
आगे निकल दिया। [उलूग बेक की धरोहर ,प ९]

Бу икки жумлада берилган “салоҳдор” сўзига аслиятда матн остида “дарвозабон” деб изоҳ берилган. Дарвозабон¹¹⁴ дарвоза қоровули ёки соқчиси. Таржимон таржимада ушбу сўзни **दरबान**сўзи билан ифодалаган.

¹¹³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б. 546.

¹¹⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. / С.Ф. Ақобиров, Т.А. Алиқулов, З.М. Маъруфов ва бош. М. Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б. 209.

*दरबान*¹¹⁵ сўзи форс тилидан ўзбек ва ҳинд тилларига ўзлашган бўлиб, “сарой дарвозаси посбони” деган маънони англатади. “Дарбон” ўзбек тилида тарихий сўз ҳисобланади. Ҳиндий тилида эса тарихий сўз эмас. Аммо ҳиндий тилида айнан “дарвозабон” сўзини изоҳловчи *द्वारपाल* сўзи мавжуд ва у айнан ҳиндий тилида тарихий сўз ҳисобланади. Таржимон қўллаган *दरबान* сўзи хато эмас албатта. Аммо аслиятдаги тарихий сўзни таржима тилида мавжуд тарихий лексика билан ифодалаш мақсадга мувофиқдир. Бу таржиманинг янада чиройли ва аниқ чиқишини таъминлайди. Таржима тилида мавжуд тарихий лексикадан фойдаланиш китобхон учун ҳам тушунарли бўлади.

Эшикда шаҳар **доруғаси** Мироншоҳ, унинг кетидан қилич ва ханжар таққан *амирлар*, қизил кимхоб тўн кийган **девонбеги** билан **сарой маҳрамлари** кўринди [У.Х.:9].

सुलतान के कक्ष *दारोगा-समरकन्द का सूबेदार* मिरानशाह सबसे पहले बाहर निकल आया।उसके पीछे-पीछे लाल, हरे, नीले शानदार चोगे पहने, ऊदबिलाव की खाल की काली टोपीयाँ लगाये *अमीरों और सरदारों* की भीड़ निकली [उलूग बेक की धरोहर ,प १२]

Ушбу мисолда *доруга*¹¹⁶ сўзи тарихда “шаҳар ҳокими” маъносини ифодалаган. Ҳозирда бу сўз архаик сўз ҳисобланади. Бу сўз ҳам ҳиндий тилига форс тилидан ўзлашган бўлиб, *бошлиқ*, *инспектор* тарзида берилган. Таржимада *दारोगа- समरकन्द का सूबेदार मिरानशाह* яъни доруға- Самарқанд ҳокими Мироншоҳ деб матн ичида изоҳ бериб ўтилган.

¹¹⁵ Хинди-русский словарь. В двух томах. 1-том. / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 755.

¹¹⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. / С.Ф Ақобиров, Т.А. Аликулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б. 235.

*सूबेदार*¹¹⁷ сўзининг биринчи маъноси “кичик офитсер”, иккинчи маъноси тарихда “вилоят, бирор бир ҳудуд ҳокими” деган маъноларни англатган. Сўз ўғиришда таржимон матн ичида изоҳ берган бу таржимани адекват чиқишини таъминлаган. Энди ушбу жумладаги “девонбеги” ва “сарой маҳрамлари” сўзитаржимасига эътиборингизни қаратсак. “Амир” ва “девонбеги” сўзи *अमीर*, “сарой маҳрамлари” *सरदार* деб таржима қилинган.

*अमीर*¹¹⁸ “боёдам, раҳбар, феодал”. *सरदार*¹¹⁹ “йўлбошчи, раҳбар, бошлиқ”. *सरदार* сўзи ҳиндий тилида тарихда “заминдор ер эгаси” маъносини ҳам англатган. Изоҳли луғатда *маҳрам*¹²⁰ сўзининг “Бухоро ва Хива хонликлари даврида сарой амалдорларининг ёзишма ишларини олиб борган мансабдор шахс, ишончли хизматкор, чўри” каби маънолари берилган. Фикримизча ушбу жумлада “маҳрам” сўзи “ишончли хизматкор”, “чўри” маъносида келмоқда. “Маҳрам” ва *सरदार* сўзларининг бир бирига карама қарши тушунчалар эканлигини ҳисобга олсак таржимон бироз хатоликка йўл қўйган. Чунки *सरदार* сўзи “маҳрам” сўзини ифода этмаяпти. “Маҳрам” сўзини ҳиндий тилида, *महल का सेवक* тарзида ифодалаш мумкин эди деб ўйлаймиз. Чунки *सेवक* сўзи “хизматчи”, “хизматкор” маъносини ифода этади. “Таржимон таржимада шундай лисоний воситалардан фойдаланиш керакки, ҳосил бўлган матн китобхонга яхши тушунарли бўлсин ва шу билан бирга асар яратилган давр унинг кўз олдида жонланиб турсин. Бунинг маъноси шуки, таржимада тилнинг архаик ва тарихий

¹¹⁷ Хинди-русский словарь. В двух томах, 2-том. / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С.735.

¹¹⁸ Хинди-русский словарь. В двух томах, 1-том. / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 125.

¹¹⁹ Хинди-русский словарь. В двух томах, 2-том. / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 665.

¹²⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. / С.Ф Ақобиров, Т.А. Аликулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б. 453.

қатламларига мурожаат қилишда суиистеъмолликка йўл қўймасдан, улардан китобхонда асар яратилган давр тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин бўлган даражада фойдаланиш зарур”¹²¹

Тиласангиз девонга оламиз, *девонбеги* бўласиз, тиласангиз саройда **муаррихлик**киласиз [У.Х.:200]

“अगर आपको मंजूर हो, मोलाना, तो मैं आपको *दीवानबेगी का औहदा* देने की पेशकश कर सकता हूँ *दीवान के सरदार का!* और अगर चाहें तो हमारे महल में *इतिहासकार*, पुरावृत लेखक बन सकते हैं। [उलूग बेक की धरोहर ,प २३५]

“Муаррих” сўзи тарихда “тарихчи” маъносини англатган. Бу гапдаги “муаррих” сўзи *इतिहासकार* тарзида таржима қилинган ва ушбу сўз “тарихчи” сўзига айни эквивалентдир. Демак таржимон бу ерда адекват таржимага эришган.

Темур дарвозаси деб аталган улуғвор тангиданўтганларидан кейин Бобур маҳофанинг эшигини очиб, **мирохўрни** чақиртирди [Й.Т.:150].

तंग पहाड़ी रास्ता-“तैमूरी दरवाज़ा” –पार करने के बाद उसने गाड़ी का दरवाज़ा खोलकर अपना **साईस** बुलाकर हुक्म दिया। [बाबूर,प १७२]

Ушбу жумладаги “Мирохўр” сўзига қуйидагича изоҳ берилган. Мирохўр -“амир охур” дегани. Мирохўр-подшоҳ отбоқарларининг бошлиғи. Ҳақиқатдан ҳам Мирохўр –бош отбоқар, отхона бошлиғи. Тарихда Ўрта Осиё хонликларида сарой отхоналарига бошчилик қилган мансабдордир¹²². Таржимада мирохўр-**саईс** тарзида таржима

¹²¹ Мусаев.Қ. Таржима назарияси асослари. Тошкент: Фан, 2005. – Б. 111.

¹²² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б. 702.

қилинган. साईस¹²³ хиндий тилига араб тилидан ўзлашган сўз бўлиб айнан “отбоқар” деган маънони англатади.

Кошонадан чиққан шахзода Абдулазиз билан қўлида мактуб ушлаган шайхулисом Бурҳониддин шоша-пиша унга томон юришди.

– “Тағин нохуш хабар !”-деди Мирзо Улуғбек.

– Қайда юрибсиз, ҳазратим?-деди шайхулисом хансираб,-Амир Искандар барлосдан **чопар** келубдур [У.Х.:76].

दरवाजे के बाहर अब्दुल अजीज और **शैख-उल-इस्लाम** बुरहानिद्दीन सुलतान की बाट जोह रहे थे।

“**हरकारा** आ पहुंचा है. हुजूर,” **काज़ी** ने संयत स्वर में कहा। “उसे इस्कंदर बरलास ने भेजा है, हुजूर,” पिता का प्रश्न भांपकर पुत्र ने कहा। [उलूग बेक की धरोहर ,प ८५]

Ушбу жумладаги“чопар” сўзи **हरकारा** тарзида таржима қилинган. **हरकारा**¹²⁴ сўзи “хат ташувч”, “чопар” деган маънони англатади. Бу ерда таржимон “чопар” сўзининг айнан эквивалентини топа олган.

– Маъзур тутгайсиз, амирим, Кўксаройдан **чопар**келмиш [У.Х,222].

हुजूर! कोक-सराय से **कासिद** आया है! [उलूग बेक की धरोहर ,प २५६]

Ушбу жумлда “чопар” сўзини **कासिद** тарзида ифодаланган.**कासिद** хиндий тилига араб тилидан ўзлашган сўз бўлиб, “чопар” деган маънони билдиради. Таржимон **हरकारा** ва **कासिद** сўзларини қўллаш орқали “чопар” сўзининг эквивалентларини бера олган.

Мирзо Улуғбек кўзини очди, остонада пайдо бўлган **ясавул** орқага чекиниб, таниш семиз бакавулга йўл берди. Бакавулнинг қўлидаги оғир

¹²³ Хинди-русский словарь. В двух томах, 2-том. / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С.56.

¹²⁴ Хинди-русский словарь. В двух томах, 2-том. / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 788.

баркашда қип-қизил пишган иккита патир, бир товоқ ош ва бир чойнак чой бор эди. Бакавул бош эгиб, таъзим қилди-да, баркашни хонтахтага қўйди [У.Х.:95].

पहले पहरेंदार अन्दर आया, फिर उसने खानसामाँ को अन्दर आने दिया। खाना तो सुलतान को खिलाया जा रा था। खानसामाँ चाँदी की भारी तश्तरी में शोरबे का प्याला, केतली और दो गुलाबी नान लेकर आया था। [उलूग बेक की धरोहर ,प १११]

Жумлада “ясавул” сўзи *पहरेंदार* деб таржима қилинган. “Ясавул хонларга, мансабдор шахсларга хизмат қилувчи қуролли соқчи, посбон”¹²⁵ Ҳиндий тилида *पहरेंदार*¹²⁶ сўзи “қоровул, соқчи” деган маънони билдиради. Таржимон бу ерда “ясавул” сўзининг эквивалентини бера олган.

Ясавул чопарни дархол юқорига бошлади [Й.Т.:129].

अंगरक्शकों का सरदार इस लिये सन्देशवाहक को तुरन्त ऊपर ले गया। [बाबूर,प १४८]

Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи таржимасида эса “ясавул” сўзи **अंगरक्शक** тарзида “чопар” сўзи эса **सन्देशवाहक** шаклида таржима қилинган. Бу иккиси ҳам ҳиндча сўз бўлиб айнан “ясавул” ва “чопар” маъноларини изоҳлайди. Демак таржимон бу ерда “ясавул” ва “чопар” сўзларининг ҳиндий тилидаги эквивалентини бера олган.

Унвон, лавозим, касбга оид сўзларнинг ҳиндий тилига изоҳли

таржималарига мисоллар:

Билмасам **кадхудо** гузарда ишонтириб айтди. “Подшо ҳазратлари йўлда, эрта индин ҳимоямизга етиб келишлари аниқ!”-деди [Й.Т.:22].

¹²⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. / С.Ф Ақобиров, Т.А. Аликулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б. 488.

¹²⁶ Хинди-русский словарь. В двух томах, 2-том. / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С.56.

मुझे कुछ पता नहीं,, गाव के मुखिये ने कहा था कि बादशाह आ रहे हैं। हमारी मदद करने आ रहे हैं, उसने यही कहा था। [बाबूर,प २७]

Аслиятда “Кадхудо” сўзига “қишлоқ оқсоқоли” тарзида изоҳ келтирилган. Таржимада **गाव के मुखिये** яъни “қишлоқ бошлиғи” деб таржима қилинган. Ҳиндларда “оқсоқол” тушунчаси мавжуд бўлмаганлиги учун таржимон уни **गाव के मुखिये** яъни “қишлоқ бошлиғи” тарзида таржима қилган ва бу таржима ҳинд китобхони учун тушунарлидир.

Фитначи беклар Андижон тахтига Жаҳонгир Мирзони ўтказмоқчилар. Аҳмад Танбални **лашкарбоши** қилишиб, Бобурдан ота юртини тортиб олмоқчилар [Й.Т.:130]

विश्वासघाती बेग अंदीजान के तख्त पर जहांगीर को बिठाना चाहते हैं। यानी इसका मतलब है वे अहमद तनबाल को **फौज का सिपहसालार** बनाना और बाबर से उसका पुश्तैनी घर छीन लेना चाहते हैं। [बाबूर,प १४९]

“Лашкарбоши - қўшин ёки унинг бирор қисмининг қўмондони, ҳарбий бошлиқ, саркарда”¹²⁷. Таржимада “лашкарбоши” – **फौज का सिपहसालार** яъни “армия, қўшин бошлиғи” тарзида изоҳлаб таржима қилинган. Ушбу изоҳли таржима ҳинд китобхони учун тушунарли деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари шиғовул, юзбоши каби сўзлар таржимада тушиб қолдирилган.

Ҳар бир тарихий асарда тарихий-архаик унвон,лавозим, касбга оид сўзлар келтирилади. Чунки мазкур сўзлар асарнинг айни тарихий даврга

¹²⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б. 572.

оидлигини билдириб туради. Шунинг учун ушбу сўзларнинг таржимада тўғри ифодаланиши муҳим аҳамият касб этади.

2.Узунлик,оғирлик ва пул ўлчов бирликларини таржимада бериш

Биз тадқиқотимиз жарёнида ўлчов бирликларига оид сўзларни ҳам таржимада берилишини кўриб ўтдик. Тарихий асарларда учрайдиган ўлчов бирликлари муайян халққа хос тарихий тараққиёт маҳсули сифатида маълум таърихий-миллий хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради, давр руҳини ифодалаш вазифасини ўтайди. Бинобарин мазкур бирликларни таржимада тўғри бера олиш аслиятдаги тарихий-миллий яхлитликни сақлаш демакдир. Бундай муайян бирликларнинг асар доирасида тутган ўрни, аҳамияти ҳисобга олинади. Ўз навбатида қўлланилган усулнинг мақсадга мувофиқ бўлиши таржимоннинг билими, савияси даражаси билан белгиланади. Зеро, ўлчов бирликлари ҳам бошқа бирликлар сингари тарихий давр руҳини ифодалашда катта ўрин тутишини ҳис қилган ҳолда таржимон тарихий асарларни ўгиришда мазкур жиҳатларга эътибор ва масъулият билан ёндашади.

Қуйида биз ўлчов бирликларига оид сўзларни таржимада ифодаланишини кўриб ўтамыз.

Узунлик ўлчов бирликлари

Номага қараганда, шахзода қўшинлари икки уч**фарсах**жойга келиб қолган, Мирзо Улуғбек қандай қарорга келмасин, бу қарорни дарҳол қабул қилмоғи лозим эди [У.Х.:78].

सब संकेतों से पता चल रहा था कि अब्दूल लतीफ इस समय उलूग बेक से दो-तीन **फरसंग**की दूरी पर था। [उलूग बेक की धरोहर ,प ८८]

Ушбу жумладаги *фарсаҳ*¹²⁸ сўзига ўзбек тилининг изоҳли луғатида “тахминан 7-8 км тенг узунлик, масофа ўлчови” деб изоҳ берилган. Таржимада бу сўз матн остида қуйидагича изоҳланган.

फ़रसंग-४००० गज़ या सवा दो मिल की दूरी का एक नाम।

Сўзма-сўз таржима. 4 минг газ ёки 2,15 мил узунликдаги ўлчов бирлиги номи.

Бу сўз ҳиндий тилига форс тилидан ўзлашган бўлиб, ҳиндий тилида ҳам архаик сўз ҳисобланади. Изоҳда қўлланилган *मिल* сўзи ўринли деб ҳисоблаймиз. *मिल*¹²⁹ инглиз тилидан ўзлашган сўз бўлиб 1,6 км га тенг масофа ўлчовидир. “Қадимий асарда биз учун эскирган сўзларни изоҳлашда замонавий ўқувчи учун тушунарли бўлган муқобилларни қўллаш айтиш муддаодир. Чунки контекста транслитератсия усули орқали сақланган архаик сўзга ҳозирги давр руҳидан келиб чиқиб изоҳ бериш бу айтиш синалган усул. Акс ҳолда изоҳларнинг ўзи ҳам изоҳ талаб бўлиб қолиши табиий”¹³⁰. *मिल* ва *गज़* сўзларининг ҳиндий тилида тарихий сўз эмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, изоҳда замонавий ўқувчи учун тушунарли бўлган сўзлар қўлланилган. Юқоридаги фикрга асосланиб *फ़रसंग* сўзига берилган изоҳ тўғри деб ўйлаймиз.

Транслитератсия ўлчов бирликларини талқин этишнинг энг қулай йўллари билан бири бўлиб, асл нусха миллий руҳини тарихий вазият ҳамда ижтимоий муҳитни сиқиб ҳолда қайта тиклайди. Масофа, оғирлик, пул бирликлари, кийим-кечак, рўзғор ашёлари каби миллий хусусиятларга эга бўлган тушунчаларни англатадиган сўзларни транслитератсия йўли билан

¹²⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. / С.Ф Ақобиров, Т.А. Алиқулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б. 296.

¹²⁹ Inglizcha-o‘zbekcha lug‘at. / U.Isoqovq, M.Rahimov va bosh. N.Bozorova tahriri ostida. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2008 – B. 321.

¹³⁰ ЎрмоноваН. Таржимада тарихий-архаик лексикани акс эттириш принциплари ва таржима аниқлиги. (ўзбек классик адабиётидан француз тилига қилинган таржималар таҳлили асосида) филол. фан. номз. дисс... – Тошкент: ЎЗМУ, 2008. – Б. 108.

тарқин қилиш хорижий муҳит ва шароитнинг котобхон кўз олдида очик-ойдин жонланишини таъминлайди.

Қудук чуқур эмас, нари борса **10-15 газ** бўлиб, унинг бир томонидан одам аранг сиғадиган туйнук очилган эди [У.Х.:87].

कुआं गहरा नहीं था, कोई पन्द्रह हाथ से अधिक नहीं, और उसमें नीचे , उसकी एक ओर छोटी खिड़की जितना बड़ा मोखा था। [उलूग बेक की धरोहर , प ९८]

Юқорида келтирилган жумладаги газсўзи тарихий архаик сўз ҳисобланади. Газ-метриқ система қабул қилинганга қадар ишлатилган 0,71 метрга тенг узунлик ўлчов бирлиги; “аршин”¹³¹. Ҳиндий тилида ҳам “газ” узунлик ўлчови мавжуд бўлиб, गज¹³² 90 смга тенг узунлик бирлиги ҳисобланади. Таржимада “газ” हाथ сўзи билан таржимақилинган. हाथ¹³³ 45-смга тенг узунлик ўлчовидир”. Бу сўз ҳиндий тилида айни эскирган архаик сўздир. Ўртаҳисобда 15 газ 1065 смга, 15(पन्द्रह) हाथ эса 775 см га тенгдир. орадаги 250-300 см фарқ бўлишига қарамай таржимон газ сўзини गज тарзида эмас हाथ сўзи билан ифодалаб, тарихий давр руҳини сақлаб қолишга ҳаракат қилганлигини гувоҳи бўламиз. Бундан ташқари таржимон масофа ҳақида тўғри тасаввур бериш билан бирга тил маданияти қабул қила оладиган табиий оҳангни ярата олган. गज ҳиндларда тарихий ўлчов бирлик ҳисобланмайди.

Чех олими Иржи Левий ўлчов бирликларининг ўгирмаси хусусида фикр юритиб, жумладан, шундай дейди: “.....аршин, стоп, дюм, пинт, галлон ва шу кабилар фақат колорит учун

¹³¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. / С.Ф Ақобиров, Т.А. Алиқулов, З.М Маъруфов ва бош. М Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б. 182.

¹³² Ҳинди-русский словарь. В двух томах, 1-том. / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972 – С. 439.

¹³³ Ҳинди-русский словарь. В двух томах, 1-том. / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 800.

хизмат қилса ҳамда таржима китобхонида аниқ моддий тасаввур уйғотмаса, тасвир қилинган нарсанинг ҳақиқий ўлчамлари китобхон кўз олдида гавдаланмайди. Бу борада барча бирликларни қабул қилган метрик системага, яъни метр ва килограммларга ўтказиб таржима қилиш мумкин, фақат бунда муайян узунлик ёки оғирлик асар учун колоритдан кўра кўпроқ аҳамиятга эга бўлиши лозим”¹³⁴

“Юқорида келтирилган мисолларга ҳам шу нуқтаи назардан ёндашилса, *गज वा फरसंग* ниметр билан ўлчиш мумкин эканда, деган фикр туғилиши табиий, бироқ ўрта аср шарқ ҳаётида кенг қўлланилган ўлчов бирликларини ўша давр учун хос бўлмаган ёки айна пайтдаги халқаро ўлчов бирлиги тизимида қабул қилинган термин орқали ўлчиш тўғридан-тўғри анахронизмга олиб келган бўлар эди. Мутаржимлар анахронизмдан харфхўрликдан сақланган ҳолда бу ўлчов бирликларини таржима қилишда бошқа усулдан фойдаланилса ҳам бўлади. Зеро, Таржимон ҳарбир муайян ҳолатга ижодий ёндашиши, муаллиф фикрини тўғри акс эттириш учун қайғуриши ҳарт”¹³⁵

Оғирлик ўлчов бирликлари

Нақ уч қадок келур, - деди [У.Х.:18].

उफ़, कितना भारी है!...[उलूग बेक की धरोहर, प २५]

Ушбу жумлада “уч қадок” *कितना भारी* яъни қанчалар оғир сўз бирикмаси тарзида ифодаланган. *Қадок*¹³⁶ 400 гр гача келадиган оғирлик ўлчов бирлиги. Ҳиндларда ҳам “қадок” ўлчов бирлигига муқобил тарзда *सेर* оғирлик ўлчов бирлиги мавжуд. *सेर*¹³⁷ – 400 гр дан 1 кг гача бўлган

¹³⁴ Левый.И. Искусство перевода. – М.: Прогресс. 1974. – С. 134.

¹³⁵ Исокова Ш. Бадий таржимада миллийлик ва тарихийликнинг акс эттирилиши. (Ойбекнинг “Навой” романининг французча таржимаси мисолида): филол. фан. номз. дисс... – Тошкент: ЎзМУ, 2004. – Б. 91.

¹³⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. / С.Ф. Ақобиров, Т.А. Аликулов, З.М. Маъруфов ва бош. М. Маъруфов таҳрири остида – М.: Рус тили, 1981. – Б. 534.

¹³⁷ Хинди-русский словарь. В двух томах, 2-том. / А.С. Бархударов, В.М. Бескровный и др. Под ред. В.М. Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С. 720.

огирлик ўлчов бирлигидир. “Уч қадок” 1кг 200гр бўлишини ҳисобга олсак уни таржимада *एकसेर* тарзида ифодалаш мумкин эди деб ўйлаймиз.

सेर “қадок” сўзига айнан эквивалент бўлмасада, муқобил бўла олади.

Даҳкатдан **уч-тўрт чақирим** қуйида Қоразов деб аталадиган баланд жарлар тагидан одамни оқизадиган улкан Оксув екиб ўяди [Й.Т.:268].

दहकत से डेढ़-दो मील की दूरी पर ऊंची करारे तले आकसूव यानी सफेद नदी बहती थी, जिसमें इतना पानी था और जो इतनी तेज़ बहती थी कि असावधावनी से उसके प्रवाह में घुसनेवाले आदमी को चक्कर खिलाकर फौरन बहा ले जाती थी। [बाबूर, प २८३]

Мирзоларни кутганидан ҳам осон енгган Шайбонийхон шаҳардан **ўн беш чақиримча** шарқдаги Қаҳдитон деган хушҳаво ўтлоққа тушиб, шоҳона чодирларни тикдирди [Й.Т.:149].

उसने शहर के पूर्व में कोई दस मील दूर अदभुत आबोहवा के लिये मशहूर हरे-भरे मैदान कहदिस्तान में पड़ाव डाला। [बाबूर, प ३४५]

Унинг қўшинидан **беш-олти чақирим** орқада яна бир маҳофа келмоқда эди [Й.Т.:149].

फौज के कोई दो-तीन मील पीछे एक और गाड़ी आ रही थी [बाबूर, प १७१]

Юқорида келтирилган жумлалардаги “чақирим” узунлик ўлчов бирлиги **मील** тарзида таржима қилинган. Бизга маълумки чақирим-метрик ўлчов системаси қабул қилингунга қадар қўлланган 1,06 кмга тенг қадимги узунлик ўлчов бирлиги. Таржимада қўлланилган *मिल* сўзи инглиз тилидан ўзлашган сўз бўлиб 1,6 км га тенг масофа ўлчовидир. *मिल* “чақирим” сўзини изоҳлай олсада, асар тарихий бўлганлиги учун инглиз тилидан

ўзлашган сўзлар ўрнига ҳиндий тилида мавжуд сўзлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳиндий тилида कोस (узунлик ўлчов бирлиги мавжуд бўлиб, 3200 м га тенгдир ва у қисман бўлсада “чақирим” сўзини изоҳлай олади.

“Муайян бир халқ ҳаётидаги ўлчов birlikларини бошқаси билан алмаштиришда уни асарнинг умумий оҳангига, ундаги тарихий ҳақиқатга, миллий руҳга нечоғлик мос келиш-келмаслигини жиддий ўйлаб кўриш керак. Бепарволик билан ўша ўлчов birlikи ҳақида зарур маълумотга эга бўлмай туриб, уни ўз тилидаги мос келмайдиган ўлчов birlikи орқали ифодалаш асарнинг бадиий-эстетик қиматига путур етказди, китобхонда воқеликка нисбатан иккиланиш, ишончсизлик уйғотади”¹³⁸.

Ёзувчи асар ғоясидан, руҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўлчов birlikларидан фойдаланар экан, буни таржимада арзимас нарсаси деб ҳисоблаш асарда тасвирланаётган воқеалар мазмунига путур етказиш билан бирга китобхонни ишончини йўқотади. Шунинг учун ҳам асарни ўз тили воситалари ёрдамида шаклланган ёки мазмунан қайта яратар экан, унинг бадиий ҳамда эстетик қимматини мужассам этишда қўлланилган ҳар бир унсурни атрофлича ўрганиш таржимондан катта масъулият талаб этади. Зеро таржимада фақат умумий муқобилликка эмас, балки деталларнинг аниқлигига ҳам жиддий эътибор бериш лозим.

Биной таржимон ўзи таржима қилаётган китоб ҳақида, ундаги тасвирланган халқ ҳаёти, турмуши ва маданияти тўғрисида ҳамма нарсани билади, шу жумладан ўлчов тизимининг қадимда ишлатиладиган ва ҳозирда қўлланилаётган birlikлардан ҳам хабардор бўлишини айтиб ўтган.

¹³⁸ Исокова Ш. Бадиий таржимада миллийлик ва тарихийликнинг акс эттирилиши. (Ойбекнинг “Навой” романининг французча таржимаси мисолида): филол. фан. номз. дисс. ... – Тошкент: ЎзМУ, 2004. – В. 90.

Ниҳоят, Бобур ҳам Самарқанддан қўшин билан келди-ю, Сарипулда Шайбонийхон аскарларидан **бир тош берида** тўхтаб, жанга тоёрлана бошлади [Й.Т.: 238].

बाबर समरकन्द से निकलकर शैबानी खां की सेना की तरफ बढ़ा लेकिन **एक ताश** की दूरी पर सरेपुल में रुककर उसने ज़रफ़शान नदी के किनारे पड़ाव डाल दिया।

[बाबूर, प २४६]

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “тош 8 чақиримга яқин (тахминан 6 км) узунлик ўлчов бирлиги”¹³⁹ тарзида берилган.

Таржимада “тош” сўзига қуйидаги ҳавола келтирилган.

एक ताश लगभग छः मीलों के बराबर होता है।

Сўзма сўз таржима: Бир тош тахминан 6 чақирим тенг бўлади. Ўз ўзидан маълумку тош сўзига берилган ушбу изоҳ ўринлидир.

Худди шунингдек, пул, баҳо ўлчов бирликларининг таржимаси ҳам мутаржим рўбарў келадиган мураккаб масалалардан биридир. Чунки, бирликлари ҳар бир халқ тилида нафақат номланиши, балки қиммати жиҳатидан ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади. Ҳатто муайян бир халқ ҳаётида маълум бир баҳо ўлчов бирлиги турли даврларда турли қийматларга эга бўлганлиги аён. Бу, албатта, ўша давр ҳаётини иқтисодий аҳволи, моддий шарт-шароитлари билан бевосита боғлиқ бўлган. Ҳозирги кунда кундалик турмуш тарзимизда ишлатиладиган баҳо бирликлари ҳаммамизга таниш. Аммо, ўтмишда ота-боболаримиз тушунчаларидан келиб чиққан ҳолда номланган ва белгиланган баҳо ўлчовлари ҳақида ҳамма ҳам аниқ маълумотга эга эмас, албатта. Бундай баҳо ўлчов бирликларини эндиликда фақат илмий ёки тарихий бадий асарларда учратамиз. Қадимда Ўрта Осиёда пул, пақир, мири, танга ўлчов бирликлари бўлиб, кумуш ва тилло тангалар алоҳида фарқланган.

¹³⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – Б. 514.

Баззоз ёғоч газни қўлига олди-ю, қизилбош навкарларга истехзоли кўз ташлаб сўради [Й.Т.:393]

दुकानदार ने लकड़ी का नाप उठाया और किज़िलबाशों की ओर व्यंग्यपूर्वक मुस्कराकर देखते हुए पुछा [बाबूर, प ३९२]

Ушбу жумладаги “ёғоч газ” сўзи таржимада **लकड़ीकानाप** яъни ёғоч ўлчов бирлиги тарзида, изоҳли таржима қилинган.

Шайбонийхон ўлимидан уч тўрт йил бурун Ҳиротдан то Тошкент ва Туркистонгача бўлган вилоятларда пул ислоҳоти ўтказган, рақиблардан молия соҳасида ҳам устун келиш учун ўз тангаларининг оғирлигини теурийлар чиқарган тангаларнинг вазнига нисбатан **бир данг** оширган эди.[Й.Т.:394]

उस बेचारे दुकानदार को याद था कि शैबानी द्वारा चलाया गया सोने का सिक्का तैमूर के वंशजों के शासन-काल में प्रचलित सोने के सिक्कों के मूकाबले में पूरा एक दंग ज्यादा भारी था। [बाबूर, प ३९]

Аслиятда матн остида “бир данг-олтидан бир демақдир. Теурийлар тангасининг вазни 4,6 грамм бўлса, Шайбонийхоннинг тангаси 5,2 грамм бўлган”. Тарзида берилган. Таржимада ҳам “данг” сўзи транслитератсия қилиниб, қуйидаги изоҳ келтирилган. दंग अथवा बीर दंग सोने के तौल की इकाई। प्रचलित स्वर्ण-सिक्के का वज़न 4.6 ग्राम था। शैबानी ने उसे बढ़ाकर 5.2 ग्राम कर दिया था। “Данг” сўзига берилган ушбу изоҳ ўринлидир.

Пул бирликлари

Чарм ҳамёнидан **битта олтин** олиб, бўсаға олдиға ташлади [Й.Т.:46].

उसने चमड़े की थैली से एक अशरफ़ी निकालकर देहलीज़ पर फेंक दी। [बाबूर, प ५३]

Олтин-олтин металидан зарб қилинган пулдир.Таржимада олтин अशरफी сўзи билан ифодаланилган. अशरफी¹⁴⁰ ҳиндий тилига форс тилидан ўзлашган сўз бўлиб, “олтин танга” маъносини билдиради. अशरफी олтин танга сўзига айна эквивалиент бўла олади.

Катта чўгирма кийган бир йигит чарм ҳамёнидан **уч-тўртта кумуштанга** олиб, баззозга узатди [Й.Т.:393].

लम्बी-सी झबरी टोपी लगाये हुए सिपाही ने चमड़े के बटुए मेंसे तीन-चार
अशरफियां निकालकर दूर से घुमाकर दिखायीं। [बाबूर, प ३९२]

Ушбу жумлада эса “кумуш танга” ҳам अशरफी тарзида таржима қилинган. Аммо अशरफी “олтин танга “бўлганлиги сабабли кумуш танга сўзини ҳиндий тилида мавжуд бўлган स्वर्ण-सिक्के тарзида ифодалаш мумкун эди. **स्वर्ण-सिक्के** айнан “кумуш” танга маъносини ифодалайди.

Асарда бирон буюмнинг, нарсанинг қийматини англатадиган ёки воқеалар ривожига боғлиқ ҳолда муаллиф баёнида миллий руҳни ифодалаб келган пул бирликларини таржимада беришнинг бирдан-бир тўғри йўли транслитератсиядир. Чунки аслиятда қўлланилган тарихий пул бирликлари ҳудудий жиҳатдан анча узоқда жойлашган тарихан турли ривожланган, турмушнинг моддий ва маънавий тараққиёти хусусиятлари жиҳатидан кескин фарқ қилган бошқа бир халқ тилида айнан муқобили ёки ўхшаши бўлмаслиги мумкин. Аммо асардаги давр руҳи, воқеалар ривожини ўша пул бирлигиниталаб этади. Бунда бир халқ пул бирлиги билан бериб бўлмайди.

¹⁴⁰ Хинди-русский словарь. В двух томах, 1-том. / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный. – М.: Советская энциклопедия, 1972. – С.354.

Бу ҳол тарихий асардаги муайян халқларнинг тарихий-миллий пул бирликлари таржимаси учун ҳам хосдир.¹⁴¹

Тарихий асарларда қўлланилган ўлчов бирликларини таржима қилишда мутаржим унинг нозик жиҳатларини илғай олиши керак бўлади. Чунки бундай ўлчов бирликлари мазкур халқ тарихий тараққиётинининг маҳсули бўлиб, тарихий-миллий хусусиятларни ўзида мужассамлаштириши билан характерлидир.

3-боб бўйичас хулосалар

Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” ва Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романларининг **ҳиндий тилига таржимасида мутаржим:**

- таржима тилида эквивалентини бериш
- транслитератсия
- изоҳли
- таржима тилида муқобил вариант билан ифодалаш.
- калка каби усуллардан фойдаланганлигининг гувоҳи бўлдик.

Бобда касб-хунарга оид 22 та, ўлчов бирликлари билан боғлиқ 9 та сўз тушунчанинг ҳиндий тилига таржимаси таҳлилга тортилиб, таржимоннинг уларни таржима қилишдаги маҳорати ва бу борада йўл қўйган айрим хатолари кўрсатиб берилади.

Шу билан бирга, таржимон таржима жараёнида пуд, шиғовул, юзбоши каби бир қатор лавозим ва ўлчив бирликларига оид терминларни таржима қилмай тушуриб қолдирган.

Умуман, баъзи камчиликларни ҳисобга олмаганда таржима муваффақиятли амалга оширилган. Албатта, ҳар бир таржима муайян камчиликлардан ҳоли эмас, аммо ҳар бир таржима оғир меҳнат эвазига бажарилганлигини эсдан чиқармаган ҳолда таржимоннинг амалга оширган

¹⁴¹ ИсоқоваШ.Бадий таржимада миллийлик ва тарихийликни акс эттирилиши. (Ойбекнинг “Навоий” романининг французча таржимаси мисолида): филол. фан. номз.дисс... – Тошкент: ЎзМУ, 2004. – Б. 92.

меҳнатини таҳсинга лойиқ деб ҳисоблаймиз. Замондош адибларнинг замонавий мавзуларда ёзилган асарларини ўгириш тарихий асарларни таржима қилишга қараганда бир мунча енгил. Зеро, тарихий асарни бошқа тилга ўгириш янада кўпроқ меҳнат талаб қилади. Таржимон таржима жараёнида бир мунча қийинчиликларга дуч келганининг гувоҳи бўлдик. Бу айниқса тарихий-миллий сўзлар таржимасида сезилди. Шунга қарамай таржимон барча қийинчилиларни енгиб ўтиб, аслиятга мос таржима ярата олган.

ХУЛОСА

Қўйилган масалаларнинг илмий-таҳлилий, қиёсий жиҳатдан тадқиқ этилиши натижасида муайян назарий хулосалар чиқариш мумкин.

1. Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, тарихий сўзлар таржимаси юзаки қараганда алоҳида лисоний муаммо бўлиб кўринса-да, тарихий асарни замонавий тилга таржима қилиш жараёнида у ҳал қилувчи унсур ҳисобланиб, таржима сифатини белгилашда муҳим омилга айланади. Тадқиқот давомида О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси”, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романлари ҳиндий тилига таржимасида тарихий-лексик бирликларнинг акс эттирилиши ўзбек тилидаги аслият билан қиёсий таҳлил этилди.

2. Таржима қилишда асосан араб ва форс шунингдек, инглиз тилларидан ҳиндий тилига ўзлашган сўзлардан фойдаланганлиги маълум бўлди.

3. Мутаржим XV аср ўзбек халқи ҳаётига хос бўлган тарихий давр колоритининг асосий компонентлари, лексик бирликлар, иборалар, реалияларни ҳиндий тилига муқобил вариантлари билан ўгириб, ўша давр воқелигини ўз тилида акс эттиришга ҳаракат қилган.

4. Таржимон тарихий-архаик бирликларнинг таржимасида транслитератсия, изоҳли таржима, калка каби усуллардан фойдаланганлиги аниқланди.

5. Таҳлил давомида 50 тадан ортиқ тарихий-архаик лексиканинг таржимада ифодаланиши кўриб чиқилди. Шулардан 9 таси ўлчов бирликларига оид, 9 таси ҳарбий атамаларга оид, 22 таси унвон, лавозим номларига оид, 10 таси мурожаат бирликларига оид сўзлардир.

6. Таҳлил жараёнида юқоридаги сўзларнинг 10 таси транслитератсия усули билан, 10 таси таржима тилида эквивалентини топиш, 9 таси муқобил вариантларини бериш, 2таси изоҳли таржима ва 2таси калка усули билан таржима қилинганлиги аниқланди. Шунингдек, аслиятдаги баъзи сўзлар таржимада тушиб қолдирилган.

7. Таржималарни қиёсий ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдики, асарларда акс этган тарихий воқеа – ҳодисалар таржимонга ҳамиша ҳам тушунарли бўлган эмас. Шу каби ҳолларда мутаржим тарихий архаик сўзни изоҳсиз ташлаб кетган ёки умуман таржима қилмаган.

8. Таржимон романдаги воқеалар ривожини тасвирлашда, қаҳрамонларнинг ботиний оламини ёритишда, ғоялар кураши ҳамда характерлар тўқнашувини очиб беришда кенг китобхон оммасига тушунарли, ўтмиш нафаси уфуриб турган архаик сўзлардан маҳорат билан фойдаланган. Керакли ўринларда тарихий-лексик birlikлар изоҳлаб берилган. Аммо бу принцип бутун таржима давомида изчил сақланмаган.

9. Асарнинг ҳиндий тилига қилинган таржимасини аслият билан қиёслаб ўрганганимизда, тарихий давр колоритини қайта яратишда эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган нуқсонларни ҳам учратамиз.

Таржимон коп ўринларда тарихий - архаик лексика ва ҳатто тарихий-архаик лексика ҳисобланмаган сўзларни таржима қилишда инглиз тилидан ўзлашган сўзлардан фойдаланган. АсардаХВ-ХВИ асрларда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар тасвирланган. Ҳиндий тилига эса ушбусўзлар тахминан XIX асрда инглизларзабт этгандан сўнг ўзлашган. Шу сабабдан тарихий асарлар таржимасида ўша даврга хос бўлмаган сўзларни қўллаш ноўриндир.

10. Таржимон баъзи сўзларни таржима қилишда синоним сўзлардан фойдаланиб таржима қилган. Уларнинг барчаси тарихий-архаик лексика ҳисобланмаса-да, тилнинг луғат бойлигидан фойдаланишга ҳаракат қилган.

11. Мутаржимлар учун тарихий асар таржимасини тушуниш ва ўрганишни қийинлаштирувчи қуйидаги сабаблар аниқланди. Асар яратилган давр учун одатий бўлган, аммо вақт ўтиши билан эскирган тарихий, миллий, диний, ҳарбий сўзларнинг қўлланиши; аслият

яратилгандан сўнг орадан ўтган вақт давомида тилнинг луғат хазинаси таркибида турли ўзгаришларнинг содир бўлиши; асар услубининг мураккаблиги; миллий руҳнинг ўта чуқурлиги ҳамда ўзга тиллардан ўзлашган лексик қатламнинг жой олиши кабилар.

12. Ҳар бир халқнинг ўтмишида ўзига хос ҳарбий санъати, жанговор анжомлари бўлиб, давр тақозоси билан улар такомиллашиб, янги-янги қурол турлари пайдо бўлган ва бунинг натижасида ҳарбий лексика бойиб борган. Асарда тарихийликни белгиловчи унсурлардан бири сифатида ҳарбий сўз ва терминлардан кенг фойдаланилган. Уларнинг айримлари тузилиши, ишлатилиши жиҳатидан ҳиндларникига ўхшаш бўлганлиги учун таржимон учун қийинчилик туғдирмаган. Баъзи ҳарбий терминлар, қурол-яроғлар фақат муайян халққа хос бўлганлиги учун уларни таржимада беришда, асосан, транслитератсия усулида фойдаланилган. Зеро транслитератсия тарихий давр кўринишини ифодалашда синалган ва ишончли усулдир.

13. Ушбу асарларнинг ҳиндийча таржимасини ўзбек ва ҳинд таржимачилиги тараққиётида муҳим босқич сифатида баҳолаш мумкин. Ўзбек-ҳинд тиллари доирасидаги тарихий асарлар таржимачилиги силсиласида ушбу асар ўгирмаси катта тарихий ва амалий аҳамиятга молик.

14. Кузатишлар шуни кўрсатадики, ўзбек тилида бевосита ҳиндий тилига таржима қилиш ишларини йўлга қўйилиши, ривожлантирилиши учун керакли шарт – шароитлар яратиш мавжудларини янада кенгайтириш зарур. Хусусан, ўзбек адабиётидан ҳиндийчага қилинган таржимадаги мавжуд тажрибалар ўзбекча – ҳиндча ҳамда ҳинча-ўзбекча луғатлар, қомусий характердаги маълумотлар тузишни янада кўпайтиришни, айти пайтда малакали, қобилиятли таржимонлар тайёрлаб, уларни ўзбек – ҳинд ва ҳинд- ўзбек таржимачилиги ихтисослашувини кенг йўлга қўйишни тақозо этади.

Демак, таржимон ижодий меҳнати жараёнида асл нусха нафосатини ифодаловчи архаик сўзлар замирида яширинган нозик маънони моҳирона илғай олиши, уларни илмий асосда таҳлил қилиб, асарнинг бутун мураккаблиги билан ўз тилига ўгириши керак.

Шартли қисқартмалар

- 1. Пиримқул Қодиров “Юлдузли тунлар” – [Й.Т.:]**
- 2. Одил ёқубов “Улуғбек хазинаси” – [У.Х.:]**
- 3. सुधीर कुमार माथुर, उलूग बेक की धरोहर – [उलूग बेक की धरोहर]**
- 4. सुधीर कुमार माथुर, बाबूर – [बाबूर]**

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни
Тошкент, 1997 й 29 август №463-1

2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлаш тайёрлаш Миллий
дастури” Тошкент, 1997й, 29 август №463-1

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Чет тилларни ўрганиш
tizimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 10
декабрдаги ПҚ-1875-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълимни янада
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ
2909-сонли Қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги
“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш
бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида ПҚ 4947-сонли Қарори.

IIII. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

6. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси.— Тошкени: Шарқ, 1999.— 230

б.

7. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент : Ўзбекистон, 2009. – 185 б.

8. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 176 б.

9. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.–Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2017. –

ИВ. Илмий адабиётлар

ўзбек тилида:

10. Иброҳимов А. Бобурномадаги ҳиндча сўзлар. – Тошкент: ТошДШИ, 2002. – 176 б.

11. Иброҳимова Ш. О.Ёқубов романларидаги миллийликнинг туркча таржималарда акс этиши: Филол. фан номз. ... дисс. –Т., 2010. – **190 б.**

12. Исоқова Ш. Бадиий таржимада миллийлик ва тарихийликнинг акс эттирилиши. (Ойбекнинг “Навой” романининг французча таржимаси мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. –Т., 2004. – **200 б.**

13. Инглизча-ўзбекча луғат. Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 958 б.

14. Очилов Э.Таржимашуносликнинг назарий масалалари. Ўқув қўлланма. Т.: ТошТДШИ, 2014. – 202 б.

15. Жавбўриев М.М. Бадиий таржимада миллий характер ва тарихий давр колорини қайта яратиш: Филол. фан номз.... дисс. автореф. – Т., 1991. – **20 б.**

16. Жўраев К. Таржима санъати. – Т.: Фан, 1982. – 198 б.

17. Комилов Н. Классик таржимада услуб // Таржима санъати. Мақолалар тўплами. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.– 243 б.

18. Комилов Н. Бу қадимий санъат. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – **191 б.**

19. Мирзакулов С.М. Қардош тиллардан таржима асарлар тилининг лексик-семантик тадқиқи. (Т.Қосимбековнинг “Синган қилич романи” таржимаси асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2000. – **210 б.**
20. Миртожиев М.М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Т.: Университет, 2000. – **177 б.**
21. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 352 **б.**
22. Отажонов Н. “Бобурнома” жаҳон адабий жараёнида: қиёсий типологик таҳлил: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1994. – **220 б.**
23. Очилов Э. Архаизм ва таржима. // Шарқ таржимашунослиги: Тарихи, ҳозирги куни ва келажаги. – Т., 2014. – **Б. 39-41.**
24. Саломов Ғ. Бадиий таржимада услубий-миллий ўзига хосликни қайта яратиш проблемаси // Таржима санъати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 167 б.
25. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 172 б.
26. Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадиий таржима. – Тошкент: Фан, 1980. – 168 б.
27. Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966. – 156 б.
28. Саломов Ғ. Рус тилидан мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. – Тошкент: Фанлар академияси нашриёти, 1961. – 165 б.
29. Сирожиддинов Ш, Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – **203 б.**
30. Суярова М.А Бадиий таржимада миллий ўзига хосликни қайта яратиш муаммоси Магистрлик диссертацияси. – Самарқанд, 2015 – 78 б
31. Шарипов Ж. Шеърини таржиманинг баъзи масалалари. – Тошкент: Фан, 1959. – 170 б.
32. Ҳамроев Ҳ. Миллий хос сўзлар – реалиялар ва бадиий таржима // Таржима маданияти. – Т., 1982. – 158 б.

33. Хасанова М. Яшпалнинг раққоса романида Тарихий колоритнинг берилиши. Магистрлик диссертацияси. –Тошкент: ТошДШИ, 2007. – 80 б
34. Ходжаева Н. Премчанднинг Севги инъоми романи таржимасида миллий колоритнинг берилиши. Магистрлик диссертацияси. – Тошкент: ТошДШИ, 2009. – 85 б.
35. ХоджаеваН. Бадиий таржимада тарихий-миллий ўзига хосликнинг берилиши // Таржима санъати.–Т., 2012. – **Б. 11-13.**
36. Хожимурадова К.Ф. Хитой тилидан ўзбек тилига таржима қилинган асарларда миллий колоритнинг берилиши.Магистрлик диссертацияси. – Т.,2013. – 76 б
37. Ярқинова Б.Б. Туркий тиллардан таржимада тарихий колоритнинг акс этиши. (Т.Қосимбековнинг “Синган қилич романи” таржимаси мисолида): Филол. фан номз.... дисс. автореф. – Т., 1991. – 24 б.
38. Ўрмонова Н. Таржимада тарихий-архаик лексикани акс эттириш принциплари ва таржима аниқлиги. (ўзбек классик адабиётидан француз тилига қилинган таржималар таҳлили асосида) Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2008. – 215 б.
39. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик. 1 - жилд. – М.: Рус тили нашриёти, 1981. – 632 б.
40. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик. 2 - жилд. – М.: Рус тили нашриёти, 1981.– 603 б.
41. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. – Тошкент: Ўзб.Мил.Энц, 2006. – 3611 б.
42. Қиличев Е.С. Айний прозасида архаизм ва историзмлар. Филол. фан. номз. ... дисс. –Т., 1969. – **210 б.**
43. Ғафуров И. Таржимонлик мутахассислигига кириш // Ўқув қўлланма. – Тошкент: Меҳридарё, 2008. – 174 б.

рус тилида:

44. Бархударова Л.С. Тетради переводчика. – М.: Международные отношения, 1977. – 117 с.
45. Дадабоев Х, Носыров Н, Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. Ташкент: Фан, 1980. – 212 с.
46. Виноградов В.С. Введение в переводоведение. – М.: Издательство ИОСО РАО, 2001 – 224 с.
47. Влахов С. Флорин С. Непереводимое в переводе. – М.: Международные отношения, 1980. – 344 с.
48. Кашкин. И. Ложный принцип и неприемлимые результаты. – М.: 1952. 283 с.
49. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение – М.: ЭТС, 2002. – 232 с.
50. Комиссаров В. Н. Слово о переводе. – М.: Международные отношения, 1973. – 216 с.
51. Комиссаров В. Теория перевода.(лингвистические аспекты) – М.: Высш. шк., 1990. – 253 с.
52. Левый И. Искусство перевода. – М.: Прогресс, 1974. – 212 б.
53. Левицкая Т.Р. Проблемы перевода. – М.: Международные отношения, 1976. – 105 с.
54. Мешалкина Е.Н. Историческая стилизация в понимании теоретиков и практиков перевода. К постановке проблемы. – М.: МГЛУ, 2006. – 25-31 с.
55. Салимова Ф. Лексикографические и текстологические характеристики “восточнотюркского словаря” Паве де Куртейля и перевод “Бабурнаме” дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1997. – 230 с.
56. Рахматуллаев Ш. Архаизм ва историзмлар. // Научные труды. – Тошкент: ТашГУ, 1963. – 55 с.
57. Ташанов К.М. Воссоздание национального характера в переводе (на материале узбекского переводе трилогии «Дастан о каракалпаках»

Т.Каипбергенова) Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Тошкент, 1991. – 23 с.

58. Хамраев Х.К. Воссоздание национального колорита произведений узбекской прозы во французских переводах. Автореферат. дисс. ...канд. филол. наук. – Тошкент, 1988. – 215 с.

59. Хусаинова. Л.Ю. Национальное своеобразие и перевод (на материале перевода узбекских исторических романов на русский язык). Дисс. ...канд. филол. наук. – Тошкент, 1987. – 198 с.

60. Ульциферов О.Г. Современный русско-хинди словарь. – М.: Русский язык Медиа, 2004. – 1035 с.

61. Хинди-русский словарь. В двух томах. 1 том / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный – М.: Советская энциклопедия, 1972. – 912 с.

62. Хинди-русский словарь. В двух томах. 1 том / А.С Бархударов, В.М Бескровный и др. Под ред. В.М Бескровный – М.: Советская энциклопедия, 1972. – 907 с.

В. Манбалар

Ўзбек тилида:

63. Ёкубов О. Улуғбек хазинаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 334 б.

64. Қодиров П.Юлдузли тунлар –Тошкент: Шарқ, 2009 – 543 б.

ҳиндий тилида:

65. सुधीरकुमारमाथुर, उलूगबेककीधरोहर, रादुगाप्रकाशन, ताशकन्द १९८३ – 366 प

66. सुधीरकुमारमाथुर, बाबूर, रादुगाप्रकाशन, मास्को १९८८– 556 प

ВИ. Даврий нашрлар

67. Ходжаева Н. Ўзбек адабиёти намуналари ҳинд тилида // Ўзбек тили ва Адабиёти. – Тошкент., 2015, №5 – Б.60-65.

68. Иброҳимова Ш. Бадий асарлар таржимасида қаҳрамон портретининг берилиши. // Таржима санъати. Илмий мақолалар тўплами.– Т.: ТошДШИ, 2012. – Б. 83-86.

ВИИ. Интернет сайтлари

69. ҳттип: www.ziynet.com

70. ҳттип: www.google.ru

71. ҳттип: www.президент.уз